Ватан ҳимояси – иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ | ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2007 йил, **2** февраль, жума № **5** (2184).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **2** февраля, **2007** год, № **5** (2184).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу - цена свободная

Бугун Ўзбекистон ўзининг ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, етарли даражада қуролланган, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини, юртимиздаги барқарорликни, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир миллий армиясига эга.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Аҳолини шинам уй-жой билан янада тўлароқ таъмин этиш, уй-жой қурилишини, айниқса кичик шаҳарлар ва қишлоқларда жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишига узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этиш масалаларига муҳим аҳамият бериб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Якка тартибдаги уй-жой қурувчиларни ҳамда аҳоли учун уй-жой барпо этаётган хўжалик юритувчи субъектларни кредитлашга кўмаклашиш мақсадида мазкур Қарор асосида "Ипотека-банк" акциядорлик-тижорат ипотека банки ҳамда Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Қарор бу соҳадаги қонунчилик базасини ривожлантиришга қудратли омил бахш этди. "Ипотека тўғрисида"ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 2006 йил 30 декабрдаги ҳамда "Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 2007 йил 3 январдаги қарорлари қабул қилинди.

Ана шу муҳим масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда "Ипотека-банк" акциядорлик-тижорат ипотека банки ҳамкорлигида "Ипотека муносабатларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари" мавзуида ташкил этилган давра суҳбатида муҳокама этилди.

Давра суҳбати иштирокчилари таъкидлаганидек, ҳозирги кунда мамлакатимизнинг барча минтақаларида "Ипотека-банк"нинг 38 филиали ва 150 дан ортиқ минибанки аҳолининг кенг қатламларига банк соҳасида замонавий хизматлар кўрсатиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида банк ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан уй-жой қурилишига, уни сотиб олиш ва таъмирлашга ўз маблағлари ҳисобидан 7,1 миллиард сўм миқдорида, шунингдек, қурилиш соҳасида фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектларга 22,8 миллиард сўм миқдорида ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 14,2 миллиард сўм миқдорида ипотека кредитлари берилди. Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли ипотека кредитлари бериш механизми йўлга қўйилмоқда.

Анжуманда ипотека муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳамда уй-жой қурилишига узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари бериш тизимини жорий этиш тажрибаси, шунингдек, юқорида зикр этилган қонун ҳужжатлари қабул қилинганлигидан келиб чиқиб, ипотека муносабатларининг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Тадбирда мамлакатимизда, айниқса кичик шаҳарлар ва қишлоқларда уй-жой қурилишига ипотека кредитлари берилиши устидан мониторинг ташкил этиш ҳамда бундай кредитлашнинг рағбатлантирувчи механизмини жорий этишнинг, шунингдек, ёш оилаларни аниқ тарзда ижтимоий ҳимоя қилишнинг аҳамияти ва зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Баҳс ва мунозаралар асносида ипотека бозорини ривожлантириш ҳамда ипотека муносабатларини рағбатлантириш, ипотекани рўйхатдан ўтказиш механизмларини такомиллаштириш, қимматли қоғозлар бозори ва ипотека билан боғлиқ бошқа молиявий бозорларнинг норматив-ҳуқуқий базасини шакллантириш масалалари юзасидан давра суҳбати иштирокчилари ўз таклифларини билдирдилар ҳамда тавсиялар қабул қилдилар. Давра суҳбатида сенаторлар, Марказий банк, вазирлик ва идоралар, тижорат банклари, муҳандислик-қурилиш компаниялари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.



Профессионал – юксак салоҳиятли посбон

Комолиддин ТЎРАЕВ сурати олган.

БИТИМ КУЧГА КИРДИ

Пойтахтимизда "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, Россиянинг "Лукойл Оверсиз", Малайзиянинг "Петронас", Хитой ва Жанубий Кореянинг нефть ва газ компанияларидан иборат сармоядорлари Консорциуми Орол денгизининг Ўзбекистон қисмида маҳсулотни тақсимлашга оид битим кучга кирганлиги тўғрисида ҳужжатни имзоладилар.

– Консорциумнинг барча аъзолари лойиҳада тенг улушга эга, – деди "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси матбуот котиби Собир Салимов. – Мазкур лойиҳанинг амал қилиш муддати 35 йилга мўлжалланган.

Геология-қидирув ишлари икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда уч йил ичида сейсмик-қидирув ишлари олиб борилади. Бу ишларга юз миллион АҚШ долларигача маблағ сарфлаш мўлжалланган.

Яқинда Орол денгизининг сувли, ўтиш ва қирғоқ қисмида сейсмо-қидирув ишларини бажариш учун тендер эълон қилинди. Март ойининг ўрталарида уни якунига етказиш режалаштирилмоқда.

Устюртда кейинги бир неча йил ичида саккизта газ конденсатли кон очилди. Минтақада ўтказилаётган бундай геологик тадқиқотлар Орол денгизининг улкан углеводород салоҳиятидан далолат. Таъкидланишича, келажакда бу ерда ўттиздан зиёд истиқболли нефть-газ кони очилиши мумкин.

Х.САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

НОЁБ ГАВҲАР – ҚОРАКЎЛИМСАН

Ўзбекистонни бежиз жаннатмакон ўлка дейишмайди. Бу заминда азал-азалдан етти иқлимга машҳур нарсалар етиштирилади. Пахта, ипак, қоракўл... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Гап бунда эмас, юртимнинг ҳар қарич тупроғи олтинга тенглигида. Халқимнинг бунёдкорлигу яратувчанлик руҳи билан яшаб келишида.

Бобом раҳматли «Болам, билсанг Ўзбекистондай тупроғи зар ўлка бошқа йўқ. Юртимиз биргина қоракўли билан дунёга қанчалар донг таратганини биласанми. Яқин-яқингача қоракўл қўйлар дунёнинг бошқа мамлакатларида бўлмаган. Бу ҳам бўлса яратганнинг бизга аталган неъматларидан бири», деганди.

Болаликдан қўй-қўзилар боқиб катта бўлганмиз. Бари қоракўл қўйлар бўларди. Болаларча қизиқиш, болаларча ҳавас тинчлик бермасди. Қоракўл қўйлар сиригa қизиқардим. Ҳатто қўйлар ейдиган янтоғу шувоқларигача ўзимча текшириб кўрган пайтларим бўлган. Сал улғайгач, билдимки, қоракўлчилик халқ селекциясининг маҳсули экан. Демак, бу халқимиз даҳоси, донишмандлигининг маҳсули. Яратувчанлигимиз, бунёдкорлигимиз меваси.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қоракўл қўй зотлари минг йиллар мобайнида Бухоро воҳасининг чўл шароитида яратилган экан. Гарчи бугунги кунга келиб, қоракўл қўйлари қирқдан зиёд мамлакатга тарқалган бўлса-да, унинг ватани Ўзбекистондир.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



ПАРВОЗИНГИЗ ЮКСАК БЎЛАВЕРСИН

...Самолёт самога парвоз қилиш учун учиш йўли томон аста бурилди. Ўзбекистон миллий байроғи акс этган улкан пўлат қуш бир неча сониядан сўнг осмони фалакка кўтарилди. Лайнер баландликка катта тезликда кўтарилса-да, яна бир қанча вақт унинг ёнбошидаги «UZBEKISTON» деган дилга яқин ёзув қуёш шуъласида ярқираб турди...

Бизнесмен дўстим Владимир Новиков билан аэропортда ушбу манзарани кузатдик ва самолёт булутлар орасида ғойиб бўлгач, у менга шундай деди:

– Биласанми, мен иш юзасидан хорижий мамлакатларга тез-тез бориб тураман. Дунёнинг барча жойларидан минг-минглаб йўловчилар келадиган турли аэропортлар ва аэровокзалларда миллий авиакомпаниямизнинг Ўзбекистон рамзи ва эмблемаси туширилган замонавий самолётлари учиш майдонида виқор билан турганини кўраман. Бундай пайтларда вужудимни Ватанимиз Ўзбекистон билан фахрланиш туйғулари чулғаб олади.

(Давоми 8-бетда).

РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Хитойнинг «Машимпэкс» давлат корпорацияси ўртасида тузилган шартномага мувофиқ Қашқадарё вилоятига йигирмата экскаватор ва тўртта бульдозер келтирилиши мўлжалланган. Замонавий техника тақдимотида сўзга чиққан Хитойнинг «Машимпэкс» корпорацияси вакили Би Вень Чень ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

●

"Авангард-Л" хусусий фирмаси - Пахтачи туманидаги истиқболли корхоналардан. Маҳсулот турларини кўпайтириш, янги иш ўринлари очиш орқали корхона фаолиятини янада кенгайтиришни режалаштирган фирма маъмурияти "Микрокредитбанк"нинг Самарқанд вилоят бошқармасидан беш миллион сўмлик кредит олиб, полиэтилен қувурлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Жорий йилда банк маъмурияти вилоятдаги тадбиркорларга 2 миллиард 814 миллион сўм миқдорида молиявий хизмат кўрсатишни режалаштирган. Бунинг натижасида уч мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

●

Тошкентда Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқарувининг 2006 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган пленуми бўлиб ўтди. Жамғарманинг ўтган йилги иш режасига мувофиқ амалга оширилган тадбирларга сарфланган умумий харажатлар миқдори 25 миллиард 310 миллион сўмдан ошди. Пленумда Ижтимоий ҳимоя йилида жамғарма томонидан бажарилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди.

●

Ромитан туманидаги "Ромстар" қўшма корхонасига буюртмачилар ҳамда бухоролик пилла етиштирувчиларнинг ишончи тобора ошмоқда. Ўтган йили касаначилик асосида пилла етиштирувчилар қўшма корхона хомашё омборини мўлжалдагидан анча кўп – 400 тонна "кумуш тола" билан тўлдирди. Замонавий хориж дастгоҳлари билан жиҳозланган корхонада тайёрланаётган ипак тола сифати юқори. Шу боис халқаро бозорда унга талаб катта. Тез орада "Ромстар" нинг Хива шаҳрида филиали иш бошлайди.

●

Уйчи тумани машина-трактор парки ишчилари Наманган вилоятида биринчилардан бўлиб мавжуд техникани баҳорги мавсумга ҳозирлаб қўйди. Тумандаги фермер хўжаликларига тегишли 124 та тракторга фойдаланиш учун яроқлилик сертификати берилди. Уйчи тумани машина-трактор парки муқобил машина-трактор парклари билан яқин ҳамкорликда ишламоқда. Улар орасида "Андижон", "Қўчқор ота", Улуғбек номидаги машина-трактор парклари жамоалари техникани мавсумга тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшмоқда.

(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

КИТОБ ҚАЛБНИ ЁРИТГУВЧИ НУР

Китоб асрларни асрларга, замонларни – замонларга, ришталарни – ришталарга уловчи восита. «Китобсиз хонадон жаҳолатга ўхшайди», деган экан бир донишманд.

Фарзандларимизга миллий истиқлол ғоясини сингдириш, уларда ахлоқий сифатларни тарбиялаш, жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топшириш, ҳар бир шахс Ватан равнақида ўзининг ҳам шахсий бурчи ва масъулияти борлигини тўла идрок этиши лозим.

Мамлакатимиз тарихига назар ташласак, хон саройларида, катта шаҳарларда ва мачитларда бой кутубхоналар мавжуд бўлган. Ёзувнинг пайдо бўлиши, қўлёзма ва кейинчалик босма китобларнинг кўпайиши кутубхоналарнинг юзага келиши ва ривожланишига шароит яратди. Кутубхоналар ёзма ёдгорликларни сақловчи бебаҳо хазинага айланганди.

Турон халқлари Миср, Эрон, Юнонистон ва уларга қўшни бўлган халқлар билан яқин алоқа ўрнатганлар. Лекин минг афсуски, халқимизнинг қадимий ёзма ёдгорликлари бизнинг давримизгача тўлақонли етиб келмаган. Берунийнинг хабар беришича, китоб хазиналари ва уларни сақловчилар турли истилолар даврида йўқ қилиб юборилган. IX-X асрларда Ўрта Осиёда фан ва маданият ривожланади. Бухоро, Самарқанд, Марв, Урганч ва бошқа йирик шаҳарлар ҳукмдорлари саройларида кутубхоналар барпо этилади.

(Давоми 10-бетда).



4 ПРОФЕССИОНАЛИЗМ – ГЛАВНАЯ ЧЕРТА ВОЕННОСЛУЖАЩЕГО

«СОЛО» ДЛЯ СНАЙПЕРА



5 ГИРЕВОЙ СПОРТ. ЧЕМПИОНАТ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ

«ЖЕЛЕЗНАЯ ИГРА» – СПОРТ СИЛЬНЫХ



11 ВАТАН ҲИМОЯЧИСИ ЁН ДАФТАРИГА

ҲАРБИЙЧА САЛОМЛАШИШ



12 КЎНГИЛГА ТАШРИФ

«МУСТАҲЗОД» УЧУН ГРАН-ПРИ

Мудофаа вазирлигида

АРМИЯМИЗ ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Ўз куч ва қудратимизга таяниб, ота-боболаримизнинг асрий армонларини рўёбга чиқариш, ўзимиз истаган порлоқ келажакни қуриш, ҳеч кимга қарам ва тобе бўлмаслик учун, истиқлолимизни, эл-юртимизни ҳар қандай хавф-хатардан сақлаш учун, бизга ёвуз ният билан кўз олайтирадиганларга муносиб зарба бериш учун миллий армиямизни ташкил этдик ва шакллантирмоқдамиз. Бугун забт этилган ўн бешта довонга назар ташлаб, шуни баралла айта оламизки, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони бўла оладиган, ҳар жиҳатдан қудратли, қурол-яроғ ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам бўлмаган Қуролли Кучларга эгамиз. Замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган, мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигининг, кенг миқёсдаги демократик ўзгаришлар ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг, муқаддас заминимизда тинчлик ва осойишталикнинг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларимиз билан қанча фахрланишимиз, ғурурланишимиз мумкин.

Миллий армиямиздаги ислоҳотлар янги бир босқичга кўтарилганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Аниқроқ қилиб айтганда, армиямиз халқимизнинг, миллатимизнинг минг йиллар давомида шаклланган асл қиёфаси, азалий қадриятлари ва хислатларини ўзида мужассам этиб, матонатнинг, садоқатнинг, демакки, ватанпарварликнинг мактабига айланмоқда. Шунинг учун ҳам ёшларимиз учун Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш юксак мақсадга, ҳарбийлик орзу қилишга сазовор касбга айланмоқда.

Мураккаб ва нотинч замон, минтақада сақланиб турган қалтис вазият, дунёда давом этаётган низо, зиддият ва ихтилофлар, кўлами кенгайиб бораётган терроризм, экстремизм, наркоагрессия шу муқаддас замин тақдири ва келажаги учун бефарқ бўлмаган ҳар бир инсонни доимо огоҳ ва сергак бўлишга, Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлаш, давлатимиз сарҳадларини қўриқлаш ва ҳимоялашни кўчайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларни, куч ҳамда имкониятларни тўлиқ сафарбар этишни тақозо қилмоқда. Натижада соҳадаги ислоҳотларимиз изчил давом этиб, миллий армиямиз олдига янги-янги устувор вазифалар қўйилмоқда. Аниқроғи, Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони миллий армиямизнинг 15 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табриги – дастуриламал ҳужжатда бу устувор вазифалар белгилаб берилган.

Яқинда Мудофаа вазирлигида ўтказилган Ҳарбий кенгашда ҳам энг аввало ана шу устуворликлар ва ҳарбий бошқарув органларининг улардан келиб чиқадиган муҳим вазифаларига эътибор қаратилди.

Мудофаа вазири Р.Мирзаев бу борада маъруза қилар экан, Президентимизнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригидан келиб чиқиб, барча бўғиндаги командирлар олдига вазифалар қўйди.

Биринчидан, хавфсизлигимизга қаратилган замонавий таҳдид ва хатарларни таҳлил қилиш бўйича бошлаган тизимли ишларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш, иккинчидан, қўшинларнинг замонавий қурол-яроғ ва техника, бошқарув ва алоқанинг электрон, компьютерли тизимлар билан таъминланишини мустаҳкамлаш, учинчидан, жанговар-ўқув тайёргарлиги тизимининг самарадорлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишни таъминлаш мақсадида моделлаштириш, симуляция ва ҳарбий таълимнинг замонавий усулларини кенг жорий этиш, тўртинчидан, қўшинларнинг ташкилий-таркибий тузилмасини, Қуролли Кучларни бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш, бешинчидан, ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини яхшилаш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган ишларни янада кучайтириш.

Мудофаа вазирининг Тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник М.Аҳмедов ўз маърузасида Юртбошимизнинг байрам табригида миллий армиямизда тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш борасида кўзда тутилган вазифаларга эътибор қаратди. Шунингдек, 2006 йил давомида тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, Ватан ҳимоячилари онгида мамлакатимиз тақдири учун чуқур масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғояларини улар онгу тафаккурига янада чуқур сингдириш, уларда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш бўйича амалга оширилган ишларни алоҳида таъкидлади.

Мудофаа вазирининг таъминот ва капитал қурилиш бўйича ўринбосари полковник В.Ходжақулов ҳарбий хизматчиларнинг уй-жой ҳамда маиший шароитларини янада яхшилаш, ҳарбий шаҳарчалар инфратузилмаларини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ва кўзда тутилаётган ишлар борасида тўхталди.

Мудофаа вазирининг ўринбосари – молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи Ш.Абдуллаев қўшинларда моддий воситалардан тежамкорлик билан фойдаланиш борасида қилинаётган самарали ишлар, шунингдек, йўл қўйилаётган айрим хато ва камчиликлар хусусида маъруза қилди.

Мудофаа вазирлиги бош бошқармалари бошлиқлари полковник А.Мокеев, полковник Х.Абдувалиев, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонининг биринчи ўринбосари подполковник О.Раҳмоновлар кун тартибидаги масалалар юзасидан маъруза қилишди.

Ҳарбий кенгаш ниҳоясида «Академприбор» ва «Химавтоматика» корхоналари вакилларидан бир гуруҳи самарали ҳамкорлик учун Мудофаа вазири ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг эсдалик нишонлари билан тақдирланишди.

Ҳарбий кенгашда илгари сурилган долзарб масалалар ва вазифаларни оғишмай ҳал эта бориш ҳар томонлама яхши тайёрланган, етарли даражада таъминланган, хавфсизлик ва барқарорлигимизнинг, чегараларимиз дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигимизнинг, бир сўз билан айтганда, ҳалқимиз тинч ва осойишта ҳаётининг мустаҳкам қалқони бўла оладиган миллий армиямизни ҳеч кимдан кам бўлмаган даражага олиб чиқади.

Майор Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



Энг илғор гуруҳ командири

МАШҚЛАРДА МАҲОРАТИН ОРТТИРИБ



Тайёргарлик машғулотларида доимо юқори кўрсаткичларни қўлга киритиб келаётган офицер Шоназар Рўзимов хизмат қилаётган ҳарбий қисм жамоаси шунқорлари қишки ўқув мавсуми машғулотларини ҳар қачонгидан-да кўтаринки руҳда олиб боришмоқда. Боиси дала ўқув машқларида тинимсиз ўз маҳоратини шакллантираётган ўғлонлар ушбу мавсумни ҳам яна илғорлар сафида якунлашга аҳд қилишган. Мазкур ҳарбий жамоанинг етакчиликни қўлдан бой бермай келишида тажрибали, тиришқоқ ёш офицер Шерзод Рашидов етакчилик қилаётган гуруҳ азаматларининг ўзига хос улуши бор. Ўтказилаётган ҳар бир машғулотда ўз маҳоратларини намойиш қилиб келаётган шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари – Ғайрат Ҳакимов, Гулшан Муродов, Зафар Султонов сафдошларига намуна бўлмоқда. Албатта, мавсум машғулотлари қизғин кечаётган бир паллада ҳарбий жамоа илғорлигини таъминлашда ҳар бир ҳарбий хизматчининг алоҳида ўзига хос масъулияти, вазифаси бор. Жанговар машғулотлар пайтида ҳар бир посбон ўз олдидаги вазифани сидқидилдан адо этиб, кези келганда қуролдош дўстларидан ёрдамини аямай бир-бирини қўллаб-қувватлашар экан, улар албатта кўзлаган мақсадига эришишади.

Ҳарбий қисмнинг ёш, намунали офицерлари ҳақида гап кетганда, биринчи бўлиб самарқандлик лейтенант Шерзод Рашидов номи тилга олинади. Бу бежиз эмас. У хизматининг дастлабки кунлариданоқ, масъулиятли ва ҳар бир йигит учун шарафли бўлган касбнинг ҳақиқий фидойиси эканлигини намунали хизмати билан кўрсата олди.

Албатта, ҳар қандай соҳада ҳам бирданига муваффақиятга эришиб бўлмайди. Аҳил ҳарбий жамоа яқинда хизматга келган сафдошларини қўллаб-қувватлади. Тажрибали офицерлар унга қийин дамларда яқин маслаҳатчи бўлишди. Ёш офицер бугун подполковник Шоназар Рўзимов, майор Жасур Ортиқовларнинг устозларча ёрдамини мамнуният билан тилга олади.

Шерзод Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртини аъло баҳоларга якунлаган. Ёшлигидан ҳақиқий йигитлар касбини орзу қилган лейтенант учун ҳарбийлик у қадар қийинчилик туғдирмади. Қолаверса, ҳарбий касбнинг машаққатли томонлари унга бегона эмасди. Отаси истеъфодаги милиция катта лейтенанти Мамадиёр Рашидовнинг юрт осудалигини таъминлашдаги фидойилиги ўғлида шарафли касбга чексиз меҳр уйғотди.

Қуролли Кучларимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг илғор матахассис» танловида муваффақиятли иштирок этаётган лейтенант Рашидов «Энг илғор гуруҳ командири» йўналиши бўйича ғолиб деб топилди.

Табиатан киришимли, очиққўнгил бўлган Шерзод спорт билан ёшлигидан ошно тутинган. Спортнинг енгил атлетика тури билан мунтазам шуғулланиб келаётган йигит спорт усталигига номзод саналади. Йигитнинг бу борада эришган ютуқлари ҳам мақтовга лойиқдир. У 2004 йил курсантлик пайтида Қуролли Кучларимизда анъанавий ташкиллаштирилиб келинаётган «Умумармия ўйинлари»да муносиб баҳс олиб бориб, югуриш мусобақаларида олтин медални қўлга киритди.

Ушбу мусобақанинг 2006 йилги беллашувларида иштирок этган лавҳамиз қаҳрамони офицерлар уч курашида баҳс юритиб, тўртинчи ўрин билан кифояланди.

Айни пайтда бешкураш мусобақаси бўйича Қуролли Кучларимиз терма жамоаси аъзоси бўлган ёш офицер навбатдаги нуфузли мусобақага жиддий ҳозирлик кўрмоқда. Ахир у жорий йил Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида ҳарбийлар ўртасида ташкиллаштириладиган «SIZM» доирасидаги беллашувларида терма жамоамиз шарафини ҳимоя қилиши лозим.

Юртбошимизнинг шундай сўзлари бор: **«...халқимизнинг энг ишончли таянчи ва суянчи, фахри ва ифтихори бўлмиш миллий армиямизни барпо этиш давлатимиз ва жамиятимиз, Ватанимизнинг тақдирига бефарқ қарамайдиган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчига айланиши зарур».** Бу сўзларни ҳаётий шиорига айлантирган ёш офицер Шерзод Рашидов профессионал асосда шаклланаётган миллий армиямиз ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишига ишонамиз.

Комилжон ҲАСАНОВ, «Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

ЧАҚМОҚДАЙИН ЧАҚНОҚ ШИЖОАТ



Юртбошимиз Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида шундай таъкидлаган: **«Ҳозирги кунда Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки мамлакатимизда орзу қилишга сазовор касбга айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз...»**

Дарҳақиқат, Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар сабаб, миллий армиямиз тубдан ўзгарди. Юртбошимиз раҳбарлигида нисбатан қисқа фурсатда ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, стратегик ва тактик вазифаларни ҳал эта оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлашга қодир, осойишталигимизни бузишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни бартараф эта оладиган қудратли армия барпо этилди. Ҳарбий хизматни ўташ билан эр йигитларимиз нафақат жанговар билимларни, балки ҳаёт мактаби сабоқларини ҳам ўзлаштирмоқдалар. Юксак сифат ўзгаришлар туфайли Қуролли Кучларимиз сафлари ўз касбининг ҳақиқий фидойилари, усталари бўлган моҳир посбонлар билан тўлдирилди. Посбонларимизнинг маҳорат ва малакасини ошириш, интеллектуал салоҳиятини янада кўтариш учун муҳим тадбирлар, пухта ишлаб чиқилган дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ҳарбий хизматга жисмонан ва маънан етук, юксак заковатга эга, ҳар қандай вазиятда ҳам етакчилик ва ташаббускорлик кўрсата оладиган саралар ичра сара асл мардлар тегишли кўрик-танловлар билан қабул қилинмоқда. Шу боис бугун бу соҳага қизиқиш, ҳавас жуда катта ва у ҳавас қиларли даражага етди. Йигитлар ҳарбий хизматга алоҳида тайёргарлик кўришяпти.

Муддатли хизмат оддий аскари Маҳмуджон Валиев ҳам армияга ҳавас, пухта тайёргарлик ва чақноқ шижоат билан келди. Эгнига аскарча либосни илар экан, қувончдан жасоратга ташна юраги тўлқинланарди. Қувонмай бўлсинми, ахир у ёшлигидан жанговар санъатга меҳр қўйган, шарафли соҳа ҳисобланган ҳарбий хизмат жозибаси фақат ботир ўғлонлардагина бўладиган ўзгача ҳис-туйғу билан мудом уни оҳанрабодай ўзига тортиб турарди. Мана, мақсад йўлидаги илк довон муваффақиятли ошиб ўтилди. Гарчи бу осон кечмаган бўлсада, тинимсиз ўқиб-изланишлар, жисмоний машғулотларни сабот билан адо этиш ва интилишлар ўз самарасини берди. Қимирлаган қир ошар дейдилар. Интилганга толе ёр. «Ҳаёт синовлари эса борган сари мураккаблашиб кетаверади. Энди олдинда янаям улкан довонлар қад ростламоқда. Ҳали баланд чўққиларга етиш ва уларни забт этиш керак. Бунинг учун қунт билан изланиш, машаққатли меҳнат ҳамда мустаҳкам ирода зарур...»

Хаёлидан шундай ўйлар ўтди йигитнинг. Кейин эса қатъий мақсад йўлида оғишмай олға боришни дилига яна бир бор тугиб қўйди.

Ҳарбий ҳаёт уни қайноқ кучоғига олди. Ёш аскар командир ва бошлиқларнинг ҳар бир сўзини жон қулоғи билан тинглаб, қўйилган вазифаларни виждонан, сифатли адо этишга, тиришқоқлик билан жанговар сабоқларни ўзлаштиришга киришди. Буни қаранг-ки, илк кўникма кезларидаёқ зеҳни ўткир, талабчан ва сергайрат ўғлон сафдошлари орасидан аъло натижалари билан олдинги ўринларни банд этди. Офицер ва сержантлар оддий аскар Маҳмуджон Валиевни бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатарди. Шарқий ҳарбий округка қарашли сержантлар тайёрлаш мактабида хизмат қилаётган бу ўғлонга ҳавасмандлар кўпайди. Бугун эса нафақат Қуролли Кучларимиз, балки оддий фуқаролар ичида ҳам унга ҳавасманд қалблар, унингдек бўлишни орзу қилаётганлар кўпчиликни ташкил қилади. Чунки ҳарбий ҳаётга кириб келганидан буён маҳорати ва заковатини ошириш йўлида астойдил олға интилаётган Маҳмуджон Ватан ҳимоячилари куни арафасида аъло хизматлари, топшириқларни бажариш чоғида кўрсатган матонати, ҳушёрлиги, касбига садоқати ва кўплаб ибратли жиҳатлари сабабли Юртбошимиз Фармонига биноан «Жасорат» медали билан тақдирланди.

– Ёшлигимдан эр йигит ҳамиша ожизларга кўмакдош, ёрдамга муҳтожларга мадад қўлини чўзиши, ҳимоячи бўлиши керак, деб ҳисоблардим. Бунинг савоби улкан. Ўзингда ажойиб хотиржамлик, ифтихор сезасан, киши. Амалда синаб кўриб бунинг ҳаловатини туйгач, кўксимда доим ана шундай мардлик қилишга интилиш ҳисси уйғонди. Мендаги ушбу одатни онам мақтар, фазилат деб улуғларди. Кунларнинг бирида ўқитувчиларимдан бири, сендан яхши Ватан ҳимоячиси чиқаркан, сен посбон бўлишинг керак, чунки эр йигит учун бундан ҳам нуфузлироқ, шарафлироқ касб йўқ, деб қолди. Ва аста-секин бу туйғу менинг буткул ўй-хаёлимни қамраб олди. Офицер бўлишга ҳавас туғилиб, ҳавас қатъий мақсадга айланди. Шу йўлда олға интилиб, дастлаб ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи лицейда таҳсил олдим. Мана, ҳозир аскарман. Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, мақсад йўлидаги дастлабки пиллапоя забт этилди. Энг қувончли ва мазмунлиси, ҳаётим давомида ўчмас из қолдиргани – Ватаннинг юксак мукофотига сазовор бўлганимдир. Гарчи мукофотга лойиқ топилиб, шундай нуфузга эришган бўлсам-да, аввало бу даражага эришишимда онамнинг, устозларимнинг, командирларим ва сафдош дўстларимнинг ҳиссаси беқиёс деб ўйлайман. Зеро менга кўп меҳнати сингиб, ҳарбу зарб санъати сабоқларини чуқур ўргатган взвод командирим капитан Баҳодир Раҳимов, кичик сержантлар Раҳим Тўхтасинов, Илҳом Турсунов, мусобақадош дўстларим Қобилжон Қурбонов, Фируз Ҳасанов ва барча яқин дўстларимдан миннатдор бўлиб турибман. Мукофот менга қанот, шижоатларга ундовчи илҳом бўлди. Келажакда соҳани чуқур ўрганиб, Ватан осойишталиги йўлида сидқидилдан хизмат қиламан, – дейди Маҳмуджон Валиев биз билан суҳбатда. Унинг кўзлаган орзу-ниятларига етишиш йўлида астойдил интилиши ва бундан-да юқори натижаларни қўлга киритишига самимий ишонч билдириб, тилакдош бўлиб қоламиз.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ЙИЛ ЯКУНИ ВА КЕЛГУСИ ВАЗИФАЛАР

Марказий офицерлар уйида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг навбатдаги Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қуролли Кучлар раҳбарияти ва ҳарбий адлия хизмати ходимлари иштирок этишди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Республика Ҳарбий прокурори адлия генерал-майори Ш.Узаков кириш сўзи билан очиб, ҳарбий прокуратура органлари томонидан Қуролли Кучларда қонунийликни таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ўртасида ҳуқуқбузарликка қарши кураш юзасидан 2006 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталди. Шундан сўнг масъул шахслар кун тартибида белгиланган масалалар юзасидан маърузалар қилишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг «Ватан ҳимоячиларига байрам табриги»да белгиланган талаблардан келиб чиқиб, шунингдек, 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш, уй-жой ва маиший шароити, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш, конституция билан мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ишларни янада кучайтириш юзасидан асосий вазифалар белгиланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, ўз ишининг фидойиси бўлган бир гуруҳ ҳарбий адлия хизмати ходимларига Мудофаа вазирининг эсдалик нишони, пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Йиғин сўнгида Мудофаа вазирлиги ҳарбий студияси томонидан тайёрланган «Масъулият ва бурч» деб номланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Адлия подполковниги
Саитобидхон ЖЎРАЕВ.



МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Тошкент гарнизони офицерлар уйида 2006 – 2007 йилги ўқув йили тадбирлар режасига мувофиқ «Ҳарбий хизматчиларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш ва унинг негизида шахсий таркиб ҳушёрлигини ҳамда жанговар шайлигини ошириш, ҳарбий хизматчиларда диний экстремизм ва терроризмга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш бўйича офицерлар таркибининг вазифалари» мавзусида ўқув семинари бўлиб ўтди.

Гарнизондаги ҳарбий қисм, ташкилот ва муассасалар офицерлари иштирок этган мазкур ўқув семинарни Тошкент ҳарбий округи масъул офицери А.Муинов кириш сўзи билан очди ва бошқариб борди. Иштирокчилар семинар давомида Президентимизнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида белгилаб берилган галдаги вазифаларни атрофлича ўрганиб, шу асосда амалга ошириш лозим бўлган чора-тадбирлар ҳақида маълумотга эга бўлдилар. Шунингдек, йиғилганларга экстремистик ташкилотларнинг мақсадлари, экстремизм тарқалишининг олдини олиш бўйича қандай ишлар олиб бориш, минтақа ва жаҳондаги бугунги вазият ҳамда мустақилликни мустаҳкамлаш борасида асосий эътибор қаратиладиган жиҳатлар, жумладан, миллий истиқлол ғояси ҳақида батафсил маълумотлар етказилиб, шу бўйича маърузалар қилинди. Айниқса, иштирокчиларга Ўзбекистон миллий университети миллий ғоя ва ижтимоий фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси Шавкат Тўраев ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин масалалари қўмитаси вакили Муҳаммадбобир ҳожи Йўлдошевларнинг чиқишлари ғоят манзур бўлди.

– Миллий ғояни тарғиб қилиш, етказиш, унинг долзарблигини, аҳамиятини юртдошларимиз онгига чуқур сингдириш ғоят долзарб вазифа. Биз бугун мустақил давлатмиз. Юртимиз озод. Истиқболимиз ўз қўлимизда. Демак, миллий ғоя – бу миллий истиқлол ғоясидир. Уни чуқур тушуниб етиш, ҳис қилиш ва унга содиқ бўлиш учун аввало ҳар биримизда миллий ғурур бўлиши керак. Бугун биз ўтиш давридамиз. Ана шу даврнинг қанчалар қисқа ёки узоқ давом этиши таъкидланаётган миллий ғояга, уни халқимиз онгига қанчалар тез етказа олишимизга боғлиқ. Кўринадики, миллий ғояни шакллантиришда ҳаммамизнинг вазифамиз бор, – деди ЎзМУ ўқитувчиси Шавкат Тўраев.

Диний қўмита вакили жаҳондаги динлар, динниг пайдо бўлиши ва тарқалиши, Ўзбекистоннинг инсоний ва диний бағрикенгликлар қарор топган эркин давлат экани, юртимизда ўзга дин вакиллари ҳам осойишта турмуш кечираётганликлари ҳақида гапирар экан, бугун динни ниқоб қилиб олган халқаро террорчиларнинг қилмишларини қоралади. Ёшларимизнинг бундай ёвуз ниятли кучлар чангалига тушиб қолмасликлари учун зарур тадбирларни қўллаб, доимо огоҳ бўлишнинг аҳамияти катта эканини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, тадбир давомида қатнашувчиларнинг кўплаб саволларига жавоблар берилди. Анжуман сермазмун ўтди.

Катта лейтенант Яшин КОМИЛОВ.

ИЗУЧАЕМ ПОЗДРАВЛЕНИЕ ПРЕЗИДЕНТА

ПРОТИВОДЕЙСТВОВАТЬ ПОСЯГАТЕЛЬСТВАМ НА НАШУ БЕЗОПАСНОСТЬ

Известно, что боевая и оперативная подготовка войск, обучение личного состава подчинены решению основной задачи – обеспечению высокой боевой готовности частей и подразделений, их способности, в случае необходимости, немедленно приступить к выполнению поставленных задач. В этой связи реформирование Вооруженных Сил, дальнейшее совершенствование их организационной структуры, оснащение новейшей боевой техникой и вооружением, компьютерными и информационными технологиями, улучшение качества боевой подготовки и воспитательной работы заключается в том, чтобы части и подразделения всех видов и родов войск были всегда в полной боевой готовности.

Современная обстановка в мире требует и объективной, взвешенной оценки. Прежде всего глубокого анализа угроз и вызовов нашей безопасности, выявления тенденций и возможных последствий их развития в средне- и долгосрочной перспективе, объективного подхода к оценке боевой готовности частей и подразделений Вооруженных Сил и, главное, способности адекватно и эффективно противодействовать любым посягательствам на безопасность и стабильность страны.

Именно на это в первую очередь и обращает внимание военных кадров Президент страны, Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами Ислам Каримов в праздничном поздравлении защитникам Родины: **«Обратить особое внимание на дальнейшее улучшение оснащения войск современным вооружением и техникой, высокоточным оружием, электронными, компьютерными системами управления и связи, надежной экипировкой и индивидуальными средствами защиты – в конечном итоге добиться высокой боеготовности и маневренности, мобильности и самодостаточности соединений и частей, в первую очередь контртеррористических подразделений».**

Эта задача вытекает из основополагающей стратегической линии военной реформы, суть которой состоит в том, чтобы **создать мобильные, самодостаточные, хорошо оснащенные Вооруженные Силы, способные эффективно и надежно защищать мир и спокойствие нашей страны.**

Рассмотрим кратко эти важнейшие свойства, определяющие высокую боеспособность Вооруженных Сил.

Маневренность – характеризует степень подвижности Вооруженных Сил. Показателем маневренности подразделений, частей и соединений является их способность организованно и в сжатые временные сроки создавать группировки, сосредоточивать силы на важнейших оперативно-тактических направлениях, форсировать водные преграды, преодолевать заграждения, зоны разрушений, заражений, быстро переносить усилия (по замыслу командира) с одного направления на другое в интересах боя.

Непревзойденным мастером маневра был великий Амир Темур. Особенно это проявилось в его борьбе против Тохтамыша и в сражениях с Баязидом. Маневр силами и средствами не раз спасал его от поражения и многократно приносил блестящие победы.

Мобильность – одно из важнейших качеств современной армии, включающее в себя высокую маневренность, высокую боеспособность частей и соединений и в то же время их немногочисленность. Мобильность – это быстрое развертывание, маневр, перегруппировка, переброска войск на значительные расстояния.

Самодостаточность означает, что Вооруженные Силы удовлетворяют потребности страны своими силами, без помощи извне. Самодостаточность достигается высоким профессионализмом личного состава, крепкой духовно-нравственной, морально-боевой и психологической подготовкой, а также высокой технической оснащенностью частей и подразделений.

Хорошая техническая оснащенность достигается поставкой в войска самого современного оружия и боевой техники, способных безотказно действовать на нашем театре военных действий, в наших географических и климатических условиях. Уже сегодня мы можем уверенно заявить, что за годы военной реформы оснащенность Вооруженных Сил поднялась на значительную высоту. Наша армия располагает наличием высокоэффективных систем управления войсками, современной боевой техникой и аппаратурой, компьютерными и информационными технологиями, современными радиотехническими средствами и ракетными комплексами. Значительно возросла индивидуальная оснащенность нашего военнослужащего средствами поражения, защиты, связи, экипировкой.

Процесс оснащения Вооруженных Сил современным оружием и боевой техникой, всем необходимым для армии – непрерывный. Он базируется на экономической мощи страны и военно-техническом сотрудничестве с зарубежными странами. Благодаря последовательной и дальновидной политике Президента страны Ислама Каримова в последние годы немало сделано в сфере военно-технического и военного сотрудничества с зарубежными странами, и в первую очередь с Российской Федерацией. Диапазон этого сотрудничества очень широк.

Следует подчеркнуть, что параллельно с оснащенностью войск идет процесс укрепления материально-технической базы войск, а также учебно-материальной базы частей и подразделений. Сегодня обучение военнослужащих в частях и подразделениях, высших военно-образовательных учреждениях страны осуществляется на современной учебно-материальной базе.

Новейшие достижения военной научной мысли и новейшие технологии нашли свое конкретное выражение в оборудовании полигонов, стрельбищ, тренажеров, учебных классов. Все это активно работает на подготовку воина-профессионала и, в конечном счете, на боевую готовность Вооруженных Сил, укрепление обороны страны.

Говоря о высокой технической оснащенности нашей национальной армии, нельзя не сказать о том, что любая, даже сверхновейшая техника без профессионального владения ею, без боевой выучки превращается в груду металла. В этом смысле огромную роль в совершенствовании боевой выучки играют не только учебные занятия в классе, в поле, на полигоне, но и командно-штабные, войсковые учения, учения с боевой стрельбой, длительные марши, полеты, проводимые в условиях, приближенных к боевым. Именно на них оттачивается боевое мастерство, закрепляется слаженность подразделений, приобретаются навыки в применении оружия и боевой техники, осваиваются наиболее эффективные способы боевых действий. В этих условиях у воинов крепнет воля, закрепляется уверенность в собственных силах, формируется высокая боевая активность, способность решительно действовать в самой сложной обстановке. **То есть вырабатываются те важнейшие морально-боевые и психологические качества, без которых немыслимы мобильность, маневренность и самодостаточность.**

Нынешнее состояние боевой готовности войск, опыт проведенных в прошлом году совместных антитеррористических учений наглядно подтверждают тот очевидный факт, что **наши Вооруженные Силы, и прежде всего контртеррористические подразделения, обладают такими оперативно-тактическими свойствами, как маневренность, мобильность, самодостаточность, и находятся в постоянной боевой готовности.**

Задача состоит в том, чтобы **научить военные кадры творчеству, глубине мысли военного руководителя.** Военное противоборство всегда было и теперь остается сферой борьбы в области интеллекта, мысли, духовной зрелости и профессионального мастерства командиров и штабов. Наши военные кадры обладают высоким интеллектуальным потенциалом и способны успешно решать стоящие перед ними задачи. И прежде всего обеспечить повышение бдительности, боевой настороженности и боевой готовности войск. Наши Вооруженные Силы должны находиться в постоянной готовности к действиям в любой ситуации, иметь сбалансированный боевой потенциал, чтобы с учетом геостратегического положения нашей страны и географических особенностей ее территории они были способны дать достойный отпор агрессору всей своей мощью на суше и в воздушном пространстве.

Анфим ХЛЫЗОВ.

Қомандир(бошлиқ)лар ва уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарларига

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИДА ҚЎЙИЛГАН ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 15 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида таъкидлаганларидек, ўтган 15 йил мобайнида юртимизда замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган Қуролли Кучларимизни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида қўлами ва моҳияти жиҳатидан том маънода улкан ишлар амалга оширилди.

Ҳозирги кунда Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки мамлакатимизда орзу қилишга сазовор касбга айланди.

Фарзандларимиз армия сафида ҳарбий мутахассисликларни эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланмоқда, қатъий ҳаётий позицияси шаклланмоқда, энг муҳими, улар Ватан ҳимояси учун доимо тайёр турадиган фидойи инсонлар бўлиб камол топмоқда.

…Биз бугун ғоят мураккаб ва нотинч замонда яшамоқдамиз. Марказий Осиё минтақасида ҳали-бери сақланиб қолаётган қалтис вазият, бутун дунёда давом этаётган низо ва қарама-қаршиликлар, тобора кўлами кенгайиб бораётган терроризм, экстремизм ва наркоагрессия хавфи бизда жиддий ташвиш уйғотмасдан қолмайди, албатта.

Буларнинг барчаси шу муқаддас заминда яшаётган, мамлакатимиз тақдири ва келажаги учун бефарқ бўлмаган ҳар бир инсондан доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишни, Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлашни, давлатимиз сарҳадларини қўриқлаш ва ҳимоялашни кучайтиришни, бунинг учун мавжуд бўлган барча куч ва имкониятларимизни сафарбар қилишни тақозо этади.

Шу муносабат билан қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

биринчидан, хавфсизликка қарши қаратилган замонавий таҳдид ва хатарларни таҳлил қилиш бўйича бошланган тизимли ишларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мавжуд хатарларнинг яқин ва узоқ муддатларда юзага келиши мумкин бўлган оқибатларини аниқлаш, Қуролли Кучларимизнинг мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигига нисбатан ҳар қандай таҳдидларга муносиб ва самарали тарзда қарши тура олиш имкониятларини баҳолашга танқидий нуқтаи назардан ёндашиш;

иккинчидан, қўшинларнинг замонавий қурол-яроғ ва техника, ўта аниқ ишлайдиган қуроллар, бошқарув ва алоқанинг электрон, компьютерли тизимлари билан, шунингдек, ишончли анжом-аслаҳа ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланишини янада юксалтириш, пировард натижада бирлашма ва қисмлар, биринчи галда терроризмга қарши бўлинмаларнинг таъминот даражасини, жанговар тайёргарлиги, ҳаракатчанлиги ва тезкорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш;

учинчидан, шахсий таркибнинг ўқув-жанговар ва машқ тайёргарлиги тизимининг самарадорлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчиларнинг юксак интизомини таъминлаш, уларга ишониб топширилган замонавий қуроллар ва техникадан моҳирона фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларни такомиллаштириш. Ҳарбий хизматчиларнинг шахсий ва гуруҳ таркибидаги тайёргарлик даражаси, интеллектуал салоҳиятини оширишни таъминлайдиган моделлаштириш, симуляция ва ҳарбий таълимнинг бошқа замонавий усулларини кенг жорий этиш лозим.

Барча бўғиндаги командирларнинг энг муҳим вазифаси – армиядаги тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида мамлакатимиз тақдири учун чуқур масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, ватанпарварлик ҳиссиётини кучайтиришдан иборат эканини яхши англаб олишимиз зарур.

Ҳарбий тайёргарлик даражаси ва ҳарбий хизматчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар сифатини оширишда ҳар йили ўтказиладиган ва анъанага айланиб қолган «Энг яхши сержант», «Энг яхши гуруҳ командири», «Энг яхши взвод командири», «Энг яхши батальон командири» каби йўналишлар бўйича танловлар айниқса муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаш даркор.

Бу ишларнинг барчасидан кўзланган бош мақсад – юксак жанговар тайёргарлик ва профессионализмни, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш бўйича қўшинларда ўзаро мусобақа руҳини кучайтириш, сержант ва офицерларда етакчилик хусусиятларини ривожлантириш, ҳарбий жамоаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдан иборатдир.

Шу боис ана шундай танловларни бутун армия миқёсида ўтказиш тажрибасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш зарур. Танловда қатнашадиган ҳарбий хизматчиларни муносиб тақдирлаш тизимини ҳар жиҳатдан такомиллаштириш, яъни танлов ғолибларига муддатидан аввал навбатдаги ҳарбий унвонлар бериш, уларни моддий рағбатлантириш миқдорини ошириш, ҳарбий ўқув юртларига ўқишга киришда улар учун қўшимча имтиёзлар беришни кўзда тутиш даркор;

тўртинчидан, қўшинлар тарқибини янада мақбул ҳолга келтириш, уларнинг ташкилий-таркибий тузилмасини, Қуролли Кучларни бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш. Бу йўналишдаги энг муҳим вазифа – жанговар ҳаракатлар чоғида муваффақиятга эришишнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлган бирлашма ва қисмларнинг тезкор ҳаракатланиш имконияти ва ҳарбий тайёргарлигини оширишдан иборат;

бешинчидан, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой ва маиший шароити, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган ишларни янада кучайтириш давлатимиз ва жамиятимизнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим.

Ўз-ўзидан аёнки, бу вазифанинг аҳамияти ва моҳияти 2007 йилнинг юртимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилингани билангина боғлиқ эмас. Ушбу масаланинг муҳимлиги ва долзарблиги шундаки, **ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда ҳар томонлама яхши тайёрланган, етарли даражада таъминланган ва ижтимоий ҳимояланган, қудратли Қуролли Кучларгина хавфсизлик ва барқарорликнинг, чегараларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигининг, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётининг мустаҳкам таянчи ва ишончли кафолати бўла олади.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони И.А.Каримовнинг миллий армиямиз ташкил топганлигининг 15 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида белгилаб берилган долзарб вазифаларни бажариш бўйича Мудофаа вазири томонидан тасдиқланган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ушбу режага мувофиқ командир(бошлиқ)лар ва уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарларига қуйидаги тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади:

Мазкур тавсиялар асосида барча ҳарбий қисм ва муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Қуролли Кучлар ташкил топганлигининг 15 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида баён этилган вазифаларни амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқиш;

7–8 февраль кунлари «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ватан ҳимоячиларига байрам табриги – янги ўқув йилига қўйилган вазифалардир» мавзусида ижтимоий-сиёсий билимлар ягона куни ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони И.А.Каримовнинг "Миллий армиямиз мустақиллигимиз, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир" номли асарини ўрганишни давом эттириш;

ҳарбий қисм ва муссасалар, олий ўқув юртлари, коллеж ва умумтаълим мактаблари,маҳаллаларда қуйидаги мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари, конференциялар ўтказиш:

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари – тинчлик ва барқарорлик кафолати»;

«Тинчлик ва осойишталик учун курашмоқ керак»;

«Ҳушёрлик ва сергаклик – замон талаби»;

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари – миллий хавфсизлигимиз кафолати»;

ҳарбий хизматчиларнинг Қуролли Кучлар музейи ва бошқа музейлар, тарихий ва маданий жойларга ташрифини уюштириш;

офицерлар таркиби билан:

"Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ватан ҳимоячиларига байрам табриги – ҳарбий хизматчилар маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик тарбиясини такомиллаштириш, улар профессионал малакасини ошириш дастури";

ҳарбий қисм ва муассасаларда «Тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, юксак ҳарбий интизомни таъминлаш, жанговар шайликни юқори даражада сақлаб туриш бўйича офицер кадрларнинг вазифалари»;

«Тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ҳар бир ҳарбий хизматчи тафаккурида ўз мамлакати учун масъуллик ҳиссини мустаҳкамлаш, уларда юксак маънавий-ахлоқий, фаол ҳаётий дунёқараш ва ватанпарварлик сифатларни тарбиялаш – барча даражадаги командирларнинг муҳим вазифаси» мавзуларида семинар ўтказиш;

тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш мақсадида йил мобайнида:

тарбиявий ишлар, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, шахсий таркиб ахлоқий-руҳий ҳолатини таҳлилий баҳолаш;

ҳарбий хизматчилар ахлоқий-руҳий ҳолатини белгилайдиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлашни ташкил этиш;

барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзолари, ишчи ва хизматчилар билан ишлашни ташкил этиш бўйича ўқув-услубий ва услубий қўлланмалар, тавсиялар, маълумотномалар ишлаб чиқиш;

офицерлар таркиби билан гарнизонларда қуйидаги мавзуларда илмий-амалий конференциялар ўтказиш:

«Ҳарбий хизматчиларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашнинг долзарб муаммолари ҳамда ҳушёрлик ва жанговар шайликни юксак даражада сақлаб туриш, ислом фундаментализми ва диний экстремизмнинг қўшинларга киришига қарши курашни ташкил этиш бўйича офицерлар таркибининг вазифалари»;

«Ҳарбий хизматчиларда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш, улар интеллектуал салоҳиятини юксалтириш – Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва жанговар шайликни оширишнинг ажралмас қисми»;

«Қўл остидагиларга нисбатан ғамхўр, талабчан ва адолатли бўлиш, улар шаънини ҳурмат қилиш, уларнинг хоҳиш-истаги ва эҳтиёжини чуқур билиш – ҳар бир раҳбарнинг бурчи»;

сержантларни тарбиялаш ва тайёрлашни янада яхшилаш мақсадида сержантлар тайёрлаш мактаблари офицерлар таркиби билан «Офицерларнинг ишончли ёрдамчиларини тайёрлаш – миллий армиямиз профессионалларини тайёрлаш ва ҳарбий жамоаларда соғлом ахлоқий-руҳий муҳит яратишнинг асоси»;

давлат ва жамоат ташкилотлари, олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар кафедралари профессор-ўқитувчилари иштирокида "Чақириққача бўлган ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик ва миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашнинг долзарб муаммолари" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказиш;

ҳарбий округ(гарнизон)ларда командир(бошлиқ)ларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, маданий-маърифий ишлар офицерлари, кутубхоналар мудиралари, ҳарбий хизматчилар оила аъзолари билан ишлаш бўйича йўриқчилар ва хотин-қизлар кенгашлари раислари билан ўқув-услубий йиғинлар ўтказиш;

тарбиявий ишлар тизими офицерлари касбий маҳоратини ошириш мақсадида:

ҳар ойда тарбиявий ишлар тизими офицерлари касбий тайёргарлик кунларини ўтказиш;

тарбиявий ишлар тизими офицерлари фаолиятини рейтинг асосида мунтазам баҳолаб бориш;

олий ҳарбий таълим муассасалари ижтимоий фанлар кафедралари ўқитувчилари билан услубий йиғинлар ўтказиш;

шартнома асосида оддий аскар ва сержантлар таркибида хизматга чақирилишни хоҳловчи номзодларни танлаш ва уларни маънавий-руҳий жиҳатдан ҳамда касбий лаёқати, ҳарбий хизматга тайёргарлиги бўйича тест синовидан ўтказишни такомиллаштириш;

муддатли хизматдаги ва шартнома асосидаги ҳарбий хизматчиларга қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника топширилишини;

муддатли ҳарбий хизматга янги чақирилган ҳамда сафарбарлик чақируви резерви батальонидаги хизматчиларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилишини;

муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари, ҳарбий хизматчиларнинг ўқув муассасалари ва меҳнат жамоалари билан учрашувларини тантанали тарзда ташкил этиш;

ҳарбий шаҳарчалар ҳудудлари, клублар, офицерлар саройлари, аскарлар ётоқхоналарини мамлакатимиз ва Қуролли Кучларимизда ўтказилаётган ислоҳотларни акс эттирувчи плакатлар ва баннерлар билан бойитиш;

ҳарбий хизматчилар фарзандлари учун электрон ўйинлар, компьютер техникасини ўрганиш, бичиш-тикиш курсларини ташкиллаштириш ва улар фаолиятини назоратга олиш;

жойларда вилоят, шаҳар, туман оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Қуролли Кучлар ташкил топганлигининг 15 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида баён этилган вазифаларни ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этилиши, Ватан мукофотига сазовор бўлган ҳарбий хизматчилар, илғор офицерлар, сержантлар ва аскарлар сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат тўғрисида мунтазам материаллар эълон қилинишида ёрдам кўрсатиш ва ташкиллаштириш;

«Энг яхши сержант», «Энг яхши гуруҳ командири», «Энг яхши взвод командири», «Энг яхши батальон командири», "Ўз касбининг устаси", "Илғор ҳамшира" каби йўналишлар бўйича ўтказиладиган танловларни кенг тарғиб қилиш;

олий ҳарбий таълим муассасасини тугатган ёш офицерларни сафга қўйиш ва улар шаклланишида ёрдам кўрсатиш мақсадида:

ҳарбий округларда махсус ўқув-услубий машғулотлар ташкил этиш;

мусобақа ғолиби бўлган ёш офицерлар анжуманини ўтказиш;

олий ҳарбий таълим муассасалари ва сержантлар тайёрлаш мактабларини ўқув, ҳарбий-техник, ўқув-услубий, услубий адабиёт ва қўлланмалар билан таъминлаш;

ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳарбий хизматчиларни олий ўқув юртларига киришга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

ҳарбий жамоалар ижтимоий-руҳий ва ҳуқуқий муаммоларини чуқур ўрганиш, ижтимоий-ҳуқуқий масалалар, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

чақирилувчиларни ҳарбий қисмларга кузатиш, ёш аскарларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилиш, белгиланган муддатли ҳарбий хизматни тугаллаган аскарларни уйларига кузатиш тантаналарини ота-оналар, давлат ва жамоат ташкилотлари, фахрийлар иштирокида юқори савияда ўтказиш, маҳаллаларда "Ҳарбийлар маҳалла меҳмони" тадбирларини ташкиллаштириш;

мудофаа ишлари бўлим ва бошқармалари чақирув комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш, маънавий-ахлоқий жиҳатдан, руҳан ва касбан лаёқатли ёшларнинг Қуролли Кучлар сафига чақирилишини ташкил этишда улар масъулиятларини ошириш;

умумтаълим мактаблар, лицей ва коллежлар ўқувчилари ва талабалари ўртасида туман, шаҳар ва республика миқёсида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларини босқичма-босқич ўтказишда ҳамкорлик кўрсатиш;

олий ҳарбий таълим муассасалари ва сержантлар тайёрлаш мактаблари курсантлари, лицей, коллеж ва умумтаълим мактаблар ўқувчилари билан «Ўзбекистон: жамият ва армия» мавзусида таниқли олимлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Қуролли Кучлар фахрийлари иштирокида семинар, савол-жавоб кечалари ташкил этиш;

ҳарбий хизматчилар юксак интизомини таъминлаш, улар ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган «Мустаҳкам ҳарбий интизом – жанговар вазифани муваффақиятли бажаришнинг гарови», «Жанговар шайликни юксак даражада сақлаш, ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг муҳим бурчи», «Ўз ҳуқуқингни биласанми?» мавзуларида савол-жавоб кечалари, мавзули кечалар, давра суҳбатлари ўтказиш;

«Заковат», «Зеҳн», «Ўйла, изла, топ», «Зинама-зина», «Иқтидор», «Интеллектуал ринг», «Қувноқлар ва зукколар», «Балли йигитлар» сингари интеллектуал ўйинлар, «Энг ибратли ҳарбий оила» «Энг яхши китобхон» каби танловларни давом эттириш ва такомиллаштириш;

давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Мустақиллик ҳимояси йўлида Ватан учун жонини фидо қилган ҳарбий хизматчилар оила аъзоларидан хабар олиш, уларнинг яшаш шароитини яхшилаш ва моддий ёрдам кўрсатиш борасида тадбирлар кўриш;

ҳарбий қисм ва муассасаларда давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида Ўзбекистон Республикасининг умумхалқ байрамларини тантанали равишда ва уюшқоқлик билан кутиб олиш ва ўтказиш;

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами арафасида «Аёл – муқаддас» мавзусида;

21 март – Наврўз байрамига бағишлаб, "Наврўз – янгиланиш ва покланиш айёми" мавзусида;

9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида "Аждодлар анъаналарига содиқмиз ва давом эттирамиз" мавзусида умумтаълим мактаблар, лицей, коллеж, олий ўқув юртлари ва маҳаллаларда фан, маданият арбоблари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар иштирокида учрашув ва суҳбатлар, тантанали кечалар ташкил этиш;

ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялашга йўналтирилган "Энг ибратли ҳарбий оила" танловини босқичма-босқич ўтказиш;

ҳарбий хизматчилар оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини ўрганиш, ҳарбий хизматчилар аёлларини ишга жойлаштириш бўйича жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда амалий ишлар олиб бориш;

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда "Ёш оила" дастури доирасида ҳамкорликда фаолият олиб бориш;

ҳарбий гарнизонларда ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган ижара пунктлари фаолиятини қатъий назорат остига олиш ва такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Қуролли Кучлар ташкил топганлигининг 15 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги миллий армиямиз жанговар шайлигини ошириш, ҳар бир ҳарбий хизматчи юксак ахлоқий, маънавий фазилатларини ва ватанпарварлик, фаол ҳаётий нуқтаи назарга эгалик ҳиссини тарбиялаш, касбий малакасини оширишнинг асосий омили, мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигининг ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, муқаддас заминимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг ишончли кафолати, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг осуда ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай тажовузларни бартараф этишга қодир Қуролли Кучларимизнинг стратегия ва тактикасини такомиллаштириш, олий ҳарбий таълим муассасалари ва сержантлар тайёрлаш мактабларидаги ўқув-тарбиявий ишларни тубдан яхшилаш сингари ҳарбий ислоҳотларга тааллуқли бошқа муҳим ва долзарб масалалар белгилаб берилган дастурий ҳужжат сифатида ўрганилиши, шунингдек, юқорида тавсия этилган вазифаларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш мустақил мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший аҳволини, яшаш шароитларини яхшилашнинг асосий омили, деб қаралиши лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ.

ПРОФЕССИОНАЛИЗМ – ГЛАВНАЯ ЧЕРТА ВОЕННОСЛУЖАЩЕГО



«СОЛО» ДЛЯ СНАЙПЕРА

Воинская часть, где служит офицер Бахтиер Сапаров, по итогам 2005–2006 учебного года по праву считается одной из лучших в Вооруженных Силах. Фоторепортаж о ратных буднях передовиков со всей очевидностью свидетельствует об их серьезных намерениях и в этом году сохранить лидерство.

Помощника командира взвода по материально-техническому обеспечению старшего сержанта Набижона Саксонова в коллективе уважают как опытного военного профессионала, много лет посвятившего делу служения Отчизне. Выдавая личному составу оружие и боевое снаряжение перед полевым выходом, он лично проверяет их исправность и точную подгонку. В учебном бою оружие должно не подвести, а экипировка – сидеть ладно и удобно. Здесь не бывает мелочей.

В первую очередь он уделяет пристальное внимание маскировочной одежде снайпера младшего сержанта Акмаля Абдуллаева. Старший сержант вполне уверен в огневом мастерстве товарища, однако для победы в бою одной меткой стрельбы может оказаться недостаточно. Эффект внезапности достигается в первую очередь умелой маскировкой на местности, терпеливым ожиданием своего «звездного часа».

Вот и связистам младшим сержантам Абиру Каршибаеву и Бахтиеру Орипову четкая и надежная работа переносных радиостанций позволяет не только вовремя поддерживать связь группы со штабом, но и является гарантом слаженности взаимодействия в учебном бою. Точно в указанное время подразделение убывает в район проведения занятия по тактико-специальной подготовке.

Бесшумно и ловко продвигаясь по горной тропе, группа внимательно следит за жестами младшего сержанта Мамадиера Усмонова. Заместитель командира группы в этот момент напоминает заправского дирижера: движения отточены, каждый сигнал передового дозора сопровождается соответствующими перестроениями. И все же роль снайпера в успехе засады на пути условного противника невозможно переоценить. Поэтому при постановке задач на карте и определении секторов огня место для снайпера подыскивается с особой тщательностью.

Одним словом, именно умелый подбор позиции для засады и определил успех практического учебного занятия. «Соло» снайпера стало одним из главных аккордов в «симфонии» горного боя. А разящие очереди пулеметчика рядового по контракту Шавката Турсункулова довершили разгром окруженного «противника». Свою лепту в победу внес и подрывник младший сержант Юсуф Муминов.

Командование высоко оценило действия подразделения при их разборе после возвращения в пункт постоянной дислокации части.

По словам капитана Элбека Маталиева, за кажущейся легкостью движений воинов лежит каждодневный и упорный ратный труд по совершенствованию боевого мастерства.

Недавно воины сдавали контрольно-проверочные занятия, показав превосходные результаты в выполнении общего контрольного упражнения по преодолению полосы препятствий. Вот и на перекладине, на дистанции кросса, при выполнении комбинированного упражнения была показана отличная физическая форма и выносливость.

Таким образом, личный состав этого элитного подразделения, совершенствуя день ото дня мастерство и боевую выучку, серьезно настроен сохранить за собой титул одного из лучших подразделений.

Майор Аблай КАМАЛОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**





В подразделениях обеспечения

ЗАБОТЯСЬ И О ДУХОВНОЙ ПИЩЕ

Весомый вклад в успех воинского коллектива внесли и воины подразделения обеспечения, где служит офицер Олимжон Изатуллаев. Наряду с решением вопросов материального снабжения личного состава здесь не забывают и о пище духовной.



Заведующая библиотекой воинской части служащая Муяссархон Халилова – человек здесь еще новый. Однако уже за непродолжительное время пребывания она успела оценить тягу воинов к повышению своего интеллектуального уровня. В читальном зале всегда найдутся люди, которые в короткий промежуток свободного времени решили приобщиться к богатству литературного наследия нашего народа.

В частности, выпускник школы подготовки сержантов младший сержант Бекзод Шукуров с удовольствием познакомился здесь со знаменитыми «Уложениями» нашего великого предка Сахибкирана Амира Темура. А еще ему понравилась литература о жизни великого просветителя древности Имама аль-Бухари.

Впрочем, многие военнослужащие в этой библиотеке не только расширяют свой кругозор, но и успешно повышают профессиональное мастерство. Так, рядовому по контракту Алишеру Хасанову, прибывшему сюда после срочной службы в рядах Пограничных войск, лучше осваивать воинскую специальность помогают прочитанные здесь учебники. Недавно солдат сделал уверенный шаг на пути к профессионализму, выдержав испытания на присвоение 3-го класса.

А вот рядовому по контракту Адхамжону Олтибоеву, отслужившему в Караульных войсках МВД, больше нравится проза известных литераторов на злободневные темы.

Как говорится, не хлебом единым жив человек. Офицеру по воспитательной работе капитану Нурали Омонову удается поддерживать в подчиненных тягу к повышению интеллектуального уровня, любовь к миру прекрасного. Однако и вопросы бесперебойного снабжения части всем необходимым решаются здесь на должном уровне.

В столовой части воинов угостят разнообразными блюдами, которые удовлетворят самому взыскательному вкусу. Да и во время полевых выходов личный состав ни в чем не нуждается. Это тоже является довольно важной составной частью достижения успеха.

Майор А. НУРОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**



О культуре обращения с оружием

ВТОРОЙ «ДЕНЬ РОЖДЕНИЯ» ВОИНА

В нашем подразделении сложился как бы особый «культ» отношения к вверенному оружию, его бережному хранению и своевременному обслуживанию. Каждый военный профессионал считает вверенное ему в руки грозное боевое оружие частицей самого себя.

Мне на всю жизнь запомнится, как по окончании в 2000 году Самаркандского ВВАКИУ я прибыл сюда и мне торжественно, перед строем всего личного состава вручили боевое оружие и представили в качестве командира группы.

С тех пор идет уже седьмой год самостоятельной службы. Мне доставляет истинное удовольствие осознание того, что мое оружие при выполнении упражнений учебных стрельб еще ни разу не подводило меня, да и подчиненных тоже. Считаю, что во многом это связано с нашей традицией особого, я бы даже сказал, трепетного отношения к вверенному оружию и боевой технике.

И эту традицию стараюсь по мере сил передавать сослуживцам. Например, старший лейтенант Алмат Жукабаев, отвечающий во взводе за вооружение, не случайно признан лучшим командиром группы в нашей части. В течение всего учебного года этот молодой офицер не раз выходил победителем в конкурсах на знание материальной части вооружения и военной техники, а в состязаниях среди командиров групп демонстрировал высокое мастерство на огневом рубеже.

Впрочем, любовное и заботливое отношение к оружию является обязательным требованием и к сержантскому составу. При этом дело не ограничивается контролем над стрелковым оружием, пристальное внимание уделено и групповому оружию. Так, среди тех, кто отличился в знании тактико-технических характеристик гранатомета АГС-30, можно назвать младшего сержанта Рахимжона Мадиева, а из минометчиков следует отметить младшего сержанта Кобила Бабаханова, из специалистов по войсковой разведке – младшего сержанта Уткира Ганиева, которые подают товарищам добрый пример ответственного и добросовестного отношения к вверенному вооружению.

В результате проводимой в Вооруженных Силах нашей страны масштабной реформы взят курс на создание мобильной, самодостаточной, оснащенной самым современным вооружением и техникой армии. На нашу экипировку выделяются огромные народные средства, поэтому наш долг – довести до каждого воина понимание того, что это грозное оружие надо беречь и заботливо к нему относиться. Когда оружие или военная техника становятся как бы частью самого воина, когда он упорно совершенствует свои знания и навыки обращения с ним, тогда будет победа и в учебном, и в реальном бою.

Капитан Кодиржон ТУРСУНОВ.

Огоҳлик – давр талаби

ЁШЛАРНИ БУЗҒУНЧИ ҒОЯЛАРДАН АСРАЙЛИК

Миллий ғурур, миллий ифтихор эртанги кунимизга мустаҳкам ишонч ҳосил қилади. Олдимизга қўйган марраларга, устувор мақсадларга етишишимизда муҳим аҳамият касб этади. Ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаслигимизга замин яратади.

Аммо бир нарсани унутмаслигимиз лозим. Дунё нотинч, халқаро терроризм, диний экстремизм ва бошқа офатлар сабаб курраи замин чайқалиб турибди. Президентимиз Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида ҳам бунга яна бир бор эътибор қаратиб, шундай дейди: «Биз бугун мураккаб ва нотинч замонда яшамоқдамиз. Марказий Осиё минтақасида ҳали-бери сақланиб қолаётган қалтис вазият, бутун дунёда давом этаётган низо ва қарама-қаршиликлар, тобора кўлами кенгайиб бораётган терроризм, экстремизм ва наркоагрессия хавфи бизда жиддий ташвиш уйғотмасдан қолмайди, албатта». Масалан, гиёҳвандлик билан боғлиқ муаммони олайлик. Афғонистоннинг жанубий провинцияларида 2006 йилда кўкнори етиштириш янада ортгани ҳақида халқаро ташкилотлар бонг уришди. Ёки бўлмаса 2005 йилда Афғонистон дунё опийсининг 89 фоизини етиштирган. Айнан бу муаммога урғу қаратганимиз сабаби халқаро терроризм ҳам диний экстремизм ҳам гиёҳвандлик билан уйғунлигини таъкидлаш.

Тажрибадан яхши биламиз. Тилга олинаётган бу офатлар кўпроқ дунёқараши, мафкуравий иммунитети шаклланмаган, оқу қоранинг фарқига бормайдиган ёшларимизни ўзига жалб қилмоқда. Шу сабабли билиб-билмай, адашиб бу йўлга кириб қолиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Юртимиз аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, муаммонинг янада долзарблигини ҳис қиламиз. Ахир мамлакатимизнинг буюк келажаги, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз, Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи униб-ўсиб келаётган фарзандларга, ёшларимизга боғлиқ. Демак, мустақил тараққиёт йўлимизни, эзгу орзу-мақсадларимизни кўролмайдиганлар аввало суяги қотиб улгурмаган, дунёқараши шаклланмаган ёшларимизнинг онгини, қалбини заҳарлашга уринишади. Турли бузғунчи ғоялар билан ўз измига оғдирмоқчи бўлишади. Буни турли ёвуз кучларнинг хатти-ҳаракатлари, мамлакатимизда содир этилган хунрезликлар ҳам исботлаб турибди. Шу ўринда бир савол туғилади. Хўш, дунёда ёшларимизнинг онгини заҳарлаши мумкин бўлган қандайин бузғунчи ғоялар бор ва улардан қандай ҳимояланиш мумкин, деган. Келинг, мутахассисларнинг илмий хулосалари асосида фикримизни давом эттирайлик.

XX аср охири ва XXI аср бошларида дунёда ёшларнинг турли норасмий гуруҳлари шаклланмоқдаки, бу бошқа глобал муаммолар сингари кўпчиликни ташвишга солмоқда. Убайдулла Олтинов, Тилакберди Примов, Фазлихон Низомов ўзларининг «Ёшларни бузғунчи ғоялардан асраш» китобида бундай гуруҳларнинг пайдо бўлиш сабабларига қуйидагича изоҳ беришган: «Қадимги аждодларимизнинг турмуш тарзида спиртли ичимликлар ичиш, қорадори истеъмол қилиш, қиморбозлик, ўғрилик каби иллатлар учраб турган. Бу иллатлар эса турли хил гуруҳларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Ана шундай норасмий гуруҳларнинг аъзолари вояга етган йигитлар ҳисобланган. Дастлаб катталарга тақлид қилиш, кейинчалик уларнинг бевосита тазйиқи остида ана шундай гуруҳлар сафига ўсмир ва ўспиринлар тасодифан кириб қолади. Шунингдек, моддий бойлик тўплаш, ўғрилик мақсадида тузилган гуруҳлар ҳам ёшларни ўз сафига жалб қилиб борган. Бундай гуруҳлар турли жиноятларни содир этиш орқали бойликлар тўплаб, одамларга, жамиятга катта моддий ва маънавий зарар етказган. Кишилик жамияти тараққиётининг ҳар бир босқичида у ёки бу кўринишга эга бўлган ёшларнинг норасмий уюшмалари ҳукм суриб келган. Шу сабабли бугунги кунда бундай норасмий гуруҳларнинг кенг қулоч ёйишига тасодиф эмас, балки ижтимоий жараённинг оқибати, деб қараш зарур».

Олимларнинг таҳлиллари, тадқиқотлари шуни кўрсатадики, билимсиз, эркин ва мустақил фикрлаш, ижодий мулоҳаза юритиш, баҳслашиш имкониятидан маҳрум бўлган, қолаверса, ишсиз ёшлар ўзларининг норасмий гуруҳларини тузишга ҳаракат қилашаркан.

Кейинги пайтларда Покистон, Миср, Жазоир каби мамлакатларда ёшларнинг диний ақидапарастликка мойил бўлган норасмий гуруҳлари шаклланмоқда. Бунинг хавфли жиҳати шундаки, диний экстремизм ғоялари билан қуролланган бундайин гуруҳлар ўз ғояларини куч ишлатиш ёрдамида ўзгаларга сингдириш, бошқача фикрлайдиган кишиларни йўқ қилишгача боришади.

Хорижий мамлакатларнинг ижтимоий ҳаётидаги турли муаммолар норасмий гуруҳларнинг қулоч ёйишига имконият туғдирмоқда. Бу муаммолар нимада? Аввало оиладаги, одоб-ахлоқдаги, маънавиятдаги бўшлиқлар. Масалан, бундайин бўшлиқлар сабаб енгил-елпи ҳаёт кечиришни истовчилар пайдо бўлмоқда. Бу эса уларнинг норасмий гуруҳларига сабаб бўлиши табиий.

Юқорида тилга олинган китоб муаллифлари дунёдаги ёшларнинг норасмий гуруҳларини шартли равишда тоифаларга ажратишган. Буларнинг биринчиси – ижтимоий-сиёсий муаммолар билан шуғулланувчи сиёсатдонлар гуруҳи. Бундайин гуруҳга бириккан ёшлар ислом фундаментализмидан тортиб, ҳуқуқий демократик давлат қуришгача бўлган масалалар юзасидан мунозара қилишиб, мамлакатда олиб борилаётган сиёсатга ўз муносабатини беришади. Навбатдаги тоифа радикал ислоҳотчилар гуруҳи деб номланган. Бундай тоифага мансуб гуруҳлар Европанинг кўплаб мамлакатларида учрайди. Уларнинг вазифалари тахминан қуйидаги мақсадларга уйғунлашган: замонавий модага, ҳулққа, анъаналарга, мусиқага қарши тинимсиз кураш олиб бориш; террор йўли билан кишиларни жазолаш,зўрлик қилиш орқали иллатларни йўқотиш; ижтимоий ҳаётда учрайдиган порахўрлик, жиноятчиликка қарши курашиш, бундайин тоифага мансуб кишиларни қўрқитиш, калтаклаш орқали жазолаш, бачкана кийинган, ортиқча зеб-зийнат осган ёшларни таҳқирлаш. Бундайин гуруҳ аъзолари ҳис-туйғуларини жиловлай олмай, турли жиноий ҳаракатларни келтириб чиқаришлари мумкин.

Руҳоний ва ақидапарастликка мойил тоифадаги ёшлар норасмий гуруҳлари ижтимоий-сиёсий ҳаётда кечаётган воқеа-ҳодисаларга диний-мистик руҳ беришга уринишаркан.

Жаҳондаги интеграциялашув, глобаллашув жараёнларининг жадал суръатда кечаётгани бундайин гуруҳларнинг урчишига сабаб бўлянти. Хўш, ёшларимизни бундайин бало-қазолардан асраш учун нималар қилишимиз лозим? Аввало уларнинг маънавий ҳаётида бўшлиқлар пайдо бўлмаслигининг олдини олиш керак. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бу борада биринчидан, халқимизнинг азалий анъаналарига, бугунги миллий тараққиётимизга хизмат қиладиган урф-одатлари ва тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтадиган бўлсак, дунёқариши ва тафаккурига, иккинчидан умуминсоний ва замонавий ютуқларга таянишимиз мумкин. Таъкидлаш лозимки, ёш авлодни, янги авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш йўлида давлатимиз изчил сиёсат юритиб келмоқда.

Ёшларимизда, уларнинг тарбиясида мафкуравий, маънавий бўшлиқлар бўлмаслиги учун талай ишлар амалга оширилянти. Кўплаб академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, замонавий спорт иншоотлари қад ростламоқда. Фақат ҳаётга улкан орзу-мақсадлар билан ёниб кириб келаётган ёшларнинг қалбларига, онгу шуурига шу Ватанни – жонажон Ўзбекистонни обод этиши, ҳимоя қилиши бурч эканлигини, нафақат ўз ҳаёти, балки, ота-онаси, опа-сингилси, нуроний кексаларнинг ҳаёти ҳам бу муқаддас бурчни қандай адо этишига боғлиқлигини чуқур сингдира олсаккина, кўзлаган мақсадларимизга эришамиз.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.

СОҒЛОМ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ!

Интервью

«АЗИАДА-2006 ПОЗАДИ. ВПЕРЕДИ ВСЕМИРНЫЕ ВОЕННЫЕ ИГРЫ...»

В прошлом году спортсмены МХСК не раз становились победителями и призерами различных республиканских и международных турниров, мировых чемпионатов. А в конце 2006 года большинство наград XV Азиатских игр, с которыми вернулись узбекистанские спортсмены, было завоевано армейцами. О том, каким был для МХСК Министерства обороны прошлый год, и о планах на текущий – беседа нашего корреспондента с его начальником Х.Касымовым.

– Хикматулла Убайдуллаевич, прошлый год для военнослужащих был богат на различные соревнования, где они удачно выступали. Этому во многом способствовала четкая и слаженная работа учебно-спортивного отдела МХСК...

– Согласно плану проведения мероприятий Управления боевой подготовки Объединенного штаба Вооруженных Сил военнослужащие и служащие учебно-спортивного отдела МХСК принимали активное участие в организации мероприятий, проводимых в войсках Министерства обороны Республики Узбекистан. Они оказывали практическую, учебно-методическую помощь в проведении Вторых Всеармейских игр по военно-прикладным и олимпийским видам спорта, помогали в проверке уровня физической подготовленности военнослужащих. В первую очередь хотелось бы назвать имена подполковника Р.Хамидова, капитанов О.Морозова, Э.Османова, служащего Вооруженных Сил Р.Тазетдинова. В обеспечении судейства соревнований принимали участие служащие и тренерский состав школы высшего спортивного мастерства (ШВСМ) МХСК, имеющие соответствующую судейскую квалификацию.

– Что вы можете сказать о работе спортивных отделений школы высшего спортивного мастерства МХСК за прошедший 2006 год?

– Прежде всего нужно отметить, что МХСК Министерства обороны осуществляет подготовку спортсменов высокого класса, членов сборных команд Вооруженных Сил и страны к выступлениям в различных республиканских и международных соревнованиях, открытых чемпионатах Вооруженных Сил, Всеармейских играх, чемпионатах мира среди военнослужащих и многих крупных турнирах. В прошлом году в нашем армейском клубе повышали свое спортивное мастерство более 450 спортсменов по 17 видам спорта. И должен сказать, что все отделения работают четко и слаженно, благодаря чему на сегодняшний день мы имеем 4 заслуженных спортсмена Узбекистана, 35 мастеров спорта международного класса, 133 мастера спорта, около 300 кандидатов в мастера спорта и перворазрядников, 275 армейцев включены в составы сборных команд Узбекистана по видам спорта.

За 2006 год спортсмены МХСК в соответствии с календарными планами спортивных мероприятий Министерства по делам культуры и спорта и Вооруженных Сил страны принимали активное участие в республиканских и международных соревнованиях. Значительное число спортсменов стали победителями и призерами этих соревнований. В международных армейцы завоевали 26 золотых, 62 серебряных и 39 бронзовых медалей.

В прошлом году спортсмены МХСК приняли участие в четырех чемпионатах мира среди военнослужащих: по боксу, вольной и греко-римской борьбе, дзюдо и таэквондо. Так, на 50-м чемпионате мира по боксу в германском городе Варендорфе наша команда заняла второе место, в личном зачете старший лейтенант Д.Махмудов, служащий Вооруженных Сил Э.Расулов стали победителями, рядовой по контракту Ш.Хусанов и Ж.Матчанов из спортактива завоевали серебряные медали, а рядовой по контракту Б.Хидиров стал бронзовым призером.

Удачно выступили на 32-м чемпионате по дзюдо в городе Винковичи (Хорватия) младший сержант М.Соколов, рядовые по контракту У.Курбанов, Р.Сайидов, служащий Вооруженных Сил Ш.Абдурахманов, благодаря которым наша команда заняла второе место. На 17-м чемпионате мира по такэвондо, проходившем в городе Сеуле (Корея), наша команда стала бронзовым призером, в личном же зачете Г.Хан стала победительницей, а Н.Микрюкова завоевала второе место.

На 24-м чемпионате мира по борьбе (г.Баку, Азербайджан) успешно выступил старший сержант Д.Захартдинов, ставший бронзовым призером.

По выступлению армейцев на международных соревнованиях, проводимых по линии Министерства по делам культуры и спорта, следует отметить, что Г.Кочнева (гребля на байдарках и каноэ), Д.Здорикова, Ж.Муминова, Б.Рустамова, Э.Очилова (все – кураш) становились призерами чемпионатов Азии и мира.

– Все же в 2006 году основным и главным спортивным мероприятием явились XV Азиатские игры, прошедшие в столице Катара Дохе?

– Да, это именно так. На протяжении двух лет после Афинской олимпиады велась усиленная подготовка сборных команд Узбекистана для участия на XV Азиатских играх. В этих соревнованиях приняли участие 45 армейцев по 13 видам спорта. Как известно, по итогам данных состязаний большинство наград завоевали наши армейские атлеты.

– В текущий предолимпийский год намечаются различные республиканские и международные соревнования. Насколько известно, состоятся и IV Всемирные военные игры. Каково участие в них наших армейских спортсменов?

– Эти соревнования проводятся по линии Международного военного спортивного совета и будут проходить в октябре в городе Хайдарабаде (Индия). Всемирные военные игры для нас важны тем, что они проводятся раз в четыре года, в основном в предолимпийский год, вместо различных чемпионатов мира среди военнослужащих, проводимых ежегодно. Сборная команда Вооруженных Сил Республики Узбекистан примет участие по четырем видам спорта: боксу, вольной и греко-римской борьбе, дзюдо и легкой атлетике. Кроме того, планируется направить на указанные соревнования команду МХСК по водному поло за счет Федерации водного поло.

Беседу вел майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.

ЧЕМПИОНАТЛАР БАРКАМОЛ ПОСБОННИ ТАРБИЯЛАЙДИ

Президентимиз раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ соғлом, баркамол авлод тарбиясига, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшларимизни маънавий-руҳий соғломлаштиришни мустаҳкамлаш, ишончли, юксак тайёргарликка эга бўлган ва жисмонан чиниққан Ватан ҳимоячиларини тарбиялашга катта эътибор қаратиб келмоқда. Ҳар йили мамлакатимизнинг турли бурчакларида, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда ҳарбийларимизнинг спорт маҳоратини ошириб бориш учун барча зарур шароитларга эга бўлган спорт мажмуалари, стадионлар, спорт заллари, спорт майдончалари яратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2003 йил 4 ноябрдаги «Оммавий спортни тарғиб-ташвиқ қилишни кучайтириш борасида»ги Қарорларидан келиб чиқиб, миллий армиямизда ёшларимизни, ҳарбий хизматчиларни мунтазам равишда спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, уларнинг маҳорати ва жисмоний тарбияси даражасини ошириш ҳамда бу билан оммавий спорт ва катта спортни боғловчи бўғин ҳосил қилиш устувор мақсад сифатида белгилаб қўйилган. Мудофаа вазирлиги қўшинлари ўртасида анъанавий тарзда икки йилда бир бора ўтказиб келинаётган Умумармия ўйинлари, спортнинг ҳарбий-амалий, оммавий турлари бўйича ўтказиладиган чемпионатлар ана шу мақсадларимиз мевасидир.

Мудофаа вазирининг қўшинларда жорий ўқув йили учун белгиланган жисмоний тайёргарлик ва оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш борасидаги буйруғига назар ташлар эканмиз, ҳар томонлама баркамол Ватан ҳимоячисини тарбиялаш, ҳарбийларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ватанпарварлик туйғусини янада кучайтириш, ёшларимиз орасидан кўплаб спорт усталарини, янги-янги чемпионларни кашф этиб, уларни спортдаги ютуқлари билан Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга руҳлантириш устувор вазифалардан бири эканлигини англаймиз. Негаки, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний тайёргарлиги уларнинг жанговар тайёргарлигидаги муҳим бўғин ҳисобланади. Фақат яхши машқ қилган, ҳар томонлама тайёргарликка эга бўлган посбон барча қийинчиликларни муваффақият билан енгиб ўтиши, қўйилган вазифани ишончли ва сифатли бажариши мумкин.

Тилга олинаётган буйруқдаги асосий режалар борасида Қуролли Кучлар Бирлашган штаби жанговар тайёргарлик бошқармаси катта офицери майор Баҳодир Тўхтаназаров бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Айни пайтда мазкур буйруқ асосида Мудофаа вазирлиги қўшилма ва қисмларида 15-оммавий спорт ишлари кўрсатининг биринчи босқичи якунига етиб, иккинчи босқич ишлари ҳам бошланган. Мазкур босқич 20-февралгача жадал суръатда давом этади. Кўрикнинг учинчи босқичи эса ҳарбий округларда 30 апрелдан 20 майгача, айрим ҳарбий қисмларда 28 майдан 7 июлгача давом этиши кўзда тутилган. Таъкидлаш лозимки, бу тадбир жойларда ҳарбий хизматчиларимизнинг жисмоний тайёргарлиги қай даражада эканлиги борасида хулосаларга келишимизда муҳим аҳамият касб этади.

Буйруққа биноан ҳар ойнинг тўртинчи ҳафтасида ҳарбий округлар ва олий ҳарбий билим юртларида чемпионатлар ўтказилиши армиямизда соғлом турмуш тарзининг шакланишига хизмат қилади.

Яқинда тош кўтариш спорти бўйича Мудофаа вазирлиги қўшинларининг очиқ чемпионатини ўтказиш билан мусобақаларимизга старт бердик. Кўтаринки руҳда ўтган мазкур чемпионат юртимиз ҳимоячиларининг жисмоний тайёргарликлари юксак эканлигини яна бир бор исботлади.

Шунингдек, жорий йилнинг 26-31 март кунлари Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округида енгил атлетика бўйича Мудофаа вазирлиги қўшинларининг очиқ чемпионати, 23-28 апрель кунлари ҳарбий спорт мажмуига кирувчи кўпкураш бўйича Мудофаа вазирлиги қўшинларининг очиқ чемпионати, 21-26 май кунлари ҳарбий бешкураш бўйича Мудофаа вазирлиги қўшинларининг очиқ чемпионати ўтказилиши режалаштирилган.

Ишончим комилки, Мудофаа вазирлиги қўшинларида ўтказиладиган бундайин чемпионатлар ва оммавий спорт тадбирлари ҳарбийларимизнинг жанговар тайёргарликлари янада ошишига, уларни нафақат юрт ҳимоясидаги эзгу ишларга, балки спортдаги муваффақиятлари билан истиқлолимизни мустаҳкамлашга, Ўзбекистонимиз шаънини дунёга ёйишга руҳлантиради.

Майор Сафар АЛИЕВ.

Гиревой спорт. Чемпионат Вооруженных Сил

«ЖЕЛЕЗНАЯ ИГРА» – СПОРТ СИЛЬНЫХ

На спортивной базе Джизакского высшего военного авиационного училища (ДВВАУ) завершился открытый чемпионат войск Министерства обороны Республики Узбекистан по гиревому спорту. В этих соревнованиях приняли участие спортивные команды всех высших военно-образовательных учреждений, округов и отдельных воинских частей.



Сразу хотелось бы сказать, что число приверженцев «железной игры» в частях заметно растет из года в год, да и спортивное мастерство тоже. Если ежегодно в командном зачете призовые места, в основном, завоевывали представители высших военно-образовательных учреждений, то картина нынешнего чемпионата совсем иная. За чертой призеров оказались одни из сильнейших команд СВВАКИУ и ДВВАУ. Дело в том, что представители воинской части, где начальником физподготовки и спорта майор Равшан Маламинов, оказали всем участникам жесткую конкуренцию и, более того, «вытеснили» на третье место даже спортсменов ТВОКУ, завоевав в конечном итоге в командном зачете второе призовое место. Лидирующую позицию призовой тройки, как и предполагалось, заняла команда ЧВТКИУ.

В результате упорной и острой борьбы были выявлены также победители и призеры чемпионата среди «личников». В весовой категории до 65 кг на помосте «выясняли отношения» за серебряную награду лейтенант О.Мукимов (ВВО) и курсант Ф.Ахроров из СВВАКИУ. В сумме двоеборья (толчок и рывок) оба набрали 202 очка. Но так как лейтенант О.Мукимов был несколько легче своего соперника, он был признан вторым призером. А с 260 очками победителем стал курсант ЧВТКИУ Х.Тангриберганов.

В весе до 70 кг на этот раз титул чемпиона завоевал представитель ЧВТКИУ младший сержант А.Хамидов, а второе и третье места, соответственно, заняли курсант Ф.Сапаров из СВВАКИУ и рядовой по контракту Ф.Эшонкулов (начальник физподготовки и спорта части майор Р.Мадаминов).

Также в своих весовых категориях победителями соревнований стали старший лейтенант О.Имомов (ТВОКУ, до 80 кг), лейтенанты Ф.Темиров (до 90 кг) и М.Хамдамов (+90 кг), оба – подопечные майора Р.Мадаминова. Серебряными призерами в этих трех весах стали все представители ЧВТКИУ – курсанты Б.Хамидханов, Ф.Хамдамов и С.Утаев. Третье место завоевали младший сержант С.Уралов (ТВО), курсант Н.Назаров (ТВОКУ) и старший лейтенант У.Музаффаров (ВВО).

На этом открытом чемпионате три атлета в своих весовых категориях установили личный рекорд. Это курсант Хусан Тангриберганов, набравший в сумме двоеборья 260 очков, старший лейтенант Ойбек Имомов – 440 очков и лейтенант Миркомил Хамдамов – 496 очков. Следует отметить, что 22 атлета выполнили норматив кандидатов в мастера спорта, 32 атлета – норматив I разряда, 7 атлетов – II разряда и 7 атлетов – III.

Все гости и участники соревнований отметили, что чемпионат прошел на высоком организационном уровне.

Майор Нуритдин ХАЙРИТДИНОВ.

Қонун ва ижро

БОЛАЛАР СПОРТИГА ЭЪТИБОР

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнига эга бўлди. Айниқса, ўзбек деган ном, Ўзбекистон дея аталмиш юрт спорти билан дунёга достон бўлди, десак янглишмаган бўламиз. Мамлакатимиз спортчилари жаҳон ва Осиё чемпионатларида, Олимпиада ўйинларида юксак натижаларни қўлга киритиб, юртимиз байроғини баланд кўтаришди.

Юртбошимиз Ислом Каримов «Спорт – миллатни улуғлайди», деб бежиз айтмаган. Дарҳақиқат, спортчиларимиз юртимизни дунё миқёсида улуғлаб, давлатимиз обрўсига-обрў қўшмоқдалар. Жаҳон ареналаридаги спортчиларимиз ғалабалари эса ўсиб келаётган фарзандларимиз спортга бўлган иштиёқини янада кучайтириши баробарида, уларнинг қалбида ўз халқи, юрти билан фахрланиш туйғуларини уйғотмоқда. Биргина болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар, қишлоқ жойларида барпо этилаётган спорт коллежлари ва мактаблари, турли-туман спорт иншоотлари бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йили 26 декабрда қабул қилган «2007 йилда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг мақсили аниқ дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори янги йилда ҳам болалар спортини ривожлантиришда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилишидан далолат беради.

Тўғрисини айтганда, спорт мамлакатимизда умумхалқ ҳаракатига айланиб бормоқда. Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Умид ниҳоллари», академик лицей ва коллежлар талабалари ўртасида ўтказилаётган «Баркамол авлод», олий ўқув юрти талабалари орасида ўтказилаётган «Универсиада» мусобақалари, бир томондан, бизда уч босқичли спорт тизими шакланаётгани, иккинчи томондан юртимизда баркамол авлод тарбияланаётганининг ёрқин ифодасидир. Ўтган йили Қарши шаҳрида ўтказилган «Умид ниҳоллари–2006» спорт мусобақалари юртимизда 200 нафардан зиёд янги чемпионларни кашф этган бўлса, шу йил май ойида Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилаётган «Универсиада-2007» спорт мусобақалари янада кўтаринки руҳда кечиши шубҳасиз.

Яқинда жаҳон ва Осиё чемпионатларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун Марказий офицерлар уйида мамлакатимизнинг энг кучли шахматчилари баҳс юритишди. 22 январь куни бошланган шахмат бўйича республика биринчилиги мусобақаларида спортчилар швейцарча услубда куч синашишди. Тўққиз кун давом этган баҳслар анча муросасиз кечди, дея бемалол таъкидлашимиз мумкин. Иштирокчилар орасида халқаро турнирларда бир неча марта ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган спортчиларнинг кўплиги сабаб, учрашувлар анча қизғин тус олди. Ўн олти ёшгача бўлган болалар ўртасидаги беллашувларнинг дастлабки босқичида самарқандлик ака-ука Хуршид ва Жамшид Мустафоевлар пешқадамликни қўлга киритишди. Қизлар ўртасидаги баҳсларда эса тошкентлик Евгения Пак ўзининг устунлигини намойиш қила бошлади. Шуни таъкидлаш керакки, ёшлар ўртасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси бўлган бу спортчи ўтган йил Туркиянинг Агрив шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида кучли ўнталикнинг бешинчи поғонасини банд этганди.

Мана шундай кучли шахматчилардан бири ўн тўрт ёшли Раҳматжон Раҳимовдир. У ўтган йил мактаб ўқувчилари ўртасида Грецияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида биринчи ўрин соҳибига айланган. Чемпионатнинг кучли иштирокчилари сафига яна Искандар Ориповни киритишимиз мумкин. Ўн-ўн икки ёшдаги шахматчилар ўртасида Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай шаҳрида ўтган йил бўлиб ўтган халқаро турнирнинг иккинчи ўрин соҳиби истеъдодли бу ўспирин ҳам дастлабки турларни анча муваффақиятли бошлади.

– Ушбу беллашувда ғолиб бўлиб, жаҳон чемпионатида иштирок этишни ўз олдимга мақсад қилганман, – дейди Искандар. – Халқаро мусобақалардаги иштироким менга анча қўл келмоқда.

Ҳа, юртнинг келажак ворислари бўлган бу ёшлар мамлакатимизда спортга берилаётган катта эътибор туфайли жаҳонга чиқиб, ўз истеъдодларини кўрсатишмоқда.

– Ҳукуматимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган бугунги эътибордан қувонасан, – дейди Ҳотам бобо Азларов. – Юртимизнинг қайси бурчагига борманг, мамлакатимиз ёшлари учун қурилаётган замонавий мактаб, коллежлар, спорт иншоотларини кўриб ич-ичингдан фахр ҳиссини туясан. Бугун ушбу замонавий типда қурилган мактабда менинг ҳам набираларим ўқиб, барча қулайликларга эга спорт мажмуасида шуғулланишади. Улардан бири Умиджон Ҳотамов спортнинг футбол ва шахмат турларига жуда қизиқади. Жиззахда ўн бир ёшли шахматчилар ўртасида ғолибликни қўлга киритган Умиджонни пойтахтга ўзим олиб келдим. Мана ҳозирча имкониятлари ёмон эмас. Келажакда Рустам Қосимжоновдек машҳур шахматчи бўлишни ўз олдига мақсад қилган набирам маҳоратини тинимсиз шакллантириб бормоқди.

Мамлакатимиз ёшлари ўртасида янги-янги чемпионларни кашф қилиб келаётган шахмат бўйича анъанавий республика биринчилиги беллашувларининг бу йилги баҳслари ҳам анча муросасиз кечди.

Ёш шахматчилар 10 кун давомида қизғин баҳс юритиб, ўз истеъдодларини намойиш қилишди. 16 ёшгача бўлган ўспиринлар беллашувларида самарқандлик спортчилар катта тажрибага эга эканлигини кўрсата олди, дея бемалол таъкидлашимиз мумкин. Тўққиз имкониятда 7,5 очко жамғарган самарқандлик Жамшид Мустафоев биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, ундан ярим очко кам йиғган укаси Хуршид иккинчи ўринга лойиқ топилди. Учинчи ўринга 6,5 очко йиғиб тенгқурлари ичида етакчилик қилган пойтахтлик Улуғбек Тиллаев сазовор бўлди. Қизлар баҳсларида ҳам самарқандликлар яхши ўйин намойиш қилишган бўлсада, совринли ўйин соҳибасига айланиша олмади. Биринчи ўринни фарғоналик Ҳулкар Тоҳиржонова (7,5 очко) қўлга киритди. Иккинчи ўринни сурхондарёлик Райхон Дониёрова (7 очко, ўз фойдасига ҳал қилган бўлса, учинчи ўринга Тошкент вилояти вакиласи Гулрухсор Эсонбоева (6 очко) давогарлик қилди.

Ўн ёшгача бўлган ўғил болалар ва қизлар баҳси ҳам анча муросасиз кечди. 9 турда фақат битта ўйинни рақибасига бой берган фарғоналик Нигора Паршиева 8 очко йиғиб мураббийлари ишончини оқлаган бўлса, иккинчи ўринни 7,5 очко жамғарган қашқадарёлик Нилуфар Абдураҳмонова ўз ҳисобига қайд этди. Учинчи ўринга эса 7 очко йиғган пойтахтлик Нозима Орипова лойиқ топилди. Ўғил болалар баҳсларида тошкентлик Олег Артеменкога тенг келадиган рақиб топилмади. У фақат битта ўйинни рақибига бой бериб, 8 очко билан кифояланди. Иккинчи ўрин ҳам яна пойтахтлик Руслан Павловскийга (7 очко) насиб этди. Учинчи ўринга навоийлик Элдор Мўминов (6,5 очко) сазовор бўлди. Шуни таъкидлаш керакки, мазкур беллашувларда ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари муносиб баҳс олиб боришди. Улар гарчи ғолибликни қўлга киритолмаган бўлсада, рақибларига қарши чиройли ўйин намойиш қилиб ҳакамлар томонидан эътироф этилди. Бундай ёш истеъдод соҳиблари сафига Салим Турдиалиев, Омина Каримова, Тахмина Турдиалиеваларни киритишимиз мумкин.

Мазкур республика биринчилигида ғолиблар сафидан жой олган шахматчилар энди ёшлар ўртасидаги Осиё ва Жаҳон чемпионати баҳсларида иштирок этиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Агнеш ҚУРБОНОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



ХАРБИЙ ҚАСАМЁД

КАМАРБАСТАЛИК

Навоий гарнизонида сафарбарлик чақируви резерви (СЧР) хизматидаги фуқароларнинг тантанали равишда Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Бугун жанговар қуролни маҳкам тутганча Президентига, халқига, юртига содиқ бўлишга қасамёд қилаётган йигитларнинг ўт чақнаб турган кўзлари, аниқ ва шахдам ташланган қадамлари, мағрур кўтарилган бошлари, юзларидаги қувончи уларнинг бу хизматдан бағоят мамнун эканликларини исботлаб турибди.



Аскарларнинг тантанали қасамёдига бағишланган митингни офицер О.Умрасулов очди. У ёш посбонларни ва уларнинг яқинларини бугунги шодиёна билан табриклаб, ҳарбий Қасамёднинг эр йигит учун муқаддас туйғу, шарафли бурч эканлигини алоҳида таъкидлади. Шундан кейин Бухоро вилояти мудофаа ишлари бошқармаси СЧР бўлими бошлиғи офицер У.Тешаев, Навоий вилоят маънавият тарғибот маркази бошлиғи Ф.Юлдошев, «Бунёдкор» маҳалласи раиси Б.Муҳаммадиев ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам иштирокчиларни бугунги унутилмас кун билан табриклашди.

Ота-оналардан Шоҳиста Бобоқулова ва аскар Карим Ҳасанов, Абдулло бобо Саидовлар сўзга чиқиб, фарзандларининг қасамёдларига содиқ қолиб, ўзларига билдирилган ишончни шараф билан ўтаб, яқинлари олдига ёруғ юз билан қайтишларини тилашди.

– Мана, бугун биз ҳақиқий эр йигитлик қасамёдини қабул қилдик, – дейди оддий аскар Шерзод Маҳамматов. – Бу биздан катта масъулият талаб этади. Юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигини ҳимоя қилиш йўлида билдирилаётган юксак ишончни сидқидилдан оқлаймиз.

Ёш аскарларнинг Ҳарбий Қасамёд қабул қилиш тантаналари катта байрамга айланиб кетди. Наврўз маданият уйи санъаткорларининг дилрабо куй ва қўшиқлари хушнуд дилларни янада шод этди.

Майор Мирза АШУРОВ.
Навоий гарнизони.

НОВОЕ – В ЭКИПИРОВКЕ ВОИНА

ТЕПЕРЬ ВСЕ ВЫГЛЯДИТ ИНАЧЕ

Мужчинам, когда-либо проходившим службу в армии, наверняка знакома традиционная солдатская проблема со сменой подворотничков на повседневной форме одежды. Введенное недавно новшество теперь намного облегчило жизнь воина.

Выпускнику школы подготовки сержантов младшему сержанту Иномжону Карабаеву пришлось одному из первых доводить до личного состава своей секции требования, которые установлены согласно соответствующему приказу министра обороны. В нем четко расписаны правила ношения «платка шейного» (так теперь называется бывший подворотничок), он защитного цвета, укладывается особым образом и носится вместе с повседневной формой.

По словам начальника вещевой службы части капитана Жасура Хасанова, с младшими командирами и помощниками командиров взводов по материальному обеспечению проведены обстоятельные инструкторско-методические занятия для обучения личного состава правилам ношения введенного в обмундирование новшества.

Вот и младшему сержанту Нуъмону Юлдашеву довелось услышать немало добрых отзывов солдат о новом элементе своего обмундирования.

– В моей семье швейным делом традиционно занимались женщины, – говорит рядовой Зафарали Бахромов, призванный из Термеза. – Поэтому мне пришлось довольно нелегко в первые месяцы службы с подшиванием подворотничка, иной раз приходилось это переделывать по нескольку раз.

– Я так понимаю, что камуфлированная форма носится для того, чтобы сливаться с окружающей местностью, – подключается к разговору рядовой Ойбек Халиков из Китабского района Кашкадарьинской области. – А белый подворотничок просто может и демаскировать солдата, поэтому введение шейного платка только повышает боевую готовность нашей армии.

– В условиях полевого выхода мы порой не успевали в светлое время дня заново подшить подворотничок, – добавляет рядовой Шерали Рашидов, призванный из Гиждуванского района Бухарской области. – Теперь все эти трудности позади.

Наблюдая за тем, как красиво и молодцевато носят военнослужащие новые атрибуты военной формы, невольно порадовался за них. Поистине, когда страна постоянно заботится о нуждах воинов, то и служится легко.

Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**



СИРЛИ ОЛАМ

РАҚАМЛАР ГАПИРГАНДА

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Тўққиз ҳам «сеҳрли» сонлардан ҳисобланади. Илгаридари тўйларимизда тўққиз ададига риоя қилинган. Хоразмлик совчилар қуда томоннинг узил-кесил розилигини олиш учун келинникига тўққиз дастурхонда нозу-неъматлар, ширинликлар олиб боришган. Бу одат баъзи жойларда ҳозир ҳам сақланиб қолган. Ҳар бир дастурхондаги қатлама-юпатирларнинг сони тўққизга бўлишига эътибор беришган. Бу одатнинг бир кўриниши Тошкентда «тўққиз-тўққиз» деб юритилган. Айрим жойларда «тўққиз дастурхон» қуда томоннинг совчиларга муносабатини билдирувчи восита ролини ўтаган. Агар дастурхонлар жуфт қилиб қайтарилса, бу розилик аломати, мабода нозу неъматларга қўл тегизилмаса, бу рад жавоби берилганлигини билдирган.

Тилимизда «тўй бошлаган тўққиз» ибораси қўлланилади. Илгарилари тўйлардаги тортишув анъанасида ҳам тўққизлик рамзи мавжудлиги қайд қилинган. Қуда томон келинни беришга «рози бўлмай» келинни ушлаб туришади, шунда куёв томон ҳар хил совға саломлар билан уларни рози қилади. Шундан сўнг келинни беришади. Одатда, келиннинг яқинлари тўққиз хил таом ва совғалар билан сийланган.

Олдинлари ўғил уйлантирмоқчи бўлган оила тўққиз сидра сеп тайёрлагандан кейин совчиликка борган. Ҳатто қалин ҳисоби ҳам тўққизликлар билан белгиланган. Туркман этнографи А.Жикиевнинг ёзишича, салир, эрсари уруғлари одатига кўра қиз томонга бериладиган қалин миқдори, унга киритиладиган мол ва ашёлар сонидан қатъи назар, докуз – тўққиз деб юритилган. Машҳур венгер олими Ҳ.Вамбери Ўрта Осиё саёҳати даврида Хива хонлигидаги қалин тўлаш удуми ҳақида шундай деб ёзган эди: «Камбағалроқ одам икки тўққиз, яъни ўн саккизта, бойбадавлат кишилар ҳатто олти тўққиз ёки эллик тўртта мол берса, хонлик тўққиз-тўққиз ёки саксон битта мол билан қалин беришга ҳақли бўлган».

Қашқадарё воҳасининг Косон тумани ҳудудида яшаган қарлуқлар тўйдан бир неча кун аввал келинникига «тўққиз» юборишган. Бу тортиқ «тўққиз тўй» дейилган ва қудаларникига тўққиз қўй, тўққиз пуд буғдой, тўққиз пуд кишмиш, тўққиз кўйлак, тўққиз хил мато, тўққиз хил кийим-кечак, тўққиз хил рўзғор буюмларидан иборат «тўққизлик» юборилган. Кейинчалик тўй маросимларининг такомиллашуви натижасида тўққиз рақами куёвнинг келинга аталган махсус совғаси сифатида қўлланила бошланган. Ўзбек, қозоқ, тожикларда, Каспий бўйи туркманларида келиннинг кийим-кечак, рўзғор буюмларидан иборат сепи ҳам «тўққиз» деб юритилган.

Фольклорда, айниқса, тўққиз рақамига эътибор ўзгача: эртак қаҳрамонлари тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқада дунёга келармиш. Ғайриоддий суратда улғайган ботир тўққиз кеча-кундуз йўл юриб, илк бор қаҳрамонлик кўрсатганида эндигина тўққиз ёшга кирган бўлади. Тўққиз манзил, тўққиз кунлик, тўққиз йиллик, тўққиз ойлик, тўққиз чақирим йўл, тўққиз кунлик меҳнат, тўққиз кун адашмоқ иборалари қаҳрамон саргузаштларининг муддат белгилари ҳисобланади.

Афсонавий образларнинг айрим хусусиятларини бўрттириб тасвирлашда ҳам тўққизликлар қўлланилади. Рустаму достон бир ўтирганида тўққиз қўйнинг гўштини еб турса, Афсар дев тўққиз ботмон таёғини кифтига қўйиб юради. Авазхон билан пойгага чопишмоққа ҳозирланаётган Бўтакўз тўққиз тўқали камарини белига боғлайди.

Тўққиз рақамида қандайдир сир бор, деб ўйлаган боболаримиз ибтидоий эътиқодлари, маросим ва фольклор асарларда, удумларимизда бу рақамнинг анъанавийлашувига сабаб бўлган.

Аҳрор ОЧИЛОВ тайёрлади.
(Давоми бор).

ҲАРБИЙ ТЕХНИКА ШАРҲИ

ОЛТИ КОМПАНИЯ ҲАМКОРЛИГИДА



Япониянинг NAMC уюшмасига қарашли YS-11 русумли ҳарбий-транспорт самолёти устидаги ишлар 1957 йилдан бошлаб олтита миллий самолётсозлик компаниялари: «Фуджи», «Джэпэн эркрафт мэньюфэкчуринг», «Кавасаки», «Мицубиси», «Шин мейва» ва «Шоуа» ҳамкорлигида олиб борилган. Дастлабки иккита тажрибавий намуналардан биринчиси 1962 йил 30 августда ҳавога кўтарилган. Ишлаб чиқаришни якунлаш даврига келиб (1972 й.) бундай машиналардан 182 таси тайёрланган. Улар таркибида йўловчи ташувчи, юк ва йўловчи ташувчи, юк ташувчи ва бошқа вариантдаги самолётлар бор.

Айнан ҳарбий-ҳаво кучлари учун турли модификациядаги, яъни ўта нуфузли шахслар учун YS-11-103/105 русумли транспорт самолёти, YS-11A-218 русумли ҳарбий-транспорт, YS-11A-305 ва YS-11A-402 русумли транспорт, YS-11E русумли ўқув-машқ самолёти ишлаб чиқарилган. Ҳарбий-денгиз кучлари ҳарбий техникаси таркибида эса YS-11-112, YS-11A-206 ўқув-машқ ва YS-11A-400 юк ташувчи самоётлар мавжуд.

Самолёт экипажи 2 кишидан иборат, кучланиш қурилмаси ҳар бирининг қуввати 2457 кВт бўлган иккита «Роллс-Ройс Дарт Mk 542-10K» русумли турбовинт двигатели киради. Энг юқори тезлиги 4570 м баландликда соатига 470 км, энг баланд кўтарилиш нуқтаси 7000 м, максимал юк билан учиш узоқлиги 1090 км, максимал кўтарилиш оғирлиги 24500 кг. Самолётнинг узунлиги 26,3 м, баландлиги 8,98 м, қанот кўлами 32 м, қанот майдони 94,8 м.кв.

Япония мудофаа кучларидан ташқари Греция ҳарбий-ҳаво кучлари ҳарбий техникаси таркибига ҳам киради.

ТОҒ ШАРОИТЛАРИГА МОСЛАНГАН



Нишонни аниқлаш ва кўрсатиб бериш учун фойдаланиладиган «Фламинго» русумли радиолокация станцияси Франциянинг «Томсон-CSF» фирмаси томонидан ишлаб чиқилган ва Австриянинг ўта оғир йўллардан ҳам ўта олувчи OAF 32.403 VFAEG русумли автомобили шассисига ўрнатилган. Мазкур радиолокация станцияси 100 км. гача узоқликдаги паст учувчи ҳаво нишонларини аниқлаш, идентификациялаш, хавф даражасини белгилаш; «Мистраль» русумли кўчма зенит-ракета комплекси (ЗРК) жанговар расчётига нишон ҳақидаги кўрсатмаларни етказиб бериш учун мўлжалланган

Станциянинг геометрик ўлчовлари: узунлиги 10 м, эни 3,4 м, баландлиги (энг юқори кўтарилган антенна билан) 14 м. Ҳаммаси бўлиб Австрия қуролли кучларига 1998 йилдан буён 16 та «Фламинго» ва яна 6 та ўхшаш модификациядаги (паст учувчи ҳаво нишонларини аниқловчи РЛСлар) ана шундай техника етказиб берилган. Ташкилий жиҳатдан барча станциялар мамлакат ҳарбий ҳаво кучларининг зенит-артиллерия полклари таркибига киради ва Альп тоғларининг мураккаб рельефи шароитларида фойдаланилади.

«Мистраль» ЗРКни Франциянинг «Митра» фирмаси ишлаб чиққан, нишонни уриш узоқлиги 0,3 – 6 км, нишонга зарба бериш баландлиги 0,15 – 4 км, энг юқори нишон тезлиги 400 м/с, курс параметри 3 км.

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС



Италиянинг ғилдиракли VBC русумли пиёдалар жанговар машинаси (ғилдираклар формуласи 8x8) «Ивеко» компанияси мутахассислари томонидан шунга ўхшаш турдаги ўт очиш билан қўлловчи жанговар машина асосида яратилган. Машина корпуси тўлиқ пайвандланган, пўлат зирҳдан тайёрланган ва экипаж ҳамда машина қисмлари ва агрегатлари ҳимоясини таъминлайди. Механик-ҳайдовчи ўрни олд чап томонда, кучланиш қурилмаси эса унинг ўнг томонида жойлашган. Машинанинг ўрта қисмида, корпус томида 25 мм.ли «Эрликон» КВА автоматик тўпи ва 7,62 мм.ли жуфтланган MG пулемёти бўлган икки ўринли башня қурилмаси ўрнатилган. Башнянинг икки тарафида танкка қарши бошқарилувчи ракеталарни ишга тушириш қурилмаларидан иборат бўлган контейнерлар жойлаштирилган. Қуйруқ қисмида 6 нафар тўлиқ жиҳозланган пиёдалар жойлашиши мумкин. Машина маневрчанлиги 4 та олдинги ва 2 та орқа ғилдиракларнинг бурилиши ҳисобига таъминланади (минимал бурилиш радиуси 9 м). Жанговар машина қуввати 520 от кучига тенг бўлган олти цилиндрли V – шаклдаги дизел билан таъминланган бўлиб, бу шосседа максимал тезликни соатига 105 км.га етказиш имконини беради.

Асосий тактик-техник тавсифлари: жанговар оғирлиги 24 т, узунлиги 8 м, эни 3 м, баландлиги 1,98 м, башнянинг юқори элементи бўйича 2,82 м, юриш захираси 800 км. Машинага лазер масофа ўлчагич ва баллистик ҳисоблагичли замонавий ўт очишни бошқариш тизими ўрнатилган.

СОҒЛОМ ОИЛАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда қабул қилинган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органлари ходимлари зиммасига улкан масъулият юклади.

Қурилаётган янги оиланинг тамал тоши мустаҳкам шаклланиши учун, аввало, келин-куёв соғлом бўлиши зарур. Бу эса соғлом авлод дунёга келишининг энг муҳим шартларидандир.

ФҲДЁ ходимлари бундай хайрли ишларнинг аҳамиятини ёшлар онгига сингдириш, соғлом авлодни вояга етказиш, аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш борасида зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар. Тизимдаги мавжуд икки юздан зиёд идора ва никоҳ уйларидаги «Оила мактаби» ўқув дастурлари шу мақсадга хизмат қилянти. «Тиббий кўрик» бурчакларида эса мавзуга оид кўплаб маълумотлардан хабардор бўлиш мумкин.

Қарор кучга кирганидан буён мамлакатимизда тўрт юз мингдан зиёд никоҳ қайд этилиб, турмуш қурганларнинг деярли барчаси тиббий кўрикдан ўтди. Аниқланган айрим касалликларни никоҳдан олдин даволаш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Адлия вазирлигида ФҲДЁ органлари ходимлари иштирокида ўтказилган семинарда шулар ҳақида сўз борди. Тизимнинг масъул ходимлари иштирок этган тадбирда бу йўналишдаги камчиликларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

СКАНВОРД



Агар кимда бўлса
ақл, илм, зеҳн.
Уни мадҳ этиб сен,
тугал эр дегин,
Зиёд бўлса кимда ўқув,
ўқув, ақл, билим,
Ёмон ва кичик бўлса
ҳам мақтагин.
Юсуф Хос Ҳожиб

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

5 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

Хурматли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан душанба, 5 февраль куни «O'ZBEKISTON» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.

14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Таҳлилнома».
15.45 «Ватанпарвар».
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Сиз кутган учрашув».
18.00 «Аёл ва жамият».
18.20 «Оҳанглар оғушида».
18.30 «Ошин». Телесериал.
19.00 «Аъло ўйинчи».
Телелотерея.
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал премьераси.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Янги оҳанглар».
22.00 «Икки тақдир». Телесериал премьераси (Ҳиндистон).
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
23.25 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
9.20 Journal.
9.40 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили: «Матонат».
9.55, 12.55, 15.55 Иқлим.
10.00 Давр ҳафта ичида.
10.30 Эрта сўнган юлдузлар.
11.00 Жаҳон киноси: «Сеҳрланган Элла».
12.40 Ўсмирлар симфонияси.
13.00 Давр.
13.15, 16.15 Тафаккур нури.
13.20 «Навоий». Видеофильм.
14.00 ДаврА.
14.30 ЯНГИ КУН.
15.30 «Фан ҳақида 10 дақиқа».
15.40 Газал мулки.
16.00 Давр.
16.20 Интерфутбол.
17.50 Нафосат олами.
18.00 «Олтин тулпор дуоибади». Телесериал.
18.30 Дилрабо.
18.45 UzEX.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Қиш сонатаси». Сериал.
20.10 UzEX.
20.15 Наво-SMS.
20.30 Огоҳлик — давр талаби.
21.10 Эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 «Саломея». Сериал.
23.55 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Анонс».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «Анонс».
20.20 «Голливуд академияси».
Ҳужжатли фильм.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Анонс».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.45 «Анонс».
22.50 Жаҳон киноси дурдонаси. «Букри».
00.30 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Версия».
8.30 «Болалар спорти».
8.50 «Зоопарк в обувной коробке». Сериал.
9.05 «Малахов+».
10.00 «Талқин».
10.30 «Детективы».
11.00 «АВТОграф».
11.20 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
12.20 Биатлон.
Жаҳон чемпионати.
18.00 Мультфильм.
18.10 «Ким нимага қодир?»
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 Футбол шарҳи.
19.10 «Жди меня».
20.00 «Вести».
20.25 «Тет-а-тет».
20.35 «Любовь моя». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Спортивный кинозал: «Счастливчик Гилмар». Художественный фильм.
23.15 ПрофРИНГ.
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

6 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.55 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
«Болалар сайёраси»:
9.20 1. «Уйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Чангалзор китоби». Мультсериал.
10.30 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.50 «Молия ва банк хабарлари».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.10 ТВ анонс.
12.15 Навоий ривоятлари. «Шоҳ Фариб Мирзо». 1-қисм.
12.45 «Одамлардан бири».
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 Ватан ҳақида қўшиқлар.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Дил таронаси».
15.20 «Интеллектуал ринг».
16.05 ТВ анонс.
16.10 «Шахсий фикр».
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 ИИВ хабарлари.
17.35 «Оҳанглар оғушида».
17.50 «Рангин дунё».
18.15 «Агар Сиз».
18.35 «Сизнинг адвокатингиз».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари».
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Ернинг муносиб эгасини топиш — долзарб масала».
22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
23.25 Тунги наволар.

ЁШЛАР

17.55 Дастур очилиши.
18.00 «Олтин тулпор дуоибади». Телесериал.
18.30 Дилрабо.
18.45 ТВ-банк.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Қиш сонатаси». Сериал.
20.10 JOKER
телелотереяси.
20.15 Наво-SMS.
20.25 Давр мавзуси.
20.40 KINOMANIYA.
21.10 Эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 «Саломея». Сериал.
23.55 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Аёл қалби».
10.25 «Саломат бўлинг».
10.35 «Интервью».
10.50 «Букри».
17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Соғинч».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Голливуд академияси».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Премьера».
22.50 «Хитч услуби».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Болалар спорти.
8.35 «Зоопарк в обувной коробке».
9.05 «Малахов+».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Детективы».
10.50 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
11.50 Биатлон. Жаҳон чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Сам себе режиссёр».
19.35 «Баҳодирлар ўйини».
20.00 «Вести».
20.20 «Любовь моя». Сериал.
21.10 «Спорт — менинг ҳаётим».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Историческое кино: «Троя». Художественный фильм.
23.10 Еврофутбол. Голландия чемпионати. «ПСВ Эйндховен» — «АЗ Алкмаар».
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

7 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.55 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
«Болалар сайёраси»:
9.20 1. «Олтин тож». Телеўйин.
2. «Чангалзор китоби». Мультсериал.
10.25 ИИВ хабарлари.
10.40 «Банк ва мижоз».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари».
11.55 Олтин мерос.
12.05 «Ягона оилада».
12.25 Навоий ривоятлари. «Шоҳ Фариб Мирзо». 2-қисм.
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 Ватан ҳақида қўшиқлар.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Дил таронаси».
15.15 «Оддий ҳақиқатлар».
16.10 «Ернинг муносиб эгасини топиш — долзарб масала».
«Болалар сайёраси»:
16.30 1. «Бизнинг кутубхона».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Эркин иқтисодиёт».
17.40 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.10 «Бир асар тарихи».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Омад зарлари».
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
23.25 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
8.40 ТВ-банк.
8.50 Нафосат олами.
9.00 Давр.
9.15 Шоҳсупа.
9.35 Эврика.
9.50 Болалар табассуми.
9.55, 15.55 Иқлим.
10.00 Давр.
10.15, 13.15 Тафаккур нури.
10.20 Телетеатр: «Девона». 1-қисм.
11.15 KINOMANIYA.
11.45 ТВ-анонс.
11.50 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
13.00 Давр.
13.20 «Навоий». Видеофильм.
14.00 «Қиш сонатаси». Сериал.
14.30 ЯНГИ КУН.
15.30 «Фан ҳақида 10 дақиқа».
15.40 Газал мулки.
16.00 Давр.
16.15 Давр мавзуси.
16.30 Огоҳлик — давр талаби.
17.10 Таълим ва тараққиёт.
17.30 Истиқбол тимсоллари.
17.40 2007 — Ижтимоий ҳимоя йили: «Меъёр — соғлиқ гарови».
18.00 «Олтин тулпор дуоибади». Телесериал.
18.30 Дилрабо.
18.45 Каталог.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Қиш сонатаси». Сериал.
20.10 Спортлото.
20.15 Наво-SMS.
20.35 «Ташаббус-2007».
20.50 Автопатруль.
21.10 Эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 «Саломея». Сериал.
23.55 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Соғинч».
9.55 «Премьера».
10.30 «Репортаж».
10.40 «Нима учун?»
11.25 «Хитч услуби».
17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Мисли гавҳар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Колизей».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Юртим жамоли».
22.50 «Омадсизлар».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.35 «Зоопарк в обувной коробке». Сериал.
9.05 «Малахов+».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Детективы». (Запись).
10.50 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
11.50 «Ровесник».
12.10 «Кучли бешлик».
15.55 Футбол. Олимпиада ўйинларининг саралаш учрашуви. Ўзбекистон — Тожикистон терма жамоалари. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
17.50 Мультфильм.
18.00 «Хабарлар» (рус тилида).
18.20 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Ўзбекистон — Озарбайжон миллий терма жамоалари. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Вести».
20.25 «Тет-а-тет».
20.35 «Любовь моя». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Историческое кино: «Троя».
23.10 Еврофутбол. Англия чемпионати. «Чарлтон» — «Челси».
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

8 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
«Болалар сайёраси»:
9.10 1. «Кувноқ стартлар».
Телемусобақа.
2. «Чангалзор китоби». Мультсериал.
10.20 «Табаррук замин».
10.50 «Молия ва банк хабарлари».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.15 Навоий ривоятлари. «Бир матла тарихи».
12.40 «Рангин дунё».
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 Олтин мерос.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Дил таронаси».
15.20 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» хазинасидан.
«Болалар сайёраси»:
16.20 1. «Болалар дунёси».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 Эски альбом.
17.15 «Имконият».
17.35 «Шифокор қабулида».
17.55 ТВ-анонс.
18.00 «Қонун ҳимоясида».
18.20 «Умр мазмуни».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.15 «Сизнинг адвокатингиз».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
23.25 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
8.40 Автопатруль.
9.00 Давр.
9.15 Ў ким? Бу нима?
9.35 Спорт-старт.
9.45 Болажон.
9.55, 15.55 Иқлим.
10.00 Давр.
10.15, 13.15 Тафаккур нури.
10.20 Телетеатр: «Девона». 2-қисм.
11.35 Давр мавзуси.
11.50 Хазина.
12.05 «Оила тилсими».
А. Каххор.
12.25 ТВ-анонс.
12.30 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
13.00 Давр.
13.20 «Навоий». Видеофильм.
14.00 «Қиш сонатаси». Сериал.
14.30 ЯНГИ КУН.
15.30 «Фан ҳақида 10 дақиқа».
15.40 Газал мулки.
16.00 Давр.
16.15 Давр боласи.
16.30 Ватанпарвар.
17.30 Чемпион сирлари.
17.50 Ёшлар адабиёти.
18.00 «Олтин тулпор дуоибади». Телесериал.
18.30 Дилрабо.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Қиш сонатаси». Сериал.
20.10 Ватаним!
20.15 Наво-SMS.
20.35 Портретга чизгилар.
20.50 Бу шундай бўлган эди.
21.10 Эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 «Саломея». Сериал.
23.55 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Мисли гавҳар».
9.55 «Юртим жамоли».
10.35 «Интервью».
10.50 «Омадсизлар».
17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Иқтисод-ревю».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Келажакка интилиб».
22.50 «Кўтарасига арзон».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.35 «Зоопарк в обувной коробке». Сериал.
9.05 «Малахов +».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Детективы».
10.50 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
11.50 Теннис.
12.50 Биатлон. Жаҳон чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мониторинг».
19.10 «Шарқ яккакурашлари».
19.25 «Доханинг олтин қўёши».
20.00 «Вести».
20.20 «Любовь моя». Сериал.
21.10 Футбол мундиал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Беллашув». Дам олиш дастури.
22.50 Еврофутбол. Ўртоқлик учрашуви. Франция — Аргентина.
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

9 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
«Болалар сайёраси»:
9.15 1. «Цирк, цирк, цирк».
2. «Баҳром ва Дилором». Мультфильм.
9.50 «Алишер Навоий».
«O'zbektelefilm».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 Навоий ривоятлари. «Лутфий ва Навоий».
12.30 «Назм ва наво».
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 «Зилол».
Фольклор қўшиқлар.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Дил таронаси».
15.20 А. Навоий асари. «Искандар». А. Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театрининг спектакли.
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили. «Саломатлик» дастури.
17.35 «Ҳазрат Навоий». 1-қисм.
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Ҳидоят сари».
18.20 «Ҳазрат Навоий». 2-қисм.
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.15 «Бизнес янгиликлари».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бекат».
22.05 «Икки тақдир». Телесериал.
22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 «Сўнги совға». Бадиий фильм.
00.50 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
8.40 Чемпион сирлари.
9.00 Давр.
9.15 Болалар табассуми.
9.20 Истиқбол тимсоллари.
9.30 Ҳазина.
9.45 Ёшлар адабиёти.
9.55, 15.55 Иқлим.
10.00 Давр.
10.15, 13.15 Тафаккур нури.
10.20 Интерфутбол.
12.05 «Оила тилсими».
А. Каххор.
12.25 ТВ-анонс.
12.30 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
13.00 Давр.
13.20 «Навоий». Видеофильм.
14.00 «Қиш сонатаси». Сериал.
14.30 ЯНГИ КУН.
15.30 «Фан ҳақида 10 дақиқа».
15.40 Газал мулки.
16.00 Давр.
16.15 Давр боласи.
16.30 Истиқбол тимсоллари.
16.45 «Ташаббус-2007».
17.00 Илдиз ва япроқ.
17.20 Бу шундай бўлган эди.
17.40 Солиқ хизмати.
17.50 Давр-репортаж.
18.00 «Олтин тулпор дуоибади». Телесериал.
18.45 Сифат белгиси.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Қиш сонатаси». Сериал.
20.10 Спортлото.
20.15 Наво-SMS.
20.40 Дунё таомлари.
21.10 Эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 «Саломея». Сериал.
23.55 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Келажакка интилиб».
9.55 Мультфильм.
11.05 «Иқтисод-ревю».
11.20 «Кўтарасига арзон».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Колизей».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.50 «Шанхайлик шоввоз».
00.35 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Болалар спорти.
8.35 «Зоопарк в обувной коробке».
9.05 «Малахов+».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Детективы».
10.50 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
11.50 Снукер.
12.50 Биатлон.
Жаҳон чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Заповедники Узбекистана».
19.05 «Поле чудес».
20.00 «Вести».
20.20 «Любовь моя». Сериал.
21.10 «Жаҳон спорти юлдузлари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Семейное кино: «Честование». Художественный фильм.
23.40 Авторалли бўйича жаҳон чемпионати.
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

10 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.45 «Олтин тож».
Телевизион ўйин.
9.20 «Шифокор қабулида».
9.40 «Мусиқа дунёси».
10.00 1. «Рангинкамон».
2. «Дидар».
10.40 «Минг бир маслаҳат».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Заковат».
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 Олтин мерос.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Одам-амфибия». Бадиий фильм.
15.50 Ватан ҳақида қўшиқ.
«Болалар сайёраси»:
16.00 1. «Уйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 ТВ-анонс.
17.05 «Олтин бешик».
17.35 «Одами эрсанг».
17.55 «Оҳанглар оғушида».
18.05 «Саломатлик сирлари».
18.25 ТВ-анонс.
18.30 «Меҳр кўзда».
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Суперлото». Телелотерея.
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Қўшил қўшиқ истайди».
22.05 «CINEMA.UZ».
22.30 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.45 «Орзулар изтироби». Бадиий фильм.
00.30 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
8.40 Таълим ва тараққиёт.
9.00 Давр.
9.15 Бола тилидан.
9.45 Солиқ хизмати.
9.55 Иқлим.
10.00 Давр.
10.15, 13.15 Тафаккур нури.
10.20 Жаҳон киноси: «Илдам қадам».
12.05 Меъёр — соғлиқ гарови.
12.25, 13.55 ТВ-анонс.
12.30 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
13.00 Давр.
13.20 Ватаним!
13.30 Дунё таомлари.
14.00 «Қиш сонатаси». Сериал.
14.30 ЯНГИ КУН.
15.30 Давр-репортаж.
15.40 Учинчи қўнғироқ.
16.00 Давр.
16.15 Давр боласи.
16.30 «Кувноқ оёқчалар». Мультфильм.
18.20 Каталог.
18.30 Дилрабо.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 Эълонлар.
19.35 Наво-SMS.
19.50 Қилни қирқ ёриб.
20.35 Мўйқалам сеҳри.
21.10 «Дилроз». Нишон Қори.
21.40 «Айланай»
22.00 ДАВР.
22.30 Миллий кино: «Роузлар жанги».
00.10 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20 «Телекурьер-маркет».
9.45 «Дилкаш наволар»: Н. Абдуллаева.
10.10 «Маърифат фидойилари».
10.25 «Саломат бўлинг».
11.10 Мультфильм.
12.20 «Репортаж».
12.30 «Шанхайлик шоввоз».
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Гвадалупе». Телесериал.
19.45 «ИИВ хабарлари».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Камин олдида суҳбат».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Истеъдод».
22.50 «Шанхайлик рицарлар».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Чужая планета». Документальный сериал.
8.40 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 «Бодрое утро».
10.00 Мультфильм.
10.20 «Смак».
10.55 «Военное дело».
11.15 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
12.15 Теннис. Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Ҳиндистон терма жамоалари.
13.15 «Зверинец».
14.00 Теннис. Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Ҳиндистон терма жамоалари.
15.00 Иқтидор. Интеллектуал шоу дастури.
18.00 «Болалар спорти».
18.20 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Халқ ўйинлари».
19.10 «Стать ближе». Шоу программа.
20.00 «Вести».
20.20 «Розыгрыш».
21.10 «Ровесник».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Смешное кино: «Отпетые мошенники». Художественный фильм.
23.35 Еврофутбол.
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

11 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.45 «Билмасвой ва Барабас». Мультфильм.
10.00 «Саломатлик сирлари».
10.20 «Оила ришталари». Телесериал.
10.55 ТВ-анонс.
11.00 «Дам бу дамдир».
11.45 «Ҳажвия бисотидан».
12.05 «Янги оҳанглар».
12.30 «КиноТеатр».
12.50 «Кейт ва Лео». Бадиий фильм.
14.45 «50х50». Ток-шоу.
15.35 Ватан ҳақида қўшиқ.
15.45 «Жиддий ўйин».
16.40 ТВ-анонс.
«Болалар сайёраси»:
16.45 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
2. «Топилмалар идораси». Мультфильм.
17.50 «Оҳанглар оғушида».
18.00 «Қалпоқ». Ҳажвий кўрсатув.
18.30 ТВ-анонс.
18.35 «Интеллектуал ринг».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ-анонс.
21.50 «Кўҳна оҳанглар».
22.10 «Ҳаммаси яхши бўлади». Бадиий фильм.
23.40 Тунги наволар.

ЁШЛАР

6.55 Дастур очилиши.
7.00 «Қиш сонатаси». Сериал.
9.30 Болалар давраси.
10.00 ВАТАНПАРВАР.
11.00 Journal.
11.20 Комедия: «Ўрдаккўл воқеаси».
12.25 ТВ-анонс.
12.30 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
15.00 Сифат белгиси.
15.10 Рўзғор мактаби.
15.30 Газал мулки.
15.50 Ринг қироллари.
16.40 Чемпион сирлари.
17.00 Жаҳон киноси: «Ҳаёт пульти».
18.30 Дилрабо.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр ҳафта ичида.
19.30 «Ошуфта». Эркин Худойқулов.
20.00 KINOMANIYA.
20.30 «Ўрмон аҳли». Мультфильм премьераси.
22.00 Ҳинд киноси: «Паринита».
00.10 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20, 12.15 «Телекурьер-маркет».
9.40 «ИИВ хабарлари».
10.00 «Интервью».
10.20 «Истеъдод».
10.45 «Ўттан куплар».
13.00 Мультфильм.
14.10 «Камин олдида суҳбат».
14.40 «Шанхайлик рицарлар».
16.25 «Анонс».
16.30 «Жозиба».
16.50 «Телекурьер-маркет».
17.10 «Саргузаштлар ороли».
17.35 «Ягонам ўзинг».
20.30 «Шунақа гаплар».
20.50 CINEMA.UZ.
21.20 «Туризм ҳақида».
21.50 Якшанба кинозали: «Мэверик».
23.50 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Кувноқ стартлар».
8.30 «Хабарлар» (рус тилида).
8.50 Мультфильм.
9.00 «Бардам бўлинг».
10.00 «Табассум».
10.10 «Непутёвые заметки».
10.30 «Пока все дома».
11.20 «Ералаш».
12.00 «Рақибингиз гроссмейстер».
12.25 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
13.25 Теннис. Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Ҳиндистон терма жамоалари.
14.25 «Проф-РИНГ».
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
19.00 «Спорт уик-энд».
19.40 «Тайм-аут».
20.00 «Вести».
20.20 «Келин-куёв». Шоу дастури.
21.30 «Талқин». Информационно-таҳлилий кўрсатув.
22.00 «Цена сокровищ». Художественный фильм.
23.25 Еврофутбол. Германия чемпионати.

Телевизионная программа предоставлена ООО «САДО».

Астрологический прогноз

ОВЕН



У вас будет выбор: взять отпуск и отдохнуть или реализовать творческие планы. Поддержите свои дела на приемлемом уровне и оперативно действуйте при крайней необходимости. Удача будет плыть прямо вам в руки.

ТЕЛЕЦ

ПАРВОЗИНГИЗ ЮКСАК БЎЛАВЕРСИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунда "Мамлакатимиз авиакомпанияси ҳам дунёда суверен Ўзбекистонни муносиб намоён этмоқда. Бу ҳам мустақиллигимизнинг яна бир неъматидир", деган ўй хаёлимдан кечади.

Мустақилликка эришганимизга 15 йил бўлди, бу тарих нуқтаи назаридан, албатта унчалик катта муддат эмас. Аммо биргина "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси эришган ютуқларни эътиборга оладиган бўлсак, ўтган вақт ичида кўп ишлар қилинди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1992 йил 28 январда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпаниясини ташкил этиш тўғрисидаги фармонни имзолади ва у миллий авиаташувчи мақомини олди. Мамлакатимиз ИКАО – Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Миллий авиакомпаниямиз эса Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси – ИАТАда рўйхатдан ўтди.

Шундан буён ўтган вақт мобайнида миллий авиакомпаниямиз қитъанинг етакчи авиаташувчилари қаторига қўшилди. Ўзбекистон ҳаво лайнерлари дунёнинг 40 дан ортиқ шаҳрига парвоз қилмоқда. 24 мамлакатда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" компаниясининг ваколатхоналари очилган, ўнлаб компания ва фирмалар у билан ҳамкорлик қилмоқда. Ҳар куни ўнлаб рейслар амалга оширилмоқда, бир йилда 2 миллионга яқин йўловчи ташилмоқда.

Авиакомпания ташкил этилган пайтда унинг паркини 1970-1980 йилларда ишлаб чиқарилган анчайин эскирган самолётлар ташкил этарди. Уларга кўп ёқилғи сарфланар, йўловчилар учун яратилган қулайликлар ҳам талаб даражасида эмасди. Шубҳасиз, ҳаво кемалари паркини тубдан янгиламасдан туриб дунё авиаташувчилар бозоридан жой олиш қийин эди.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан Республика фуқаролик авиациясини ривожлантириш давлат дастури ишлаб чиқилди. Унда самолёт паркини модернизация қилиш, ғарбда ишлаб чиқарилган лайнерларга техник хизмат кўрсатиш бўйича замонавий база ташкил этиш, ер усти инфратузилмасини ривожлантириш, парвозларни бошқариш тизимини тубдан реконструкция қилиш, ўзимизда юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш кўзда тутилган эди.

Авиакомпания хорижий кредитларни жалб қилиш эвазига самолёт паркини модернизация қилди. Бугун миллий авиакомпанияда 16 та замонавий ҳаво кемаси бор. Булар Америка Қўшма Штатларида ишлаб чиқарилган "Боинг-767-300 ER" ва "Боинг-757-200", Европа мамлакатларида ишлаб чиқарилган "А-310" ва "RJ-85" самолётларидир. Улар хорижий мамлакатларга юк ва йўловчи ташишларнинг деярли ҳаммаси, республика ичида эса рейсларнинг бир қисмини амалга оширмоқда. Ҳозир уларнинг сафига "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилган ўрта масофага учувчи "Ил-114-100" ва "Ил-76" юк самолётлари ҳам қўшилди. Шу тариқа тижорат мақсадларида юк ва йўловчи ташиш ҳажми билан парвозлар олислиги ўртасидаги мутаносибликка, ёқилғидан самарали фойдаланишга, қулайлик ва хавфсизликка эришилди.

Янги турдаги самолётлардан фойдаланиш ер устидаги техник базани янгилашни талаб этди. Ҳукумат дастурига мувофиқ пойтахтимиз ва қатор вилоят марказларидаги аэропортлар тўлиқ модернизация қилинди. "Тошкент" аэропортидан ташқари, миллий авиакомпания таркибига кирадиган 12 та аэропортдан мамлакатимизнинг сайёҳлик марказларида жойлашган "Самарқанд", "Бухоро", "Урганч" ва "Термиз" аэропортлари халқаро мақомга эга бўлди. Бу аэропортларнинг учиш-қўниш йўллари ва терминаллари реконструкция қилинганидан сўнг барча турдаги замонавий авиалайнерларни қабул қилиш имконияти яратилди.

"Тошкент" Марказий Осиёдаги энг йирик аэропорт ҳисобланади. Мамлакатимизда халқаро йўловчи ташишнинг қарийб 90 фоизи мазкур аэропорт орқали амалга оширилади. У ИКАО андозаларига тўла мувофиқ тарзда таъмирланган. Аэропортни замонавий техника билан жиҳозлаш давом этмоқда. Унинг транзит залида йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича модернизация ишлари бошланди.

Республикамиздаги мавжуд аэропортлар тармоғи мамлакатимиз ичида тезкор ҳаво қатнови, шунингдек, уларнинг хорижий давлатлар билан алоқасини таъминлайдиган давлат транспорт инфратузилмасининг муҳим қисми саналади.

Парвозлар хавфсизлиги ва мураккаб авиация техникасидан фойдаланиш халқаро талаблари парвозларни бошқаришнинг энг янги тизимини ташкил этишни тақозо қилади. Замонавий фуқаро авиациясининг ушбу зарур таркибий қисми ҳам тўлиқ янгилашга муҳтож эди.

1996 йилнинг декабрида қисқа вақт ичида "Тошкент" халқаро аэропортида Парвозларни бошқаришнинг автоматлаштирилган маркази ишга туширилди. Марказ мутахассислари Франциянинг Руан ва Париж шаҳарларида "Томсон" фирмаси базасида тайёргарликдан ўтди. Ҳозир энг замонавий диспетчерлик ва навигация тизимлари билан жиҳозланган ушбу корхона барча халқаро талабларга мос келади. "Ўзаэронавигация" маркази Ўзбекистоннинг ҳаво кенглигида самолётлар ҳаракатини бошқариш, янги ҳаво йўлларини очиш имконини беради. Йўлдош алоқа тизими эса нафақат Ўзбекистон, балки қўшни давлатлар ҳаво кенглигидаги вазиятни кузатишга имкон яратади. Парвозлар хавфсизлиги ҳам анча ошди.

Айни пайтда ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш марказининг ташкил этилиши яна бир муҳим қадам бўлди. Дунёда бундай самолётларга эга авиакомпаниялар С-4-Check ёки IL- Checkни амалга ошириш учун ("Боинг"ларни ҳар 72 ой ва "А-310" самолётларини эса ҳар 60 ойда капитал таъмирлаш) одатда, ушбу йўналишда ихтисослаштирилган компания ва фирмаларга мурожаат қилади. Дастлаб миллий авиакомпаниямиз лайнерларига ҳам "Lufthansa Technik" компаниясида ана шундай техник хизмат кўрсатилар эди.

1998 йилнинг октябридан техник хизмат кўрсатиш маркази Тошкент авиатаъмирлаш заводи ва миллий авиакомпаниянинг авиация-техник комплекси мутахассисларининг биргаликдаги саъй-ҳаракати туфайли "А-310", 1999 йилдан буён "Боинг-767" ва "RJ-85", 2000 йилдан бошлаб эса "Боинг-757" самолётларига техник хизмат кўрсатиб келмоқда.

2002 йилда Тошкентдаги 243-авиатаъмирлаш заводи "Uzbekistan Airways Tehcnics" авиация корхонасига айлантирилди. Ғарбда ишлаб чиқарилган авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш маркази эса унинг асосий таркибий қисмига айланди. Бу йирик авиакорхона ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича қатор ваколатли миллий, Европа ва халқаро ташкилотлар сертификатлари билан тасдиқланган ҳуқуқни қўлга киритди.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ТАЛАБЛАРИНИ ТЎЛИҚ ТАЪМИНЛАШ ҲАР ҚАНДАЙ АВИАКОМПАНИЯНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИДИР. МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯМИЗ ЙЎЛОВЧИЛАРГА ЮҚОРИ СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

"Uzbekistan Airways Tehcnics" корхонаси миллий авиакомпаниянинг барча турдаги ҳаво кемаларга техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ эҳтиёжини тўлиқ таъминлайди, валюта харажатларини камайтириб, экспорт салоҳиятини ошириш имконини беради. У МДҲ, Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари авиакомпанияларининг ҳам ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларига техник хизмат кўрсатмоқда. Буюртмачиларни бу ердаги юқори савияда техник хизмат кўрсатиш, муддатларга қатъий риоя қилиш, мослашувчан нарх сиёсати ўзига жалб қилмоқда.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" замонавий самолётлар билан таъминлангани, парвозлар хавфсизлиги, авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш даражаси бўйича МДҲда энг яхши компаниялардан бири ҳисобланиши бежиз эмас. Унинг кўплаб мукофотларга сазовор бўлгани ҳам буни исботлайди. 1997 йилда авиакомпаниямиз Халқаро авиация хавфсизлиги жамғармасининг "Парвозлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги буюк хизматлари учун" нуфузли дипломи билан тақдирланди. 2000 йилда эса ушбу жамғарманинг парвозлар хавфсизлиги учун фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Москвада ўтказилган 26-халқаро конференцияда "Тошкент" аэропорти 2003 йилнинг энг яхши аэропорти деб топилди. "Самарқанд" аэропорти ҳам ўз номинациясида шундай номга сазовор бўлди. 2005 йилда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси Жаҳон хавфсизлик жамғармаси президентининг "Парвозлар хавфсизлиги соҳасидаги ютуқлари учун" фахрий дипломи ва "Боинг" компаниясининг ушбу турдаги самолётлардан 10 йил мобайнида фойдаланиш борасида қўлга киритилган "Парвозлар хавфсизлиги ва ишончлилигининг юқори кўрсаткичлари учун" эсдалик нишонига сазовор бўлди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" бошқа авиакомпаниялардан фарқли ўлароқ, нафақат кенг кўламли авиация хизматларини кўрсатиш, балки аэропортлар мажмуини бошқаришга ҳам ихтисослашган. Унинг учувчи, муҳандис-техниклари, ҳаракат хизмати ходимлари АҚШ ва Европа фуқаро авиациясининг етакчи марказларида назарий ҳамда амалий тайёргарликдан ўтган. Бугунги кунда халқаро сертификатга эга Тошкент ўқув-машғулот маркази ҳам шундай марказлар сирасига киради. Бу ерда ходимларни ўқитиш жараёнида ўз вазифаларини бекамикўст бажариш кўникмаларига эга бўлиш ва амалий тажриба орттириш имконини берадиган компьютер ўқув дастурлари ва машқ тренажёрларидан фойдаланилади.

Истеъмолчилар талабларини тўлиқ таъминлаш ҳар қандай авиакомпаниянинг устувор вазифаларидан биридир. Миллий авиакомпаниямиз йўловчиларга юқори сифатли хизмат кўрсатишни кафолатлайди. Ўтган йили "Ўзбекистон ҳаво йўллари"ни 2010 йилгача ривожлантириш бўйича махсус комплекс режа қабул қилинди. Йўловчилар учун қулайликлар даражаси ва парвозлар хавфсизлигини оширишга қаратилган кенг кўламли таклиф ҳамда хизматларни амалга ошириш мўлжалланган. Масалан, 2008 йил бошида электрон тўлов хизматларидан фойдаланган ҳолда, чипта сотиб олишнинг янги тизимини жорий этиш режалаштирилмоқда. Энди Ўзбекистонда авиачипталарни Интернет орқали сотиб олиш имконияти пайдо бўлади.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бош директори Валерий Тяннинг айтишича, авиакомпания ҳаво флотини унификация қилиш ва ҳаво кемалари турлари сонини камайтириш борасида иш олиб бормоқда. Эски самолётлардан деярли фойдаланилмаяпти. "Ан-24" ва "Як-40" самолётлари ўзимизда ишлаб чиқарилган янги "Ил-114-100" лайнерлари билан аста-секин тўлиқ алмаштирилади. Республикамиз Раҳбарияти авиакомпаниянинг яна 10 та ўрта масофага парвоз қиладиган самолёт сотиб олиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади. Бу лайнерларни дунёда иккита етакчи "Боинг" ва "Эйрбас" компаниялари ишлаб чиқаради. Бу борада етказиб бериш бўйича энг яхши шартларни таклиф этадиган ва янги машиналардан фойдаланишни тўлиқ таъминлайдиган компания самолётлари танланади.

Халқаро авиаташувлар бозорида рақобат кун сайин кучайиб бормоқда. Бу бозорда авиапаркини ўз вақтида янгилаб, энг янги фойдаланиш тизимларини жорий этадиган, йўловчилар хавфсизлиги ва уларга хизмат кўрсатиш даражасини оширадиган, ўз фаолиятини кенгайтирадиган авиакомпанияларгина муносиб ўрин эгаллайди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" ҳам айнан шу йўналишда ҳаракат қилишга интилмоқда. Бу борада кўпгина шаҳар ва мамлакатларга парвозлар амалга оширилмоқда, янги йўналишлар очилмоқда. 2006 йилда Ўзбекистон авиакомпанияси Урумчи (Хитой) ва Лахорга (Покистон) авиақатновларни йўлга қўйди. Бошқа рейсларни очиш масалалари ҳам ишлаб чиқилмоқда. Мисол учун, жорий йилда Тошкент-Милан йўналиши бўйича парвозларни ташкил этиш режалаштирилмоқда.

2006 йил якунлари йўловчи ва юк ташиш суръати ўсганлигини кўрсатди. Ўтган йили 1 миллион 700 мингга яқин йўловчи ташилди. Бу эса 2005 йилга нисбатан 1,6 фоиз кўп. 19,4 минг тонна ёқилғи ёки 13,7 миллион доллар тежаб қолинди. Бундай кўрсаткичга эски самолётларни фойдаланишдан олиб ташлаш ва уларни тежамкор техника билан алмаштириш туфайли эришилди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси 15 йил мобайнида катта ривожланиш йўлини босиб ўтди ва ишонч билан олға ҳаракат қилмоқда. Бугун авиакомпанияда қарийб 14 минг киши, олтмиш миллат вакиллари меҳнат қилмоқда. Улар фуқаро авиациясининг мураккаб кўп тармоқли мажмуи бир маромда ва ишончли фаолият юритиши учун сидқидилдан ишламоқда.

Олдинда янги марралар турибди. Албатта, бу борада қийинчиликлар ҳам бўлади, аммо улар бардош билан енгиб ўтилади ва шубҳасиз, қўлга киритилган муваффақиятлар янги ютуқлар сари интилишга чорлайди. Кўп минг кишилик авиакомпания жамоаси олдида эса самолёт паркини янада яхшилаш, янги йўналишларни ўзлаштириш, миллий авиакомпания рейсларига янада кўпроқ йўловчиларни жалб этиш ҳамда парвозлар хавфсизлигини ошириш билан боғлиқ мураккаб вазифалар турибди.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.



НОЁБ ГАВҲАР – ҚОРАКЎЛИМСАН

(Давоми. Боши 1-бетда).



Баъзи бир манбаларда бундан ўн беш асрча муқаддам Қизилқумнинг саҳроларида қорақўл қўйлари боқилгани келтириб ўтилади. Тўққизинчи асрда яшаган араб сайёҳи Ибн Хаукал Бухорода бўлганида қорақўл қўйлар ҳақидаги қимматли маълумотларни қоғозга тушириб қайтган. Жаҳонгашта Марко Поло ҳам ўз асарларида Бухоро қорақўли ҳақида маълумотлар келтириб ўтади.

Шундай маълумот бор. Ўз даврида Бухоро амири фармон бериб, қорақўл қўйларининг – миллий бойликнинг четга чиқишини қатъиян тақиқлаб қўйган. Фақаттина 1910 йилда Германия элчиси амир кўнглига йўл топиб, ўзи билан қорақўл қўйларини олиб кетишга мушарраф бўлади. Аниқроғи, унга йигирмата қўй, иккита қўчқор инъом қилинади. Буни қарангки, немис мутахассислари айнан юртимиз иқлимига ўхшаш жойни излаб топишади ва у ерда қорақўлчиликни ривожлантиришга ҳаракат қилишади. Бу мамлакат Намибия бўлиб чиқади. Намибияда қорақўл қўйлар маҳаллий шароитга мослашганига ишонч ҳосил қилингач, яна Бухородан элликта қўй, ўн иккита қўчқор олиб кетилади. Буни қарангки, у ерда қорақўл қўйларимиз маҳаллий қўй зотлари билан чатиштирилиб, қимматбаҳо мўйна берувчи «Свакра» зоти олинишига муваффақ бўлинган. Бугунги кунда «Свакра» – қорақўлнинг «издоши» сифат кўрсаткичлари бўйича дунёда етакчи ўринда тураркан.

Ўрақул амаким чорвачиликка ихтисослашган хўжаликда бош муҳандис вазифасида ишларди. Шўролар даврида сифат эмас, сон кетидан қувишлар бўлганини яхши биламиз. Бу асрлар давомида миллий ифтихоримиз, бойлигимиз айланиб келган қорақўлчиликка ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Амаким бир неча бора нолиб, куйиниб гапирганларини биламан. «Давлатга қорақўл эмас, гўшт керак. Ҳар бош совлиқдан иккитадан қўзи оламиз, деб қорақўл қўйларимизнинг наслини бузишяпти, гавҳарга тенг қорақўлнинг сифатига таъсир кўрсатишяпти», деган гаплари ҳали-ҳануз қулоғим остида жаранглаб тургандек.

Истиқлолга эришилгандан сўнг қорақўлчиликка улкан эътибор бериб келинмоқда. Бунда чорвачилик соҳасидаги иқтисодий ислоҳотларни такомиллаштириш борасидаги устувор мақсадлар ва бу йўлдаги дадил одимларимиз муҳим аҳамият касб этмоқда. Ихтисослаштирилган йирик қорақўлчилик хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш соҳасида муҳим ўзгаришларга олиб келмоқда. Айниқса, наслчиликка бўлган юксак эътиборни алоҳида таъкидлаш ўринли. 1998 йилнинг 13 июнида Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва қорақўлчиликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида «Ўзбек қорақўли» компаниясига асос солинди.

Маълумки, мамлакатимизнинг Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида донғи дунёга кетган, офтобда гавҳар сингари тобланадиган қорақўл етиштирилади. Хўш, қорақўлчиликнинг бугунги аҳволи, истиқболи қандай, деган савол туғилади.

Табиийки, соҳа истиқболи унда янада ноёб турларни кашф этиш, маҳсулотлар сифатини ошириш, наслчилик борасидаги илғор тажрибаларни татбиқ этишга ҳар жиҳатдан боғлиқ. Таъкидлаш лозимки, бу борада Самарқанддаги Ўзбекистон Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти самарали иш юритиб келмоқда. Институтда амалга оширилиб келинаётган самарали ишлар натижасида кўплаб тадқиқотлар қилиндики, бу қорақўлчиликнинг ривожига улкан улуш қўшмоқда. Масалан, чўл яйловлари ҳосилдорлигини ошириш, қорақўл гуллари шаклланишининг назарий асослари, қорақўл қўйлари ранглари, туслари, муҳим селекцион белгиларининг наслга ўтиши ҳамда ўзгарувчанлиги билан боғлиқ тадқиқотларни олайлик. Келинг, яхшиси бу борада институт бош директори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Суръат Юсуповнинг фикрларига қулоқ тутайлик:

– Жамоамизнинг фаолияти учта давлат илмий-техник дастурлари миқёсида чўл чорвачилигининг, жумладан, қорақўлчилик, эчкичилик, туячилик, шунингдек, чўлда озуқа ишлаб чиқариш бўйича мавжуд долзарб муаммоларни ечишга қаратилди. Наслчилик заводлари, наслчилик ва товар ишлаб чиқарувчи хўжаликларда олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида сермаҳсул подалар яратишнинг селекцион-биотехнологик усулларини ишлаб чиқиш, турли экологик шароитларда (қумли, шувоқ, эфемерли чўл) сур қорақўл қўйларининг «Сарибел» ва «Ўзбекистон», қора рангдаги қовурғасимон типли қўйларнинг «Авазчўл» завод типини, шунингдек, туялар ва эчкиларнинг сермаҳсул селекцион гуруҳларини яратишга эришилди. Ишлаб чиқаришга қорақўл қўйларини урчитишнинг юқори самара берувчи воситалари, арзон озуқа тайёрлаш ва қўзиларни боқишнинг самарали технологиялари таклиф этилди.

Майор Шерзод АЛИЕВ.
(Давоми бор).

БЫТЬ ВСЕГДА НАЧЕКУ!

У каждого человека чувство патриотизма усиливается от понимания того, как нам дорого независимое Отечество свободных и равных людей, и ясного осознания нашего долга перед ним.

После провозглашения Узбекистаном своей независимости мы стали более уверенными в себе, более свободными, каждый ощутил себя неотъемлемой частицей Родины. Говорят, что сила патриотизма пропорциональна количеству вложенного личного труда на благо Родины. Это справедливое суждение. Тот, кто по-настоящему любит Родину, во всех отношениях истинный человек-патриот.

Чувство любви к Родине интимное, индивидуальное, конкретно связанное с самой сущностью человека. Патриотизм неотрывен от духовного мира личности, ее нравственного содержания, глубины мысли, идейной направленности.

Долг – это священное чувство.

Честь – это одна из струн твоей души, при прикосновении к которой затрагивается сама сущность твоего сознания.

Совесть – недремлющий страж твоих ощущений и чувств.

Верность Отечеству, патриотизм, гражданское единство, межнациональное согласие – вот та почва, на которой строится независимое государство Узбекистан. Мы обязаны помнить подвиги наших отцов и дедов и учиться у них великим человеческим качествам: беречь Родину, уметь охранять и защищать ее.

К сожалению, еще есть те, кто не оставляет попыток свернуть нас с избранного пути, помешать интегрироваться в сообщество передовых, процветающих государств, загнать в тупик, закрыть двери перед нашей молодежью, которой независимость открыла большие возможности для духовного и интеллектуального развития, вернуть в омут средневекового невежества. Однако наш народ никогда не останавливается на достигнутом. Он всегда шел и будет идти вперед, преодолевая трудности и препятствия.

Наш многонациональный народ вместе со всем прогрессивным человечеством устремлен в будущее. Мы должны быть бдительными, всегда быть начеку!

Ринат ЯФАРОВ.
г.Бекабад.

МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

Умримиз ҳаёт абадияти олдида киприк қоққанчалик оз фурсатдир. Шу умрни мангуликка қандай қилиб менгзай оламиз? Қай йўсинда бу киприк қоққанчалик муддатни барҳаётлик довонига олиб чиқамиз? Албатта, буюк маънавий қудрат билан, ўз миллий мафкурамиз билан шундай чўққини забт эта оламиз.

Инсон бу дунёга нафақат ейишичун, қорин тўйғазиш, атласу адрас кийиш учун келади. Балки ўзидан яхшилик нурини таратиш, инсонларни эзгуликка чорлаш, юртни оташин бир муҳаббат билан севиб, ўзидан яхши ном қолдириш ва ниҳоят, ўзининг файзу барокатга йўғрилган умрини авлодларга дарс, сабоққа айлантириш муддаоси билан ҳам яшайди. Мана шу муддао бизнинг кўнглимиз истаган, нурли манзилларга элтувчи бош йўлимиз-мафкурамизнинг тамал тошидир.

Тарихимизнинг қайси бир даврига назар солмайлик, ўша даврнинг даҳолари маданият, маънавият, маърифат хусусида жон чекиб қайғурганининг гувоҳи бўламиз. Мана шу қайғуришнинг самараси ўлароқ ажойиб маънавий меросимиз бўлган тарихий асарлар дунёга келди. Президентимиз бу ҳақида шундай деган эдилар: «Халқимизнинг маънавий пойдевори, давлатимизнинг таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам... Халқимизнинг таянчи аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи бир катта хазина». Бу хазина эса аввало қадимий қўлёзмаларда яширинган. Ҳар бир қўлёзмани очсангиз, илоҳий бир нур саҳифалардан ярқ этаёгандек бўлади. Бу нурнинг ҳар ярқ этишидан ўқийсиз: «Ватанни севмоқ имондандир», «Миллатнинг дардига дармон бўлингиз»...

Қани айтинг-чи, шу табаррук атамаларнинг қайси бирида энг юксак инсоний фазилатлар ёритилмаган? Энг мукаррам хислатлар қайд этилмаган? Ахир аждодларимиз шу битиклардан ўқиб-ўрганиб, улардаги ҳикматларга амал қилишган-ку. Чунки бизнинг аждодларимиз ҳам ўз даврида маърифатга, маънавиятга жуда катта эътибор беришган. Шу билан бирга инсоннинг маърифатли бўлишида энг аввало яхши китоб ҳамиша йўлдош эканлигини ҳам англаб етганлар.

Бизнинг қалбимизда улкан бир дарахт ўсади. Унинг илдизи бизнинг жон томиримизга уланган. Жон томиримиз тафаккур булоғидан сув ичади. Тафаккур булоғига эса китоб деб аталмиш ирмоқдан мусаффо оби-ҳаёт келади.

Кўчада кетаётганингизда рўпарангиздан беш-олти нафар йигит-қизлар бепарво, ҳатто салом ҳам бермай ўтиб кетди. Дилингиз оғрийди. Нега? Шунинг учунки, қалбингиздаги дарахтнинг илдизи шу оддий одобга туташ. Инсон ёлғиз ўзи туғилади, лекин ёлғиз яшолмайди. Чунки кўпчилик билан бирга бўлса, илҳом чашмаси қайнаб туради. Қалбимиздаги дарахтнинг томири ҳам шу чашмага туташ. Ундан эса эзгу фазилатлар, хислатлар, удумлар йиғилиб, маънавият уммонини ҳосил қилади. Бу уммон эса ўз навбатида халқнинг, миллатнинг мафкурасига пойдевор бўлади, десак тўғри бўлади.

Мусақиллигимизнинг ўн бешинчи йилида яшаяпмиз. Айтиш мумкин, бу йиллар нафақат сиёсий барқарорлик, иқтисодий юксалиш, балки маънавият, маърифатни тиклаш, миллий мафкурамизни яратиш йиллари ҳам бўлди. Шундай экан, ғояга қарши ғоя, фикрга-қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқ учун кўнгилларимизни маърифат мавжлари билан мунаввар қилишимиз даркор.

Гулнора ТУРСУНБОЕВА.

2007 год – Год социальной защиты

ОКРУЖЕНЫ ВНИМАНИЕМ И ЗАБОТОЙ

Ветеранская организация воинской части Караульных войск, где служит офицер Т.Халиков, насчитывает в своих рядах около полторы сотни ветеранов. Почти половина ее состава – это люди в возрасте 60 и более лет, а пятнадцать человек – участники Второй мировой войны. Здесь же и старейший ветеран войск – 88-летний старшина в отставке Иван Кондратьевич Базарный. Все они, как правило, профессионалы военного дела, мастера организации боевой службы, учебного процесса и воспитательной работы с военнослужащими, до тонкостей знающие те участки воинской службы, на которых они трудились в свое время не один год.

В части постоянно уделяется должное внимание ветеранам, проявляется необходимая забота о них.

– Наши ветераны, – говорит председатель совета ветеранов части полковник в отставке А.Абдурахманов, – частые и всегда желанные люди в части. Они ведут большую воспитательную и наставническую работу, и с их активным участием и помощью проходят тематические вечера, встречи новых пополнений и проводы в резерв выслуживших установленный срок службы, торжественные мероприятия, связанные с принятием Военной присяги, вручением новобранцам боевого оружия и началом боевой учебы. Командование части не забывает о ветеранах, вникает в их нужды, не оставляет без внимания ни одну их просьбу и ходатайство совета, обязательно организует поздравление ветеранов с праздниками, а юбиляров – с днем рождения. Такое заботливое отношение придает ветеранам бодрости, они не чувствуют себя забытыми и оторванными от своих воинских коллективов.

И совсем недавно на мероприятия в связи с 50-летним юбилеем образования части командование пригласило на встречу более сорока ветеранов, которые имели возможность узнать о делах в части, встретиться с личным составом и поделиться своим богатым опытом, пообщаться с теми, с кем вместе преодолевали трудности воинской службы.

Многие военнослужащие были поощрены за усердие в службе приказами командующего войсками и командира части, а ветераны награждены денежными премиями. Такие же праздничные мероприятия с участием ветеранов прошли и во всех подразделениях части.

– Мы искренне признательны и благодарны, – сказал ветеранам части майор в отставке В.Агупов, – командованию за то внимание, которое оно уделяет нам, людям старшего поколения. Это придает нам сил и желания сделать что-то полезное для общего дела.

– Объявление 2007 года Годом социальной защиты, – отметил в беседе офицер Т.Халиков, – обязывает всех нас считать первоочередной задачей работу по социальной защите военнослужащих, членов их семей и наших ветеранов. Совместно с советом ветеранов мы будем заботиться о ветеранах, оказывать им моральную поддержку и материальную помощь, особенно одиноким, больным и престарелым ветеранам.

Нет сомнения, что умелое сочетание богатого опыта старшего поколения с энтузиазмом и боевым задором молодых воинов позволит части уверенной поступью идти и дальше к осуществлению намеченных планов в верном служении Родине.

Николай ЧУРСИНОВ,
ветеран войск.

Қарор ва ижро

ИНСОНПАРВАРЛИК

Маълумки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқимизга хос инсонпарварлик, бағрикенглик ва кечиримлилик қадриятлари билан йўғрилган кўплаб амнистия актлари қабул қилинган. Билиб-билмай жиноятга қўл уриб, кейинчалик қилмишидан астойдил пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига ўтган шахсларга нисбатан амнистия эълон қилиш анъана бўлиб қолди. Амнистияда биринчи навбатда аёллар, вояга етмаган ёшлар, кексалар, ногирон ва жазони ўтишга тўсқинлик қиладиган оғир хасталикка чалинган, қолаверса, эҳтиётсизлик туфайли жиноят содир этган шахсларни жазодан ва жиноий жавобгарликдан озод қилиш кўзда тутилган.

Шу чоққача 16 марта эълон илинган амнистия тўғрисидаги фармон ва қарорларга мувофиқ фақатгина озодликдан маҳрум қилинганлар жазо ўтайдиган жойлардан юз мингдан ортиқ маҳкум озод қилинди. Бир неча юз минг маҳкумнинг ўталмай қолган жазо муддатлари қисқартирилди.

Ушбу анъананинг давоми сифатида Олий Мажлис Сенати 2006 йил ноябрда Конституциямиз қабул қилинганлигининг ўн тўрт йилиги муносабати билан навбатдаги амнистия актини қабул қилди.

Қарорга мувофиқ озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган бир неча минг маҳкум, жумладан, турли сабабларга кўра, аввало, ўзининг савиясизлиги, билими ва тажрибаси етишмаслиги оқибатида диний экстремистик гуруҳларнинг домига тушиб, тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки учун судланиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод этилиши керак. Бундан ташқари, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган шахслар, ишлари суриштирув, тергов ва суд органлари юритувида бўлганларга ҳам мазкур қарор татбиқ этилиши назарда тутилган.

Тошкент ҳарбий прокуратурасида ҳам қарорнинг ижросини муваффақиятли амалга ошириш учун режа асосида иш олиб борилмоқда.

Шу кунгача кўплаб ишлар қилинди. Жазони ўтаётган шахслар билан суҳбатлар ўтказилиб, қарорда кўзда тутилган шахсларга нисбатан амнистия қўлланди.

Ҳарбий қисм ва муассасаларда Қарорнинг аҳамиятини тушунтириш борасида учрашувлар, суҳбатлар ўтказилиб турилибди.

Адлия майори Суюн ЧОРИЕВ,
Тошкент ҳарбий прокурорининг ўринбосари.

ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИЛАРИ

050

Фуқаро муҳофазаси йўлида кечаю кундуз тиним билмай келаётган Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси фидойи ходимлари ортда қолган йилни кўтаринки руҳда якунлашди. Бошқарманинг пойтахт ҳудудида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида олиб борилган барча саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини берди. Жумладан, Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда ушбу ҳудуддаги корхона, ташкилот раҳбарлари, тузилма сардорлари, мутахассислардан иборат тингловчиларни қайта тайёргарликдан ўтказиб, уларнинг билимларини оширишга катта эътибор қаратилди. Шаҳар ҳудудида юзага келиши мумкин бўлган табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш учун 2006 йил мобайнида 88 та иқтисодий аҳамиятга эга бўлган катта объектларда махсус-тактик машқлар ўтказилди. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу машғулотларда корхоналар ён атрофларида яшовчи юз мингга яқин аҳоли иштирок этди.

Тошкент шаҳри ҳудудида сув тошқини хавфини олдини олиш бўйича чора–тадбирларнинг самарали мувофиқлаштирилиши фавқулодда вазиятларга йўл қўйилмади.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак. Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси «Қутқарув хизмати»нинг «050» телефон рақамига 2006 йилда 143118 маротаба мурожаатлар тушган. Шундан 1773 таси инсонлар ҳаёти ва йирик миқёсдаги фавқулодда вазиятларга олиб келиши мумкин бўлган чақирувлар бўлиб, унда экстремал вазиятларга тушиб қолган инсонларга ўз вақтида керакли техник ва тиббий ёрдам кўрсатилди. Ҳар қандай шароитда ҳам халқ осойишталигини ишончли ҳимоя қилишга шай турган Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси фидойи посбонлари жорий йилда ҳам пойтахт аҳолиси ва ҳудудларини табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишдаги чора-тадбирларини самарали олиб бориш орқали юртимизда фаровон ҳаёт, барқарорликни таъминлашга аҳд қилишган.

Ҳусниҳон ТОЖИБОЕВА.

СОСТОЯЛСЯ СЕМИНАР

В Институте стратегических международных исследований при Президенте Республики Узбекистан состоялся семинар на тему: «Вооруженные Силы Республики Узбекистан как гарант обеспечения национальной безопасности и стабильного развития страны».

Перед сотрудниками ИСМИ выступили ведущие научные сотрудники Азиз Таиров, Николай Мотько, Жахонгир Нематиллаев. Они рассказали об истории создания наших Вооруженных Сил, об их роли в обеспечении региональной безопасности в Центральной Азии и защите государственного суверенитета и территориальной целостности как важнейшей задаче Вооруженных Сил.

В ходе семинара также активное участие приняли и представители Академии Вооруженных Сил Республики Узбекистан. Офицер А.Амбарцумян выступил с докладом «Концептуальные и нормативно-правовые основы военной службы и деятельности Вооруженных Сил Республики Узбекистан», а Р.Сагитов рассказал об этапах развития и реформирования Вооруженных Сил.

В конце семинара руководитель научного центра ИСМИ Исомиддин Шукуров отметил активное участие всех присутствующих, несмотря на то, что семинар в стенах ИСМИ проводился впервые.

Сотрудники ИСМИ намерены проводить подобные семинары регулярно, с привлечением специалистов.

Соб.инф.

Ҳарбий кафедраларда

ЎЗГАРИШЛАРГА ЮЗ ТУТИБ

Тошкент ахборот технологиялари университети ҳарбий кафедраси эллик йилдан зиёд вақт мобайнида захирадаги алоқачи офицерларни тайёрлаб келмоқда. Шубҳасизки, мустақилликка эришганимиздан сўнг кафедра фаолияти катта ўзгаришларга юз тутди: Миллий армиямиз таркибидаги ҳарбий жамоалар билан мустаҳкам алоқалар йўлга қўйилди. Ўқув дарсликлари ва ўқитувчи – кадрлар масаласига катта эътибор қаратилди.

Ҳозирда ТАТУ ҳарбий кафедрасида иккита йўналиш: майор Шерзод Ибрагимов етакчилигидаги «Махсус тактик ва умумҳарбий тайёргарлик» цикли ҳамда майор Шуҳрат Раҳимов бошчилик қилиб келаётган «Ҳарбий махсус ва ҳарбий техник тайёргарлик» цикли мавжуд.

– Ҳарбий кафедрамизга малакали ўқитувчилар жалб этилган, – дейди кафедра бошлиғи подполковник Абдуқодир Абдужамилов. – Булардан подполковниклар – Андрей Сахаров, Равшан Эгамбердиев, майорлар – Фарҳод Қўчқоров, Баҳодир Якубовларнинг номларини алоҳида келтириб ўтишни истардим. Тажрибали офицерлардан ҳарбий сабоқ олаётган кафедрамиз талабалари саф тайёргарлиги, Умумҳарбий Низомлар, ҳарбий топография, тактик махсус тайёргарлик ҳамда ҳарбий алоқа воситалари, алоқа тизимлари каби бир қатор йўналишлар бўйича махсус билимга эга бўлишади. Мақсадимиз Қуролли Кучларимиз сафига замонавий ҳарбий билим сирларини мукаммал эгаллаган, ҳарбий алоқа соҳасини талаб даражасида ўзлаштирган захирада турувчи алоқачи офицерларни тайёрлаш.

Ҳарбий кафедра жамоаси бугуннинг талаби асосида таълим бериш билан бир қаторда ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий ишлар, турли йўналишдаги маънавий-маърифий тадбирларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда айниқса кафедра ўқув бўлими бошлиғи майор Бахтиёр Бердиевнинг ҳиссаси каттадир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳарбий кафедраси захирадаги алоқачи офицерларни тайёрлашга ўзига хос йўналишда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Бобир ШОМАҚСУДОВ.

«ПРОРОКИ ЗАЗЕРКАЛЬЯ» – СЛУЧАЙНОСТЬ ИЛИ ЗАКОНОМЕРНОСТЬ?

ИДЕОЛОГИЯ ТЕРРОРИЗМА

(Продолжение.
Начало в предыдущих номерах).

Но при всех этих условиях, желая создать самостоятельное движение, ориентированное на новую тактику его распространения в Узбекистане, А.Юлдашев должен был сохранить основные условия концепции хизбуттахрировской идеологии.

Почему А.Юлдашев, создавая самостоятельное движение Акромия, не мог отказаться от пародирования хизбуттахрировской ориентации на практику религиозно-политической деятельности Пророка?

Первый и самый очевидный ответ – других примеров у него не было. Если не считать примера самого Пророка, что объясняет и то, почему А.Юлдашев взял за основу своей фетвы аяты 61 суры Корана, содержанием которых в преддверии майских событий 2005 года успокаивал совесть, вдохновлял дух и ориентировал действия своих приверженцев.

При этом рекомендовал перед изучением одного из аятов 61 суры штудировать его собственное толкование «логики», изложенное в «учебнике». Записанная им рекомендация заглянуть в «учебник» подразумевала: «Перечитайте мою брошюру «Иймонга йул» («Путь к вере»). Освежите в своей памяти ее содержание. Вспомните, как важен для достижения успеха в конкретной цели правильный выбор отрезка времени, в котором будет исполнен определенный процесс».

Почему он выбрал именно 61 суру? По мнению российского востоковеда И.Ю. Крачковского (Коран, перевод М.Н.О.Османова. Москва 1995 г., комментарии), 61 сура подразумевает события, происходившие у горы Ухуд. Не менее интересно выглядит вывод ученого о том, что слова из 13 аята 61 суры: «... помощь от Аллаха и близкая победа» – традиционно украшали знамена мусульманского воинства.

Нередко читатели, столкнувшиеся с хизбуттахрировскими текстами (листовки), задают вопрос: «Что написано арабской вязью на черном знамени, изображенном на некоторых листовках Хизб ут-Тахрира?» Отвечаю: «В одних случаях слова выражения свидетельства мусульман (шахада): «Ля иляха илля Ллоху ва Мухаммадун Расулу Ллахи», – означающие: «Нет Бога кроме Аллаха и Мухаммад – Пророк Его». В других случаях слова: «Помощь от Аллаха и близкая победа». Все зависит от смысловой направленности текстов».

В одной из бесед летом 2005 года на вопрос: «Как объяснить использование так называемой «мирной партией Хизб ут-Тахрир» слов исламского воинства: «... помощь от Аллаха и близкая победа», – мой очередной собеседник, хизбуттахрировец, ответил: «В жизни Пророка нет ничего, что не может служить примером. А то что упоминание нами слов 13 аята 61 суры ставит под сомнение наше миролюбие, – ну, что же, каждый волен воспринимать нас так, как мы ему видимся».

Подобная тактика использования в хизбутовской пропагандистской индустрии второй части 13 аята 61 суры, призванной укреплять дух исламского воинства, всегда ставила под сомнение утверждение о политической и якобы мирной деятельности партии.

Безусловно, используя 61 суру, автор фетвы (А.Юлдашев) не сомневался, что его приверженцы, читая посланный им текст, сделают соответствующее толкование упоминаемых им 14 аята и особенно 13-го.

Приверженцы выводы сделали. При этом настолько сильно прониклись значимостью и прозорливостью «исторической миссии» своего лидера, что под страхом разоблачения их планов согласились с его решением начать вооруженную акцию раньше назначенного срока. Но не придумали ничего лучшего, как выбрать 13 мая, проецируя его на приглянувшееся и им число 13.

Несомненно и то, что для А.Юлдашева было важно понимание приверженцев текста 154 аята 2 суры Корана, гласящего: «Не называйте покойниками тех, кто погиб во имя Аллаха. Напротив, живые они, но вы не видите этого». Уточнение – этот аят используется инструкторами террористов-смертников вне зависимости от того, в какой части света их готовят провести смертоносные акции.

Подтверждением того, что А.Юлдашев в преддверии 13 мая 12005 г. уже не считал своих приверженцев «мирными мусульманами», является тщательно подобранные им аяты не только из 61 суры, но и аяты из 4, 9 и 22 сур Корана. Они так же служили ему дополнительным обоснованием в убеждении приверженцев:

1) осознать благость смерти на поприще жизненного поиска добра и истины;

2) «сражаться», не теряя единства духа, подобно тем 23 акрамистам, кого он рекомендовал им освободить ночью 13 мая из андижанской тюрьмы в числе прочих заключенных;

3) увеличивать число друзей путем обращения врага в друга или обретения его благосклонности;

4) слиться с оппозицией;

5) привлечь народные массы;

6) сохранить надежды на содействие в нужный момент международных и прочих благожелателей;

7) захватывать заложников и «совершать кару над ними».

ЖЕЛАЯ СОЗДАТЬ САМОСТОЯТЕЛЬНОЕ ДВИЖЕНИЕ, А.ЮЛДАШЕВ ДОЛЖЕН БЫЛ СОХРАНИТЬ ОСНОВНЫЕ УСЛОВИЯ КОНЦЕПЦИИ ХИЗБУТТАХРИРОВСКОЙ ИДЕОЛОГИИ.

В перечне его указаний присутствует еще и прямое указание на необходимость проведения переговоров с представителями властей. В тексте фетвы указание изложено прямо и без оговорок: «В случае, если любая из этих ситуаций будет иметь место, в дело должен вступить торг, и будет целесообразно и даже предписано освободить всех друзей. Невведение в дело торга в этом случае будет являться большой ошибкой».

«Торг», то бишь переговоры, действительно были начаты утром 13 мая. «Торг» с Президентом И.Каримовым и далее министром МВД З.Алматовым вел главный исполнитель «высшей воли посланника» А.Юлдашева, его верный амир Кабул Парпиев. Он же прервал «торг» по указанию своих инструкторов, корректировавших его по сотовому телефону с территории одного из сопредельных с Узбекистаном государств. Подтверждением того, что власти ради освобождения захваченных боевиками заложников и во избежание кровопролития в Андижане соглашались с некоторыми из требований боевика, является следующий эпизод, ранее нигде не освещенный и не озвученный, кстати, не отрицаемый самим А.Юлдашевым с его сокамерниками.

В те утренние часы в г. Ташкенте он был выведен из камеры и посажен в автомашину, где ожидал отправки в г. Андижан для последующей передачи боевикам. После отказа К.Парпиева от дальнейшего проведения переговоров А.Юлдашев был возвращен в камеру содержания.

Айдын ГУДАРЗИ.
(Продолжение следует).

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Перестрелка. Есть погибшие

Два палестинца убиты, трое ранены в перестрелках с израильскими солдатами в городе Шхем на Западном берегу реки Иордан. Все палестинцы принадлежали к военизированному крылу «Фатх» «Бригады мучеников Аль-Аксы». Израильские военнослужащие не пострадали, сообщает ИТАР-ТАСС со ссылкой на израильское радио.



Чрезвычайные полномочия президента

Национальная ассамблея (парламент) Венесуэлы завершила процедуру предоставления президенту Уго Чавесу чрезвычайных полномочий для самостоятельной законодательной деятельности в области национализации. Новый закон позволяет Чавесу в течение 18 месяцев издавать указы, направленные на полную национализацию экономики страны, включая такие отрасли, как энергетику и телекоммуникации. Указы имеют силу законов и фактически означают введение президентского правления.



Перебои с электричеством

В Сочи вновь отключились две из трех магистральных энерголиний, город живет за счет внутренних энергоисточников, передает РИА Новости. В настоящее время город Сочи получает электроэнергию только из внутренних источников генерации и из Грузии, сообщила начальник департамента по работе со СМИ РАО «ЕЭС России» Маргарита Нагога.



Во Франции запрет на курение

Для французских любителей табака настают плохие времена: по всей стране вступил в силу запрет на курение в общественных местах. Закон запрещает курение на предприятиях, в учреждениях, образовательных и медицинских заведениях, на всех видах общественного транспорта, в магазинах и торговых центрах и театрах. Исключение, и то временное, составят рестораны, кафе, казино и дискотеки: там запрет на курение вступит в силу с 1 января 2008 года.



Миллионная демонстрация

В столице Мексики Мехико прошла массовая демонстрация бастующих рабочих. На улицы города вышли около миллиона человек. Они протестовали против повышения цен на основные продукты питания, том числе на кукурузную лепешку «тортилья», служащую основой ежедневного рациона большинства малообеспеченных семей. Демонстранты потребовали изменения экономической политики правительства, передает АР.



Альянс фондовых бирж

Нью-Йоркская фондовая биржа (NYSE) и Токийская фондовая биржа (TSE) подписали договор о стратегическом партнерстве, сообщает АР. Вслед за европейской «Euronext» американцы пытаются наладить связи с азиатскими коллегами. Подписанный договор открывает дорогу для создания совместных финансовых инструментов и потенциального слияния в будущем.



Обнаружен поселок

Археологи, исследующие Стоунхендж, пришли к выводу, что он представляет лишь часть более мощного культового комплекса эпохи неолита. В ходе раскопок ими были обнаружены жилые помещения, дома и даже строго ориентированную по солнцу мощеную дорогу вблизи от основной постройки из дольменов.



Интерпол проверит

Уникальные ювелирные изделия из золота и серебра, украденные в 1963 году из музея Анатолийских цивилизаций в Анкаре и появившиеся в России, скорее всего, будут возвращены законному владельцу, сообщил замглавы Росохранкультуры Анатолий Вилков. Речь идет о трех предметах – серебряном выносном кресте, золотом браслете с орнаментом и серебряном мощевике. К проверке поступившего в Эрмитаж византийского креста привлекли Интерпол.

(www.NEWSru.com).

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

К 566-летию Алишера Навои

ТВОРИТЬ ДОБРО ВЕЛИ СВОИМ РУКАМ



Близится день рождения государственного деятеля и мыслителя Алишера Навои, который в своих произведениях создал целый кодекс поведения человека. В этом году великому поэту-гуманисту исполняется уже 566 лет.

Каков он, идеал Навои?

Это личность с высокими нравственными принципами, неизменно приносящая пользу людям.

Чем больше людям пользы принесешь,
Тем больше пользы в том себе найдешь, –

утверждает создатель знаменитой всему миру и по сей день современной «Пятерицы».

Проповедь человечности звучит злободневно, несмотря на века, отделяющие нас от времени написания этих нестареющих строк. Он рассуждает о постоянной борьбе добра со злом и зовет на добрые дела:

Всех выше те, кто доброе творят,
Но за дела не требуют наград,
Всем жертвуют для страждущих людей,
Не думая о выгоде своей.

Вера в бессмертие и животворящую силу добра позволяет ему сделать вывод:

Все доброе себя переживет!

Поэт-гуманист мечтает об устройстве общества, основанного на мире и дружбе, любые проявления зла лишают его покоя.

Добро Навои многолико. Это справедливость и верность. Почтение к старшим, скромность, щедрость, правдивость, стремление к знаниям. Познание, его беспредельность, воспетые великим просветителем, по его мнению, оцениваются направленностью на добро. Слово тоже может быть разным, поэтому калам, который выражает стремление человека к идеалу, назван благословенным: ведь он «нижет перлы истины на нить».

Предупреждение Навои – путеводитель как для молодых стихотворцев, так и для маститых наставников:

Но слово – лишь тогда оно сильно,
Когда к добру, как луч, устремлено.

Жить для одного себя – преступление, и вовсе не случайно повторяется призыв:

Имеешь много – одаряй людей,
Имеешь мало – тоже не жалей.
А к страждущим на жизненном пути
Долг милосердья высшим долгом чти.

Щедрость, по Навои,– «знак душевной красоты», и проявлять ее надо обдуманно, дарить тем, кто в ней действительно нуждается:

А из тщеславья деньги раздавать,
Для хвастовства горстями их бросать
Грешно, постыдно! Это дар пустой;
И скупость лучше щедрости такой.

Поэт призывает дарящих быть зоркими и видеть настоящую нужду, не сыпать благодеяниями, чтобы быть замеченными и восхваляемыми. Подобные щедроты, словно туча, обходящая влагой поля и льющая ее на голые камни. Нельзя назвать щедрым и того, кто ждет, когда его попросят о помощи, откликается лишь на отчаянные мольбы. Сама сущность благотворительности перечеркивается позерством, гордостью за содеянное. Нести благо страждущему – это «радоваться радости других».

Навои равно обращается ко всем: и к тем, чья казна забита динарами, и к отдающему последнюю монету:

...взойдет щедрей
Посев на ниве мудрости твоей.
Посей добро и добрый урожай
Сторицею под осень собирай.

Кодекс благотворительства у гуманиста эпохи Возрождения указывает живущим путь к пониманию людей, умению сопереживать и оказывать посильную помощь. Настоящий человек «велик человечностью своей, живет в нем человечность всех людей». Способность горевать и радоваться вместе с ближним он определяет как высшее проявление щедрости.

Бесценным даром, что затмевает блеск золота и самоцветов, становится подчас слово:

От смерти слово может защитить,
В труп охладелый душу возвратить.

Вслед за выдающимся мыслителем мы не устаем повторять:

Не назовется человеком тот,
Кого людское горе не гнетет.

Воспевая красоту Вселенной, земли и человека, поэт предлагает последнему оглядываться на прожитое, не совершать дурных поступков, беречь доброе имя. Совершенство людей он считает одной из основ цветущего государства:

Доколе жадная корысть истреблена не будет,
Доколе власть дурных страстей истреблена не будет,
Доколе злоба темных сил изведена не будет,
Дотоле радостью людей цвести страна не будет!

Щедрость даяний и щедрость души... Они в творчестве Алишера Навои переплетены и не могут существовать друг без друга.

«Щедрость – это дерево, что в саду человечества растет, или, вернее, с этого дерева полезный плод... Щедрость для человека – это тело, а великодушие – душа этого тела»,– написал мыслитель в 1500 году, а мы не перестаем черпать мудрость из его трактата «Возлюбленный сердец», который не старит даже такой солидный возраст, потому что автор достиг своей благородной цели: «Пускай тому поможет опыт мой, кто пожелает познать этот мир людской».

Людмила ПОЛОНСКАЯ.

Гнетешь ли, верность ли сулишь, – равно красна ты мне,
Погубишь или воскресишь – как жизнь, нужна ты мне!

Вблизи ли вижу стройный стан, смотрю ль издалека,
Ты – словно кипарис в цвету, сама весна ты мне.

Что о любви моей сказать? Ты в сердце у меня:
Как тайная печаль души, навек дана ты мне!

А искушаешь красотой – за стон мой не стыди:
Лихую долю мук и слез дала сполна ты мне!

Едва припомню звуки слов твоих рубинов-уст –
Хоть и на миг, а словно гость в те времена ты мне.

Пусть из безумцев только я отвергнут был тобой:
Среди красавиц лишь одна наречена ты мне.

От страсти умер Навои, а ты его клянешь, –
О, как погибелен твой нрав: как неверна ты мне!

У любимой над крышей не голуби стаей кружат,
Это пери, как птицы, слетелись для нег и услад.

Или ангелы стайкой сюда устремили полет,
Чтоб любимой украдкой послать очарованный взгляд?

Или это – плененных ее красотою сердца,
Словно легкие птицы, над крышей спускаясь, парят?

Или голуби вьются и письма влюбленных несут
Той, что ласковым словом напутствие даст им назад?

Дай вина, виночерпий! Поймаем с тобой голубей, –
Я по той, что их кормит, смертельной печалью объят.

Голубь, что ты скрываешь под шелковым пухом крыла?
Передай ей записку – в ней строчки слезами горят!

Навои, ты, как голубь, к ногам луноликой слети
И, взмывая над крышей, пари и спускайся стократ.

ҲАРБИЙ ҚИСМ ВА МУАССАСАЛАРДА УЛУҒ ШОИР ВА ОЛИМ, БУЮК МУТАФАККИР АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 566 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ОММАВИЙ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА

ТАВСИЯЛАР

Ҳарбий қисм ва муассасаларда шеърият мулкининг султони, буюк мутафаккир, улуғ шоир ва олим Мир Алишер Навоий таваллудининг 566 йиллиги олдидан шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган маданий ва маърифий ишларнинг барча усул ва шаклларидан фойдаланилган ҳолда кутубхоналарда шоирга бағишланган адабий-бадиий тадбирлар, навоийхонлик кечалари, давра суҳбатлари, навоийшунослар, адабиётшунос олимлар, ёзувчилар ва шоирлар билан учрашувлар ташкил этиш мумкин. Бу ишда кутубхоналар китоб тақдимоти, китобхонлар конференциялари, ғазалхонлик кечалари, савол-жавоб, учрашув ва хотира кечалари, билимдонлар беллашувлари, мушоиралар, давра суҳбатлари, Навоий асарлари асосида саҳналаштирилган мусиқали кечалар, китоб кўргазмалари, мутафаккир асарларининг обзорлари сингари турли-туман усуллардан фойдаланишлари мумкин.

Масалан, «Буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолиятини биласизми»? деб номланган билимдонлар беллашуви ўтказилади. Беллашувнинг мақсади китобхонларни ўзбек адабиёти ва адабий тили асосчиси Алишер Навоий ижоди билан таништириб, адиб ва маърифатпарвар, давлат арбоби, жаҳон маънавиятининг буюк сиймоси яратган асарларини ўқиш, ижоди, таржимаи ҳоли, у қолдирган меросни ўрганиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига тарғиб этишдан иборат.

Беллашувни ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Мазкур гуруҳ таркибига асосан офицерлар, курсантлар ва аскарлар кириши мумкин. Ҳар бир гуруҳ 8 ёки 10 нафар китобхонлардан ташкил топади.

Беллашув ташкилотчилари саволларни тузиб чиқадилар. Сўнг саволлар ҳар икки гуруҳга бўлиб чиқилади. Берилаётган саволларга доир адабиётлар ва вақтли матбуотларда босилган манбалар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша манбаларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонларнинг эътиборини муаллифнинг асарлар тўплами ҳамда алоҳида нашрларига қаратиш керак. Беллашув ўтказиладиган жойда Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятини акс этирувчи китоб кўргазмасини ташкил этишни тавсия қиламиз. Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун мавзунинг асосий мазмунини етказиб бера оладиган тилшунос олимлар, адабиётшунослар, навоийшунослар, шоир ва ёзувчилар, саъаткорларни жалб қилиш лозим.

Кутубхоналарда тадбирлар ўтказиш учун мавзулар: «Навоийнинг номи барҳаёт» китобхонлар конференцияси, «Улуғ шоир ва олим, буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолиятини биласизми?» «Навоий жаҳон олимлари таҳлилида», «Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси», «Навоий асарларида тинчлик, дўстлик ва меҳнат ғояларининг қаламга олиниши», «Шоир ижодида адолат ғояси» мавзуларида мунозара кечалари, «Навоий шеърияти адабиётимиз машъали», «Навоий наволари», «Ғазал мулкининг султони» мавзуларида адабий -мусиқали кечалар.

«Навоий шеърияти – адабиётимиз машъали», «Навоий наволари», «Ғазал мулкининг султони», «Улуғ мутафаккир», «Давлат арбоби», «Маърифатпарвар шоир» мавзуларида китоб кўргазмалари.

Тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад шахсий таркибда буюк аждодимиз қолдирган бой маданий ва тарихий мерос билан фахрланиш, юксак маданий ахлоқни ва маънавий сифатларни, профессионализм ва жанговар маҳоратни, миллий тафаккур ва ватанпарварлик туйғуларини ошириш, она Ватан ва Қуролли Кучларга чексиз меҳр-муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга даъват этишдан иборат бўлиши лозим.

Ҳарбий қисмларда тадбир ўтказилиши лозим бўлган жойлар шунга мос равишда безатилади: саҳнанинг марказида «Алишер Навоий – ғазал мулкининг султони» деб ёзиб қўйилган сўзлар ва шоирнинг фотопортрети илиниб, ўнг тарафида «Навоий шеърияти – адабиётимиз машъали» номли сарлавҳа билан китоб кўргазмаси ташкил этилади.

Тадбирларнинг янада таъсирчан ва мазмунли ўтказиш учун бадиий ва ҳужжатли фильмлардан парчалар танлаб олинади.

Тадбирни ташкиллаштиришда адабиётшунослар ва ёзувчиларнинг буюк бобомиз ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги чиқишлари, ҳарбий хизматчилар томонидан ғазаллар ўқилиши, ҳикматли сўзлардан мисоллар келтирилиши, кинофильмлардан парчалар, қисқа шеър ва рубоийлар, ҳарбий хизматчилар томонидан тайёрланган қисқа саҳна кўринишлари ҳамда концерт дастурлари мавзуни янада бойитиб, иштирокчиларда катта таассурот қолдиради.

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ.

КИТОБ ҚАЛБНИ ЁРИТГУВЧИ НУР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мадрасаларда толибларга ҳар хил фанлар ўқитилган. Қорахоний ҳукмдорлар сулоласи даврида ҳуқуқшунослик, фалсафа, ғазнавийлар, хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида математика, география, табобат, Амир Темур салтанати даврида ҳуқуқшунослик, Мирзо Улуғбек даврида астрономия, математика, Алишер Навоий замонида адабиёт фанларининг мадрасаларда ўқитилишига алоҳида эътибор берилган.

Мадрасаларга бошланғич хат-саводга эга бўлган илм толиблари қабул қилинган. XIX асрнинг ўрталарида Бухоро мадрасалари фаолияти билан танишган Н.Ханиковнинг гувоҳлик беришича, мадрасанинг тўлиқ курсини ўқиб тугатиш учун толиб тахминан 137 та китобни ўқиб чиқиши талаб этилган.

...КИТОБХОНЛИККА ҲАВАС БОЛАЛИКДАН БОШЛАНАДИ. КИТОБХОНЛИКНИ ЗАРУРАТГА АЙЛАНТИРИШ КЕРАК. АГАР ФАРЗАНДЛАРИМИЗДА КИТОБ ЎҚИШГА ҲАВАС БЎЛМАСА, БУ НАРСА ЭРТАГА БИЗ УЧУН КАТТА МУАММОГА АЙЛАНАДИ.

Ота-боболаримиз китобни кўз қорачиғидек асрашган. Улар китоб сақланадиган жой, хоҳ у кутубхона бўлсин, хоҳ уй бўлсин – муқаддас саналган, ҳар қандай китоб энг пок, энг юқори жой – токчаларга қўйилган. Хонадонларда Машраб, Навоий, Бедил ва бошқа шоирларимизнинг асарларини мароқ билан ўқишган. Фарзандлари китобхонлик давраларида иштирок этишган. Натижада уларда китоб ўқишга ҳавас уйғонган. Бу анъана ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Бугунги кунда оилаларда китобни кўпроқ болаларига асосан бува-бувилари ўқиб беришади. Боланинг ёшлик чоғидаёқ унинг мурғак қалбига китобга нисбатан қизиқиш, меҳр уйғотиш лозимки, у доимо китобни севсин, ардоқласин, авайласин, китоб устида ишлашни билсин. Чунки китобхонликка ҳавас болаликдан бошланади. Китобхонликни зарурратга айлантириш керак. Агар фарзандларимизда китоб ўқишга ҳавас бўлмаса, бу нарса эртага биз учун катта муаммога айланади.

Уларни китоб ўқишга мажбурлаш эмас, балки мутолаага ҳавас уйғотиш лозим. Бунда болаларнинг хусусияти, қизиқиши ҳисобга олиниши керак. Италия ёзувчиси Сенека: «Китобларнинг сони эмас, уларнинг яхшиси фойда келтиради», деб айтган эди. Фарзандларимизни китобга қизиқтириш эса осон иш эмас. Бу ҳам тарбиявий жараён. Ҳар бир боланинг қизиқиши, мойиллиги инобатга олинган ҳолда унинг ўз китоби бўлиши керак. Китоб ўқиш маданиятига китоб харид этиш ва кутубхонани мунтазам бойитиб беришга алоҳида эътибор билан қараш, китоб сақлаш одоби, ўқиш жараёни, ўқиганни ўзига ва ҳаётга татбиқ эта билиш каби ўнлаб масалалар киради. Китобни танлаб ўқиш зарур. Масалан, болалар мўъжизаларга ишонадилар, китоб қаҳрамонлари, улар ҳақидаги дастлабки таассуротларни буви-бувалардан, ота-оналардан, тарбиячи-ўқитувчидан эшитган эртагу афсоналардан олсалар, кейинчалик ўзлари китобни ўқиш орқали билимини кенгайтириб бораверади. Ўқувчи-ёшларда китоб ўқиш малакасини шакллантириш ва ўстириш ўқитувчи маҳоратига боғлиқ.

Республикамиздаги мавжуд таълим муассасаларида 9702 та кутубхоналар мавжуд бўлиб, шундан 9517 таси умумтаълим мактабларига, 165 таси мактабдан ташқари таълим муассасаларига, 15 таси педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларига, 5 таси педагогика олий ўқув юртларига қарашлидир. Уларда 10892 нафар кутубхоначилар хизмат қилишади. Шундан 2588 нафари олий, 6839 нафари ўрта махсус, 1465 нафари ўрта маълумотга эга. Республикада таълим муассасалардаги кутубхоналарнинг 317 тасида компьютер, 60 тасида нусха кўчириш аппаратлари ўрнатилган. Аммо, шундай бўлсада ўқувчиларнинг китоб дўконларидан бадиий китобларни харид қилишлари камайгани ва китобхонлик даражаси пасайганини инкор этиб бўлмайди.

Кутубхона – бу ҳақиқий маданий-маърифий маскан сифатида фаолият кўрсатиши керак. Фарзандларимиз мутолаадан кўра кўпроқ ранг-баранг воқеа ва ҳодисаларга бой фильмлар, саргузаштлар ҳақида ҳикоя қилувчи бошқа воситалар (телевидение, компьютер, интернет)нинг таъсирига тушиб қолишмоқда. Бу эса уларга кўплаб ахборот бергани билан соатлаб телеэкран ёки компьютер ёнида вақт ўтказиши туфайли саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Телевизор ҳеч қачон китоб ўрнини босолмайди. Кутубхоналаримизни юқори синф ўқувчилари, ота-оналар розилигида бадиий адабиётлар билан бойитиш мумкин. Бунинг учун синфдаги ҳар бир ўқувчи ўз ихтиёри билан биттадан китоб олиб келиб топширса, кутубхона 20-30 дона бадиий китоб билан қўшимча равишда бойийди. Натижада бир дона китоб олиб берган ўқувчи яна 20-30 дона янги китоб ўқиш имкониятига эга бўлади. Бу ишга ҳомийларни ҳам жалб этиш мумкин.

Фарзандлари камолини, юрт келажагини, Ватан равнақини ўйлайдиган саҳоватпеша инсонларнинг бу ишда фаол иштирок этиши катта савоб деб ўйлаймиз. Ўқувчилар билан китобнинг аҳамиятига доир суҳбатлар, конференция, мунозара, викторина, оғзаки суҳбатлар уюштириш орқали ҳам китобхонликка қизиқиш уйғотишга қаратилган тарбиявий ишларни кучайтириш мумкин. Шундай экан, ёшларимизни ватанпарварлик, миллийлигимизни ва кўҳна қадриятларимизни қадрловчи комил шахс сифатида тарбиялаб, эл корига камарбаста бўлишларига эришамиз, албатта. Китоб – қалбни ёритади. Унинг нури эса инсоннинг порлоқ келажагини таъминлаши шубҳасиз.

Нигора ШОФАЙЗИЕВА.

МАЪНАВИЙ ЕТУКЛИККА ЭЪТИБОР

Ислоҳотлар жараёнида босқичма-босқич ривожланиб бораётган Қуролли Кучларимиз бугун ўз салоҳиятига эга. Бу янгиланишларнинг туб моҳиятида ихчам, тезкор, ҳар томонлама ривожланган профессионал армия турганлиги сир эмас. Мана шу юксак мақсад йўлида дадил одимлаётган Миллий армиямиз сафи айни дамда етук посбонлар билан мустаҳкамланиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳарбий хизматчиларимизнинг нафақат жанговар тайёргарлик ва ҳарб санъати сирларини мукаммал эгаллашларига, балки маънавий баркамол, интеллектуал салоҳиятда устувор бўлишларига ҳам катта эътибор қаратилган. Аввало ёшлар ҳарбий хизматнинг қайси бир йўналишга киришга жазм этишмасин, қабул синовларида маънавий етукликлари ҳам асосий ўринда туради. Чунки, маънавий дунёси бой инсонлар том маънода Ватанпарвар, руҳан кучли инсонлардир. Албатта бу даражага етиш учун ўқиш, ўрганиш, маърифат сабоқларидан доимий равишда баҳраманд бўлиш лозим. Бу борада Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги барча ҳарбий қисм ва муассасаларда посбонларга маънавий озуқа берувчи кутубхоналарга эътибор берилаётганига, турли кеча ва тадбирлар, кўрик-танлов ва беллашувлар амалга оширилаётганига гувоҳмиз. Мана шулардан энг асосийлари ҳозирда ҳарбий қисмларда дастлабки босқичи бошланган «Ўзбекистон – Ватаним маним» республика қўшиқ танлови доирасида бўлиб ўтадиган «Мардлар қўриқлайди Ватанни» умумармия аскар қўшиқлари фестивали ҳамда «Энг яхши китобхон» кўрик-танловидир.

Куй-қўшиқнинг инсон руҳиятига таъсири ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Айниқса она юрт, Ватан ҳақидаги қўшиқларни шунчаки куйга солиб бўлмайди. Элини, азиз тупроғини юракдан севган инсонгина бу мавзуларда жўшиб куйлай олади. Ҳарбий хизматчилар ўртасида кўп йиллардан буён давом этиб келаётган бу танлов ҳар йили кўплаб истеъдодларни мухлисларга тақдим этмоқда. Энг қувонарлиси, ушбу фестивалда юқори ўринга лойиқ топилган ҳарбий хизматчилар ўз соҳасида аъло натижаларни қўлга киритган тажрибали посбонлардир. Бундан кўриниб турибдики, кўксида шиддат, жасорат, садоқат жой олган ўғлонларимизда миллий қадриятларимизга ҳурмат, санъатимизга бўлган иштиёқ юқори.

Маънавият, маърифат сарчашмаси билан инсонга билим, иқтидор тақдим этувчи, уни улуғ ишларга, эзгуликка даъват этувчи китобларга, китобхонликка бағишланган «Энг яхши китобхон» кўрик-танлови эса янада диққатга сазовордир. Биламизки, барча ҳарбий жамоаларда кутубхоналар мавжуд. Ушбу зиё масканларининг асосий ўқувчилари шубҳасизки ҳарбий хизматчилар. Шу сабабли уларни кутубхоналарга, китоб мутолаасига кўпроқ жалб этиш учун посбонларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалишида китобнинг ўрни қай даражада юқори эканлигини кўрсата билиш, китоб билан ҳамнафас бўлган инсонлар билимдон, дунёқараши кенг, фикрлаш доираси теран бўлишини исботлаб келаётган ушбу кўрик-танлов ҳарбийларимиз орасида кенг оммалашиб кетди десак, хато бўлмайди. Бу йил ҳам танлов ўзининг энг маънавиятли, зиёли ғолибларини юзага чиқаради деб ишонамиз.

Зулфия ЮНУСОВА.

Бизнинг тақвим

ФЕВРАЛЬ ОЙИДАГИ МУҲИМ САНАЛАР

9 февраль

Сўз мулкининг султони, буюк ўзбек шоири, мутафаккир, давлат арбоби Низомиддин Мир Алишер Навоий таваллуд топган кун (1441 – 1501 й.й.).

14 февраль

Ўзбек мумтоз адабиётининг вакили, буюк шоир, тарихчи, давлат арбоби, истеъдодли саркарда, бобурийлар сулоласи асосчиси, темурий шаҳзода Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо Бобур таваллуд топган кун (1483 – 1530 й.й.).

16 февраль

Ўзбекистон Республикаси Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган кун (1992 йил).

17 февраль

Халқаро Қизил Хоч қўмитаси ташкил топган кун (1863 йил, Женева).

23 февраль

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси тузилган кун (1991 йил).

24 февраль

Ўзбекистон Республикаси Халқаро почта иттифоқига аъзо бўлган кун (1994 йил).

25 февраль

Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги ташқи сиёсий ва халқаро муносабатларга оид хабарларни тарқатувчи «Жаҳон ахборот агентлиги» ташкил этилган кун (1994 йил).

26 февраль

Ўзбекистон Республикаси Халқаро иқтисодий алоқалар ташкилотига аъзо бўлган кун (1992 йил).

Ҳарбий қисм ва муассасалар командир(бошлиқ)ларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарларига эслатма:

Жорий йил февраль ойи учун шахсий таркиб билан тарбиявий ишлар олиб бориш, маданий-маърифий ишлар ўтказиш режасига юқорида кўрсатилган буюк аждодларимиз ҳаёти, фаолияти ва ижодига, бошқа муҳим саналарга бағишлаб, маърузалар, тематик кечалар, давра суҳбатлари сингари тадбирларни киритиш тавсия этилади.

Ўтказиладиган тадбирларга навоийшунос ва бобуршунос олимлар, тарихчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларини таклиф этиш мақсадга мувофиқ.

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ.

ҲАФТА ГЎЗАЛИ



Рукнимизнинг бу галги меҳмони – сочлари сунбул, тишлари садаф Гавҳархон Солиева-дир! У гуллар бўстони бўлмиш, Наманган шаҳрида туғилиб вояга етган. Гавҳархоннинг ҳаётдаги шиори: «Ён-атрофингдаги инсонларга, кўлингдан келганича ёрдам бер, яхши гапир».

Ҳарбийлар орасида ишлаб, мардлик, жасурлик, бир сўзлилик, вафодорлик, садоқатлилик каби хислатларни қадрлаб келаётган бу гўзал қизнинг орзу-умидлари бисёрдир.

Мазали таомлар ва ширин пиширйқлар пиширишни, бадиий адабиётларни мутолаа қилишни хушлайди. Куй-қўшиқ тинглаш унинг жону дили. Энг ёқтирган машғулоти яқин инсонлари билан гўзал ва хушҳаво жойларда сайр қилишдир.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор. Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз). Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейида «Аждодлар жасорати – авлодларга ибрат» номли маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирни билим даргоҳи раҳбари Собир Аҳроров кириш сўзи билан очди ва олиб борди. Тошкент шаҳар ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Акмал Акромов, Мудофаа вазирлиги давлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи офицер Ислом Иноятов, Халқ таълими вазирлигининг масъул ходими Турсунқул Муҳитдинов, Республика Маънавият тарғибот маркази вакиллари – педагогика фанлари номзоди доцент Акром Акмалов ва шоир Шуҳрат Насимовлар ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

Шунингдек, тадбирга мазкур ҳарбий лицей собиқ тарбияланувчилари – айни пайтдаги курсантларнинг таклиф этилиши унинг янада қизиқарли ва мазмунли ўтишини таъминлади.

– Маслаҳатим, берилаётган сабоқларни доим пухта ўзлаштиришга, ўқитувчилар ишончини мустаҳкам билимингиз билан оқлашга бор куч ва имкониятингизни аяманг. Шунда албатта, шарафли касб эгаси бўласиз, – деди курсант Руслан Азнабаев ўқувчиларга қарата.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари ижросидаги гўзал кую қўшиқлар тадбирни безади.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Шоира Зулфия Мўминованинг «Ватан шеърини ўқисангиз, жон томирингиз «чирсиллаб» кетганини сезасиз. Негаки, сизда тилларга алишмайдиган гўзал ошён – Ватаннинг тафти бўлакча. Унинг оташнафас қучоғидан айрилгингиз келмайди, асл жаннат ана шу беқиёс чаман ичра эканлигини янада теранроқ илғайверасиз.

ВАТАН

Жоним Ватан, жон томиринг,
Тилларга алишмам.
Широқ ўтган саҳроларинг,
Дарёларга алишмам.

Кўзим Ватан, қаро кўзинг,
Қиёларга алишмам.
Қаҳратонда қорларингни,
Жавзоларга алишмам.

Қадрим Ватан, Анбар онам,
Зуҳроларга алишмам.

Зангиотам ётган ерни,
Анқоларга алишмам.

Нажмиддини Кубролариинг,
Самоларга алишмам.
Навоийнинг ҳасратларин,
Ҳалволарга алишмам.

Шоҳ Бобурнинг Фурқатларин,
Кимёларга алишмам.
Жоним Ватан, жон томиринг,
Тилларга алишмам!

ТЕНГДОШ

Ватан ҳимоячиси ён дафтарига

ҲАРБИЙЧА САЛОМЛАШИШ

Устига ҳарбий либос кийган, Ватан ҳимоячиси деган шарафли касб эгаси бўлган ҳар бир посбон ким бўлишидан қатъи назар, аскарми, сержантми, офицерми, албатта, ҳарбийча саломлашиш қоидасини билиши, унга риоя этиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ички хизмат низомида шундай дейилган: «Ҳарбийча саломлашиш ҳарбий хизматчиларнинг биродарларча жипслигининг ифодаси, ўзаро ҳурмат ва муштарак маданиятни намоён бўлиши белгиси саналади».

Маълумки, ҳарбий унвонига кўра бўйсунувчилар ва кичиклар биринчи бўлиб салом беради. Мақомлар тенг бўлган пайтда эса ким ўзини кўпроқ хушмомала, тарбия кўрган деб ҳисобласа, ўша биринчи бўлиб салом беради.

Мабодо аскарнинг сержантга, сержантнинг офицерга, баъзан эса офицернинг ўзидан унвони катта офицерга ҳарбийча салом бермаслик ҳолати учрайдиган бўлса, Умумҳарбий низомлар асосида бартараф этилади. Ҳарбийча салом беришда салом берилиши лозим бўлган ҳарбийни танишлик, танимасликнинг аҳамияти йўқ. Чунки сиз ҳам, у ҳам Ўзбекистон деган ҳур диёрнинг Ватан ҳимоячиларисиз, миллий армиямизнинг вакилисиз. Шундай экан, низом талаб қилганидек, у билан ҳарбийча саломлашишингиз зарур. Агар бундай қилмасангиз, ё сиз низом талабларини яхши билмайсиз ёки ўзингизни маданиятсизлигингизни намоён этасиз.

Ҳарбийча салом бермаганлигингиз низом қоидаларига риоя этмаганлигингизнинг белгиси, демак жазоланишингиз тайин.

Тошкент ҳарбий гарнизони коменданти подполковник Қаҳрамон Жумаев шундай дейди:

– Баъзан шундай ҳолатларга ҳам дуч келиб турамиз: шаҳарда юрган ҳарбий хизматчилар бир-бири билан ҳарбийча саломлашмайди. Бу энди фуқаролар кўз ўнгида ҳарбий хизматчининг обрўйини туширади. Биз бундай ҳолатлар такрорланмаслиги учун улар билан тарбиявий ишлар олиб борамиз. Аввал низом қоидалари билан таништирамиз. Кейин ҳарбийча салом бериш қоидаларини ўргатамиз. Ҳарбийларнинг бир-бирлари билан ҳарбийча саломлашиши ҳарбий интизомнинг биринчи элементи десам ҳам бўлаверади.

Ҳарбийча салом беришлик сизнинг қандай тарбия топганлигингизни, қолаверса, сиз хизмат қилаётган қисм раҳбариятининг сизга қандай сабоқ бераётганлигининг кўзгуси.

Ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар сафда турган пайтда команда бўйича:

– Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирига салом берадилар.

Юқорида кўрсатилган шахсларга жойида турган сафда салом бериш учун катта бошлиқ: «Рослан, ўнгга қараб текислан» командасини беради.

Жойида турган, сафда турган қўшинларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Мудофаа вазирига салом беришига оркестр ижро этаётган «Қаршилов марши» ва Давлат мадҳияси жўр бўлади.

Сафдан ташқари юрганда, машғулотлар вақтида ҳам, машғулотлардан бўш вақтларда ҳам ҳарбий қисмлар ва бўлинмаларнинг ҳарбий хизматчилари бошлиқларига «Рослан» ёхуд «Турилсин» командаси берилгач, салом берадилар.

Сафдан ташқари машғулотларда, шунингдек, фақат офицерлар иштирок этаётган мажлисларда командирлар бошлиқларга ҳарбийча салом бериш учун «Ўртоқ офицерлар» командасини беради.

Биз ҳарбийча саломлашишнинг айрим жиҳатларига тўхталдик, холос.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомларини пухта билган киши ҳарбий саломлашишнинг бошқа жиҳатларини ҳам яхши билади.

Салом бериш –ҳурмат қилиш демак. Халқимизнинг қадимий одатларидан бири шуки, болани ёшлигиданоқ, тили чиққиданоқ салом беришга ўргатадилар. Одоб юзасидан ёшлар ўзларидан катта ёшдагиларга аввал салом беришлари, улар алик олишлари лозим. Ўзидан катта ёшдагиларни қаерда бўлмасин, кўрганда салом бермай, индамай ўтиб кетиш – хоҳ ўғил, хоҳ қиз учун ниҳоятда ёмон одат ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, Ўзбекистон Қуролли Кучлари вакили ҳарбийча салом беришни ҳамиша ўз жойига қўяди, юксак интизом эгаси эканлигини намоён этади, деган фикрдамиз.

Абдураззоқ ОБРЎЕВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



Мусиқа санъатимиз кундан-кун янги овоз, янги тароналар билан бойимоқда. Ана шулардан бири ёш ва умидли эстрада хонандаси Нодирабегимдир.

У ўзининг хуш овози ва сози билан кўпчилик мусиқа ихлосмандлари қалбига йўл топмоқда. Ҳозирда Нодирабегим иккита аудио альбоми — "Ёр бўлсанг"-номли аудио кассетаси ҳамда "Кетма қалбимдан" аудио дискини мусиқа ихлосмандларига туҳфа этди. Санъатнинг нони қаттиқ, дейдилар. Буни Нодирабегим қандай ҳис этмоқда?



ВАТАННИ КУЙЛАШ СУРУРИ

– Нодирабегим, айтинг-чи, хонанда бўлишни болалигингиздан орзу қилганмисиз?

– Болалигимда шифокор бўлишни орзу қилардим. Қўғирчоғимни ўзимча даволардим, унга укол қилардим. Қўлига кириб қолган зирапчаларни олиб ташлашга қизиқардим. Мактабга чиққач санъаткор бўлиш иштиёқи пайдо бўлди.

1-синфда биринчи қўнғироқни мен чалиб берганман. Ўшанда мактаб ҳақида қўшиқ ҳам айтганман. Шу-шу, санъат байрами ва тадбирларда ашулаларим билан иштирок эта бошладим.

– Ўша пайтдаги бирор қизиқарли воқеани эслай оласизми?

– 4-синфда ўқиётган пайтим эди. Бизнинг мактаб билан қўшни мактаб ўртасида «Санъат байрами» мусобақаси ўтказилди. Унда мен "Лазги" рақсини ижро этиб, ғолиб бўлдим. Аммо, ғолиблик мен учун жуда қимматга тушди. Уйга келиб, қаттиқ бетоб бўлиб қолдим. Ҳатто оёқ-қўлларим ҳам ўзимга бўйсунмай қолди. Ўшанда кўз тегди дейишди. Шундан сўнг ота-онам саҳнага чиқишимга рухсат бермай қўйди.

Бирдан-бир орзуим саҳнада қўшиқ айтиш бўлиб қолганди. Ниҳоят яна кўрик-танловларда қатнашадиган бўлдим. 7-синфдалигимда "Қизлар давраси" кўрик-танлови бўлган. Мен бор маҳоратимни ишга солдим, уринишларим зое кетмади. Мен санъат гулшанига эндигина ийманиб кириб келаётганим ва ўзимга яраша овозим борлигини уларга кўрсата олдим. Шундан сўнг ўзимга бўлган ишонч ортиб, ўз устимда қаттиқ ишлай бошладим.

– «Қизлар даврасида» ижро этган қўшиғингиз нима ҳақда эди?

– Сафия Сафтарова ижро этган "Ватан ягонадир, Ватан биттадир" қўшиғини берилиб айтганман. Мен севиб ижро этган биринчи қўшиқ Ватан ҳақида эди. Кўп тадбирларда шу ашулани ижро этардим.

Ҳозир ҳам Ватан ҳақида қўшиқлар куйлашни яхши кўраман.

– Илк бор катта саҳнага қачон чиққансиз? Умуман, қандай танловларда иштирок этмоқдасиз?

– 2002 йилда "Бойсун баҳори" республика кўрик-танловида иштирок этиб, эл назарига тушдим. Ўша пайтда Хива педагогика коллежининг мусиқа факультети 1-курс талабаси эдим. 2006 йилда эса республика "Келажак овози" ва "Янги номлар" кўрик-танловлари совриндори, "Ниҳол" мукофотининг Хоразм вилоят босқичи ғолиби бўлганман. Шунингдек, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг қатор тадбирларида чиқишларим билан иштирок этмоқдаман.

– Сиз санъаткорлардан кимга кўпроқ ҳавас қиласиз?

– Ижрочиликда Ўзбекистон халқ артистлари Олмахон Ҳайитова, Коммуна Исмоилова, овоз созлаш бўйича мураббий Қодир Мирзаевларни устозим деб биламан. Ёш хонандалардан Гулсанам Мамазоитова, Ирода Искандароваларнинг ижодига ҳавас қиламан.

– Қўшиқларингизнинг сўзларини танлашда кимларнинг ижодига таянасиз?

– Ҳозирга қадар ўн иккита ашула яратдим. Илк қўшиғим "Ватан, сени асрайман", деб аталади. Унинг ўнтасига клип ишлаганмиз. Шоирлар Ҳамро Сиддиқ, Муяссар Отажонова, Адолат Полвоновалар билан ҳамкорлик қиламан. Шеърларни танлашда, ижодий ўсишимда устозим Раҳимбой Жуманиёзовнинг хизмати беқиёс.

– Санъаткорнинг ютуғи нимада, камчилиги-чи?

– Халқнинг эътиборида бўлса, халқнинг кўнглидаги нарсани топа олса, халқ дардини қўшиқларида етказиб бера олса – бу санъаткорнинг ютуғи. Чунки халқсиз унинг эътирофисиз санъаткор ҳеч нарсага эришолмайди. Халқни алдашга уринса, фонограммадан ҳадеб фойдаланаверса, бу унинг катта хатоси, деб биламан. Нима бўлганда ҳам халқнинг ўзи холис ҳакамдир.

– Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

– Шеър ўқишни хуш кўраман. Таниқли шоирларимизнинг ижодларидан баҳраманд бўлиб, маънавий озуқа оламан.

– Нодирабегим ҳаётда олдига нималарни мақсад қилиб қўйган?

– Мақсадларим катта. Санъат йўли эса машаққатли. Шу касбда камол топиб, халқ эътиборидаги санъаткор бўлишни истайман.

– Нодирабегим болалигида Қорбободан қандай совға кутган?

– Қўл билан ушлаб бўлмайдиган, кўз билан кўриб бўлмайдиган, тил билан татиб, таъмини тополмайдиган – уни фақат қалб билан англаш, туйғу орқали сезиш мумкин бўлган БАХТни! Албатта, бу ноёб совға ҳамиша мен билан ҳамроҳ. Янги йилдаги энг катта орзуим мухлисларимга – "Туркистон" саройида илк яккахон концерт дастуримни намойиш этиш. Оиламизда менга доим «Сенга Нодирабегим исмини бежиз қўймаганмиз, уни оқлашинг керак. Момоларинг шиддати, нафосати ва мардлиги сенга ёр бўлсин», дейишади. Бу гаплардан руҳланаман. Илойим, ҳар бир ўзбек қизига бу тилаклар ёр бўлсин. Мард ва жасур ҳарбийларимиз, юртимиз посбонларига эса бу йил омад ва бахт келтирсин, дейман.

Носир БОЙМИРЗАЕВ суҳбатлашди.

МУҲАББАТ НИМА?

Бу саволга ҳар ким ҳар хил жавоб бериши мумкин. Чунки, ички кечинмалар асосида вужудга келувчи бу туйғу инсонлар қалбида турлича тугён уруши табиий. Америкалик олима Ҳелен Фишер ўзининг беш йиллик тадқиқотлари мобайнида инсон қалбини ларзага солувчи бу туйғуга жавоб излади. Бунинг учун олима анча тер тўкишига тўғри келди. Чунки, у ўз тадқиқотларини нафақат океан орти мамлакатларида, балки сайёрамиз бўйлаб олиб боришга қарор қилганди. Фишер хонимнинг кўп йиллик изланишлари ўз самарасини бериб, у инсоният яралгандан буён мавжуд бу туйғуга жавоб топди. Қуйида ушбу тадқиқот ҳақида ҳикоя қиламиз.

Аждодларимиз миллион-миллион йил муқаддам ҳам кечқурунлари олов ёқиб, самода милтираб турган юлдузларга боққанча муҳаббат туйғуси ҳақида фикр юритишган бўлса ажаб эмас. Биз муҳаббат ҳақидаги ушбу ҳикоямизда кўпчилик инсоннинг бошидан кечган мазкур умумий саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Келинг, муҳаббат ҳақидаги саволга жавоб беришдан аввал севиб қолганда ўзимизни қандай ҳис қилишимиздан бошлай қолайлик.

– Ишонинг, қалбимда муҳаббат туйғусини алангалатган инсонни учратганимда, атиги ўн уч ёшимда эдим, – дейди қирқ яшар ҳиндистонлик Сония Чавла. – У эса мендан бир ёш катта эди. Йигитнинг кўзларига боқар эканман, «Ё тангрим, бу бола бунча ёқимтой бўлмаса. Унинг кўнглини забт этишда менга ёрдам бер!», дея ичимда қайта-қайта такрорладим. Орада ёзги таътил ўтиб, яна мактаб бошланди. Мен у йигитчани бир он бўлсада кўзимдан қочирмасдим. Чунки, дугоналаримга «Мен барибир уни ўзимга ром этаман», дея онт ичгандим.

Бир қарашда муҳаббат, Қалбида муҳаббат ўти вақт ўтган сайин алангалаётган бу қизалоқ, ўзини мафтун этган севгилисига эриша олдимикан?..

– Ўзим орзу қилган муҳаббатга эришдим. Турмуш ўртоғим менга севги изҳор қилди. Унинг бутун борлиғи муҳаббат эди. Ушбу муҳаббат алангаласа-алангаладики, асло сўнмади. Биз ҳануз бир-биримизни севамиз.

Аммо мана бу турк аёли Сейха Асманнинг таърифлашича инсон ташқи кўринишидан кўпроқ маъноли англатар экан.

– Ҳамма нарсадан кўра, севгилимнинг самимий чеҳраси, беғубор қора кўзлари мени ўзига жоду айлаганди. Менга бўлган туйғуси самимий эканлигини англаганимдан сўнг, унга бўлган меҳрим ўн чандон ортди. Бу ерда бошқа изоҳга ҳожат йўқ. Ҳақиқат шундаки, мен ҳам, у ҳам нима истаётганимизни жуда яхши билардик. У ҳозир ҳам шундай. Айнан шунинг учун ҳам уни қаттиқ севаман.

Бировни севиб қолар экансиз илк бор содир бўладиган нарса, менинг таъбиримча, беқиёс бу севгингиз қалбингизни ниҳоятда жунбушга келтиради. Шу баробарида сиз ўзингизда чексиз қувват ҳис қиласиз.

Онаси Осиёлик бўлган Чанг Хулио севги савдосининг илк онлари ҳақида хотирларкан, «Мен ўзимни худди осмонда парвоз қилаётгандек ҳис қилганман» дейди. Аммо шундан сўнг қалбингиз янада безовталанади. Чунки сизда энди доимо севгилингизнинг ёнида бўлиш истаги кучая боради. Агар шу он беғубор муҳаббатингизга ижобий жавоб қайтарилар экан, ҳаяжондан қалтирай бошлайсиз. Гўё мастсиз, учиб юрасиз. Афсуски, мексикача «Амуре» қўшиғини тинглаганингизда муҳаббатнинг қоронғу томонлари ҳам борлигини кўрасиз…

Ушбу қўшиқ ҳақида мексикалик профессор Алекс Олеварис шундай дейди:

– Унда севги ҳам, нафрат ҳам куйланади. Бу қарама-қарши туйғулар шундай моҳирона куйга солинганки, ҳайрон қоласан киши. Бундай услубдаги қўшиқни фақаттина Мексикада тинглайсиз. Чунки, бу мексикача йўл.

«Қабргача муҳаббат билан яша,
Муҳаббатсиз яшагандан кўра…»

Муҳаббат ва нафрат. Йўқ, бу драма эмас. Ҳаёт ва ўлим. Биласизми, сиз қанчалик юракдан севсангиз, севгингиз учун шунчалик қурбон бўлгингиз келади.

– Севги – бу телбаликнинг ўзи, – дейди испаниялик талаба Силвия Эдуччо. – Кўзларингиз кўр бўлиб, қалбингиз даҳшатли бир тарзда жунбушга келади. Чунки ҳамма нарса гўзал, атроф атиргулларга бурканган, лабингиздан табассум аримайди. Ахир севиб қолгансиз.

Севги шоҳни гадо, гадони шоҳ қилади. Сиз бировни севдингизми, унинг учун барча оғир синовларга ҳам тайёр турасиз. Чунки сиз унинг измидасиз.

– Севгидан халос бўлиб анча енгил тортдим, – дейди франциялик Жак Ришар. – Бу абгорликни ортиқ ҳазм қила олмасликни аллақачон тушуниб етгандим.

Ҳа, севгидан халос бўлиш қийин иш. Бу телбаликнинг яна бир томони сиз севгилингиз ҳақида ўйламасдан тура олмайсиз. Севги хуморга ўхшайди. Эҳтимол баъзи одамлар шунинг учун ҳам бундан қочишни ўйлашар.

– Мен ҳеч қачон муҳаббат ҳақида ўйламаганман; – дейди америкалик Тед Холм. – Хотиним билан доимо ўзаро муносабатлар ҳақида гаплашганман. Аксинча ўзим ҳақимда ёки ҳис-туйғуларим ҳақида эмас.

Французчадан Сейман НАЗАРОВ таржимаси.
(Давоми бор).

Кўнгилга ташриф

ДИАНА ЗИЯТДИНОВА ЗИЯТДИНОВА

«МУСТАҲЗОД» УЧУН ГРАН-ПРИ

Концерт зали томошабинлар билан тўла. Минглаб қўшиқ шинавандаларининг қалбини забт этган София Ротарунинг машҳур ашуласи ижро этилмоқда. Бир вақтлар «хит»га айланган бу қўшиқни томошабинлар нечоғлик соғинганларини хониш сеҳрига батамом асир бўлганларидан сўнггина англаб етишди. Жозибали овоз билан ижро этилган қўшиқ ниҳоясига етиб хонанданинг номи яна бир бор эълон қилинди: ўзбекистонлик иштирокчи Диана Зиятдинова...



Томошабинлар оёққа қалқиди. Санъат шинавандалари ҳозиргина куйлаган София Ротару эмас балки ўзбек қизи Диана эканини, аллақачон афсонага айланиб улгурган қўшиқчининг «Край» ашуласини ундан кам бўлмаган даражада маромига етказиб ижро этганини дилдан ҳис қилишди. Олқишлар узоқ давом этди. Қўшиқ муаллифи Николай Мозговойнинг кўзларига ёш келди...

Бу воқеа Украинада, эстрада хонандаларининг «Ялта–2004» халқаро телевизион кўрик танловида содир бўлган эди. Ўшанда эндигина 19 ёшни қарши олган Диана танловда иккинчи ўринни эгаллаб, фестиваль дипломини қўлга киритди. Шу боис фестиваль Диана Зиятдинова ҳаётида муҳим воқеа сифатида муҳрланиб қолди.

Диана Зиятдинованинг халқаро танловларда қатнашиши янгилик эмас. У дастлаб 13 ёшида Грециянинг Афина шаҳрида бўлиб ўтган халқаро жаз мусиқа фестивалида ва Киевда ўтказилган «Песня года» концертларида ҳам иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган эди. Кейин республикамиздаги «Ўзбекистон – Ватаним маним», «Азиз она юртим наволари» танловларининг совриндори бўлди.

Ўтган 2006 йил Диана учун яна-да муваффаққиятларга бой бўлди, десак янглишмаймиз. Чунки у айнан шу йили «Йилнинг энг фаол эстрада қўшиқчиси» номинацияси ғолибига айланди, «Ниҳол» мукофотини қўлга киритди. Шу билан бирга Болгариянинг Добрич шаҳрида бўлиб ўтган «Сарандев – 2006» поп-рок танловида Ўзбекистондан биринчи марта вакил сифатида қатнашиб, танлов меҳмонларини ҳам, мезбонларни ҳам, чет эллик эстрада мухлисларини ҳам ҳайратда қолдириб дебютнинг ўзидаёқ Гран-при соҳибаси бўлди.

Бу каби танлов ва фестиваллар Диана Зиятдинованинг эстрада хонандаси сифатида шаклланишида, ўз услубини топишида катта аҳамият касб этди. Уни изланишга, машаққатлардан чўчимасликка ўргатди ва ижро малакасининг мукаммаллашишида муҳим роль ўйнади. Диана эришаётган ушбу муваффаққиятлари замирида ота-онаси ва устозлари меҳнати турганлигини фахрланиб сўзлайди.

– Менинг санъаткор бўлиб етишишимда ота-онам – Клара опа ва Равил ака Зиятдиновларнинг хизматлари жуда катта, – дейди Диана қувонч билан. – Чунки ота-онам ҳам санъаткор бўлганлиги учун мен санъат соҳасидаги дастлабки билимларни улардан олганман. Аслида менда қўшиқ айтишга қизиқиш болалигимдан бор эди. Эсимда, боғчада ҳам, мактабда ҳам байрам бўлса, қўшиқ айтардим. Ота-онам мендаги қизиқишни кўриб Успенский номидаги мусиқа мактабига ўқишга бердилар. Мусиқа мактабини битириб, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси бўлдим. Ҳозир мазкур ўқув даргоҳининг магистратура бўлимида таҳсил олаяпман. Концертларда, турли танловларда менга устозларимнинг сабоқлари қўл келаяпти. Эришаётган ютуқларимдан улар билан ўтказган тайёргарлик жараёнлари беиз кетмаганлигига амин бўламан. Шунинг учун мен вокал йўналиши бўйича сабоқ берган таниқли бастакор Дилором Омонуллаева, Нодира Қобулова ва мен билан ҳамкорлик қилиб келаётган бастакорлар, Алишер Расулов, Анор Назаровлардан миннатдорман. Уларнинг ижрочилик ва репертуар борасидаги маслаҳатлари менга жуда асқотаяпти.

– Диана, мумтоз қўшиқларимизга бўлган қизиқишингиз қай даражада?

– Мумтоз қўшиқларни эшитишни яхши кўраман. Ўзим ҳам иложи борича маромига етказиб куйлашга ҳаракат қиламан. Масалан, ўтган йили Болгарияда бўлиб ўтган «Сарандев – 2006» халқаро танловида ўзбек мумтоз қўшиқларидан бўлган «Мустаҳзод» қўшиғини ижро этиб ғолибликни қўлга киритдим. Ана шундагина мен бугун дунёни тақлид билан, саёз ва олди-қочди матнлар, аралаш-қуралаш мусиқалар билан қойил қолдириб бўлмаслигига амин бўлдим. Аввало биз эстрада санъатимиз билан жаҳон саҳналарини забт этишга чоғланар эканмиз, бу йўлда асосий мезон миллий қўшиқчилик анъаналаримиз эканлигини унутмаслигимиз керак. Фестивалда Муҳаммаджон Мирзаев мусиқаси билан айтиладиган «Мустаҳзод» қўшиғининг миллий ўзига хос ижро йўналиши европаликларни ҳайратга солди. Чунки, бизнинг миллий қўшиқларимизда хонанданинг овоз имкониятлари тўлиқ намоён бўлади. Бундай эътирофни танлов ҳайъати аъзоларидан эшитиш менга қувонч бағишлади.

– Фестивалда зафар қучиш осон бўлмагандир?

– Албатта, қаттиқ ҳажонландим. Чунки фестивалга МДҲ ва бошқа Европа мамлакатларидан кўпгина истеъдодли хонандалар келишганди. Аммо устозларим Мансур Тошматов ва Фарҳод Жўраевлар далда бериб туришди.

– Келгусидаги режаларингиз ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.

– Ўқишимни муваффаққиятли тамомлаб, ўз ижодимни, изланишимни давом эттираман, деган умиддаман. Яна бундан кейин ҳам халқаро танловларда қатнашиб, ўзбек санъатининг довруғини дунёга ёйиш ниятидаман.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, Диана Зиятдинова дунёнинг ўн беш тилида қўшиқ куйлайди. Шубҳасиз улар орасида миллий эстрадамиз куй-қўшиқлари асосий ўринни эгаллайди. Ҳозирда хонанданинг репертуарида ўттизга яқин турли мавзудаги ўзбекча қўшиқлар бор. Айниқса, улар орасидаги она Ватанга бўлган муҳаббатни таранним этувчи қўшиқларни хонанда ўзгача меҳр билан куйлайди. Жумладан, «Ватан», «Оллоҳ битта Ватан берган», «Аввало бошингда битта Ватан бўлсин», «Ўзбекистон», «Тенг овозинг бор энди» каби қўшиқлари аллақачон мухлислари қалбидан жой олган.

Диана репертуар танлашда жуда талабчан. Энг аввал қўшиқ матни ва мусиқасини белгилашда тасодифийликдан қочади. Шу боис ҳам юракдан айтиладиган, содда, аммо қалбларга ҳаяжон солувчи қўшиқлари, шеърий сатрларга муносиб оҳанг, ижро маҳорати доим мухлисларига манзур бўлади.

Ҳозирда хонанда ижодий изланишлар билан банд. Янги, мазмундор қўшиқлар яратиш устида жиддий изланаяпти. Олдинда эса уни янги-янги танловлар, фестивалларга кутиб турибди. Шундай экан ўзбек санъатини дунёга ёйишда унга фақат омад ёр бўлишининг тилакдошимиз.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

ПОСВЯЩЕНО ЮБИЛЕЯМ ДРЕВНИХ ГОРОДОВ

В Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека состоялось 43-е заседание республиканского научного семинара имени академика Яхъё Гулямова «История узбекского народа и государственности». Заседание на тему: «Роль городов Узбекистана в мировой истории» было посвящено 2750-летию Самарканда и 2000-летию Маргилана.

Выступившие на нем вице-президент Академии наук Узбекистана С.Гулямов, ректор Национального университета Узбекистана Г.Мухаммедов и другие отметили, что наша страна, являющаяся одной из древних колыбелей человеческой цивилизации, всегда была в поле внимания мирового сообщества. Особый интерес вызывают древние города нашего края.

Бухара, Ташкент, Хива, Шахрисабз, Карши издавна играли важную роль в процессе развития политических, экономических, культурных и научных международных связей. К числу таких древнейших городов относятся также Самарканд и Маргилан, история зарождения которых уходит в далекое прошлое.

По инициативе Президента Ислама Каримова в нашей стране стало доброй традицией проведение юбилеев древних городов с участием международных организаций. Так, в соответствии с постановлениями руководителя государства в нынешнем году совместно с ЮНЕСКО будут широко праздноваться 2750-летний юбилей Самарканда и 2000-летний юбилей Маргилана.

– В целях более глубокого изучения истории этих городов сейчас ведется целенаправленный научный поиск, – сказал старший научный сотрудник Института археологии Академии наук Узбекистана, доктор исторических наук М.Исомиддинов. – Планируется издание ряда сборников, монографий и альбомов, содержащих результаты последних научных изысканий. Кроме того, организуются и проводятся научно-практические конференции с участием отечественных и зарубежных специалистов.

На заседании семинара, в котором приняли участие историки, этнографы, археологи, молодые исследователи, были заслушаны доклады, посвященные топографической структуре городов Средней Азии в средние века, первичной культуре градостроения, роли городов, сформировавшихся в античный период и средние века на территории Ферганской долины, в системе государственности нашей страны. Также были обсуждены очередные задачи по исследованию истории культуры городов и градостроительства, новые направления научного поиска.

Б.ХИДИРОВА, корр.УзА.

МАЪНАВИЯТ

Машҳур саркардалар ҳаётидан

СПАРТАНИНГ ЖАНГАРИ ЎҒЛОНИ

Спарталиклар шоҳ танлашда камдан-кам янглишардилар. Чунки лашкарбошилар уларнинг кўз ўнгида шаклланарди. Асли Спарта шоҳлари авлодидан бўлган, Агесилай II (милоддан аввалги тахминан 442-358 йиллар) ҳам жангчи халқнинг барча талабларига жавоб берарди.

Тўғри, Агесилай оқсоқ, анча кўримсиз, лекин ақл ва фаросат жиҳатидан бошқалардан ажралиб турарди. У болалигидан отасининг кузатуви остида ажойиб таълим олиб, юришларда туғма жангчилигини кўп бора намойиш этди. Яъни Спартанинг ҳар бир лашкарбошиси босиб ўтадиган машаққатли йўлдан мардонавор юрди, аввал катталарга бўйсунишни, кейин эса бошқаларни ўз иродасига бўйсундиришни ўрганди.

Мамлакат оқсоқоллари тез орада ёш саркарда, шоҳнинг устунлигини тан олдилар. Аммо иқтидорли, чуқур ўйланган қарорлари билан ажралиб турадиган шоҳ ўз ватанининг эллинлар оламидаги юксак мавқеини доим эсда сақлади. Бироқ бу ўрин учун доимо қўлда қурол билан курашишга тўғри келди.

Ёш шоҳнинг биринчи ҳарбий юриши милоддан аввалги 396 йилнинг баҳорида рўй берди. Форслар устидан ғалаба қозонган спарталиклар (саксон минг кишилик қўшин) Кичик Осиёдан катта ўлжалар билан қайтдилар.

Икки йилдан сўнг шоҳ қўшинларини Кичик Осиёнинг ичкарисига олиб киришни режалаштирди. Аммо юнон шаҳар-давлатлари Спарта босқинчиликларига қарши бирлашгани ҳақидаги хабар навбатдаги юришга ҳалақит берди. Агесилай узоқ юришга чиққанлигидан фойдаланган Афина, Фив, Коринф, Аргос каби кичик давлатлар унинг ерларига ҳужум қилишга қарор қилдилар. (Спартанинг ўзида кичик қўшин қолган эди).

Коринф уруши бошланганлиги ҳақидаги ҳунук хабарни эшитган Агесилай флотни дарҳол ортга қайтарди ва милоддан аввалги 394 йилнинг августида жангга кирди. Бу оғир жангда дастлаб спарталиклар ғолиб бўлдилар, лекин ўзлари ҳам катта талафотлар кўрдилар.

Спарта чегараларида қайта куч тўплаган Агесилай яна бир неча бор жангга кирди. Бу жанглар галма-гал келган муваффақиятлар билан давом этди. Коринф урушининг охирларида Спарта армиясининг жанговар тажрибаси, унинг моҳирлик билан бошқарилиши ўз натижаларини бера бошлади. Агесилайнинг рақиблари орасида келишмовчиликлар пайдо бўлди, уларнинг ҳар бири ўзича Спарта армиясини енгишни хоҳларди. Коринф уруши даврида юнон саркардаси рақибларнинг режаларини олдиндан топа олиши, ўз армиясининг тезкор ва қатъиятли ҳаракатлари билан мақсадга эришиб борди.

Бироқ Спарта ҳукмдорлигига қарши озодлик курашлари тўхтамади. Агесилай олдида жиддий рақиб – Фив қўшинлари пайдо бўлди. Фив аҳолиси эрксеварлиги билан ном қозонган эди.

Левкрат атрофида бўлиб ўтган оғир жангларда енгилмас Спарта қўшини Эпаминонд бошчилигидаги фиванликлардан талафот кўрди. Фиванликларнинг лашкарбошиси Эпаминонднинг ҳарбий санъати Агасилайнинг анъанавий ҳаракатларидан устунроқ бўлди ва спарталиклар чекинишга мажбур бўлдилар.

Аммо Агесилайнинг ютуғи шунда эдики, у икки марта Спарта шаҳрини душманлардан сақлаб қолди. Тинчлик сулҳи шоҳ Агесилайни қониқтирмади. У омадини Юнонистондан ташқарида синаб кўришга қарор қилди. Ўша пайтда қўшинга ёлланиш оддий бир ҳол эди. Юнон жангари-профессионаллари катта-кичик отрядлари, ҳарбий флотлари билан исталган ҳукмдорнинг хизматига ёлланар эдилар. Бунинг учун эса уларга катта ҳақ тўланарди. Уруш улар учун фойда келтирувчи касб бўлиб қолган эди. Спарта шоҳи ҳам бундан истисно эмасди.

Агесилай ўз қўшини билан аввал Миср шоҳи Тахосга, кейинчалик унинг душмани бўлган эрон шоҳи Нектанеб II га хизмат қилди. Бу ҳукмдорлар жангчиларни яхши сийлаб турсалар ҳам, ўзлари бундай кучли саркардадан доим хавотирланар эдилар.

Ниҳоят, Агесилай II ўз қўшини билан Юнонистонга йўл олди. Денгизда кучли тўфонга учраган флот Менделая ерларида тўхташга мажбур бўлди, шоҳ ва саркарда ҳам шу ерда вафот этди.

Агесилайнинг вафоти ҳақидаги хабар Спарта рақибларини янги ҳаракатларга бошлади. Энди спарталикларни оғир урушлар, янги синовлар кутарди. Қадимий Спартанинг кейинги лашкарбошилари Агесилай ҳарбий юришлари тактикаси ва стратегиясига кўп маротаба мурожаат қилдилар ва ўргандилар.

Подполковник Абдуқодир АБЖУЖАМИЛОВ.

БИР ШИНГИЛ УЗУМ

Шомансур ота бомдод намозини ўқиб, боғ кезишни одат қилиб олган. Бугун ҳам ҳар галгидек елкасига кетмон ташлаганча қўрғон уйидан чиқиб, боғи томон йўл олди. «Пардавойнинг янги келини чаққон чиқди, барака топсин», ота ғирашира тонгда кўча супураётган хушрўйигина келинчакнинг тавозе билан берган саломига алик олди. Уйида донг қотиб ухлаб ётган икки нафар келини кўнглидагидек чиқмади. Уларга қўшилиб ўғилларият танбал бўлиб кетди. Кампири тириклигида намозини тугатиши билан иссиқ чой узатарди.

– Тонгги ризқингиз, чол. Ишга кейин уннайсиз. Қувват бўлади, – дерди Хадича. –Иссиқ сутми, чойми ҳўплаб даласига жўнарди Шомансур ота. Белига кампири тугиб берган нонми, бирор егуликми, қистириб оларди. Энди-чи, иссиқ чой тутадиган меҳрибони йўқ. Келинлар кунни пешин қилиб чой ичишади. Гоҳида чойга отани таклиф қилишниям «унутишади». Шундаям ота боёқиш уларни дуо қилишдан чарчамайди.

Ота кечки картошкаларга сув тараб, ишкомнинг четига келиб чўкди. Кексалик қурсин, кетмон тутди дегунча бели қотади. У чўзилиб бир шингил узум олиб белбоғи билан артди-да, оғзига солди. Пишишига сал бор. Икки ҳафталарда шира бойлаб, қанддек бўлиб кетади. Бу йилги ҳосил чакки эмас. Тўнғичи ўғил уйлайдиган, шунинг ҳаражатига яраб берса тузук.

Шомансур отанинг уч ўғли бор. Ҳаммаси уйланган. Набиралари ҳам бўй етиб туришибди. Катта ўғли Неъматжон ҳадемай ўғлини уйлайди, қўшни қишлоқдаги қариндошларининг қизига уналтириб қўйишган.

Катта келини Малоҳат тепадан туриб олақанотларни қувган бўлди-да, мис челакларни даранглатиб кетди. У пастда ишком тагида ўтирган қайнотасини пайқамади ҳам.

Ота яна экинзорга шўнғиди. Картошкаларга яна қўнғиз оралабди. Шу атрофда ётган елим шишани олиб, уларни кўзи ўтгунча теришга тушди. Яна бели дош бермади. У ўзини ночор сезиб, ўкиниб кетди. Келинларининг миннат ошини емаслик учун кучи етганча қимирласаю, мажоли етмай турса? Шу пайт ишком томондан Малоҳатнинг шанғиллаган овози эшитилди:

– Худоё заҳар бўлгурлар-а, булар олақанотдан баттар. Бу ёқдан қўрисанг, бу ёқдан тинчитишади. Ҳар куни бир бош узумни еб отиб кетаверса, тонг отадими? Тўйга-ку, қарашмасликлари аниқ, бу гадойваччаларнинг!

У яна нималар деб жаврарди, ота эшитмади. Фақат силласи қуриб бир шингил узумни тотиб кўрганига минг пушмон еди. Малоҳатни чақирди, овози зўрға чиқди. Келини уни кўриб баттар қарғанишга тушди.

Ота индамай нари кетди. Шу келини эшигига келганига йигирма йилдан ошди. Ота унинг бирор марта очилиб-ёзилиб гапирганини, кўпга қўшилганини эслолмайди. Иккала овсини билан ҳам доим нималарнидир талашиб-тортишиб юради. Қайнонани оёқ учида кўрсатарди. Неъматжон ана шу хотинининг заҳаролуд сўзларидан қариб кетди.

Ота кетмонини ортмоқлаб қўрғонга жўнади. Келинининг гапидан дили оғриди. Энди уни тарбиялаш оғир. Ўйлаб қараса, боғдаги узумларнинг ҳаммасини отанинг ўзи экиб, парваришлаган, кўпайтирган эди. Энди эса бир бош узум ейишга ҳадди сиғмайди. Ишкомларни ўғиллари бўлишиб олишган. Хомток қилишга келганда отанинг ўзи инқиллаб-синқиллаб бажаради бу ишларни. Набиралари наридан-бери қарашган бўлишадию, шатақлоқ отиб қочиб қолишади. Ўртанчасининг иморати ҳали битмаяпти, ҳали у, ҳали бу қурилиш анжомлари етишмайди, кенжа келини жанжал қилгани-қилган. Болалар ўртасида тўполон чиқади гоҳо. Буларга отанинг асаби аранг чидайди. Кампири ундан аввал кетгани яхши бўлмади-да! Кампири бор тенгқурларини кўрса ҳаваси келади.



Ота ҳовлисига кириб келганида яна овсинларнинг жанжали устидан чиқди, юраги сиқилди. Боёқиш Хадича буларни бошқариб турарди. Аждаҳодай бирбирига ташланаётган келинларининг важоҳатини кўриб қўрқиб кетган ота уларни тинчлантирмоқчи бўлди, аммо эплолмади.

– Ота, бу текинхўрларни тезроқ кўчириб юборсангиз, мен бу уйдан чиқиб кетаман!

– Айни муддао, сенларни ҳеч ким ушлаб тургани йўқ. Менам сал эркин нафас олардим.

Келинлар бир-бирларини арвоҳдан олиб арвоҳга солишди. Қўлларидаги гўдаклари чирқираб қолишди, бўлмаса бир-бирларини дўппослашдан ҳам тойишмасди. Аксига олиб эрлари ишга кетишган.

Отанинг кўнгли чўкди. Кейинги бир йил ичида ўзини ўз уйида ортиқчадек ҳис қилади. Кенжа ўғли Суръатжонда инсоф бор, у отасига ғамхўрлик қилиб туради, аммо кўпроқ вақти кўчада ўтади. Хотини эса унинг акси. Жаҳлини жиловлай олмайди. Тескари дунё экан. Ота айвонга чиқиб кўрпачага чўзилди. Нима қилиб бўлмасин, ўртанчаси Шавкатни кўчириши керак. Бўлмаса, келинлари нағма чиқараверишади.

Ота шом намозини ўқиб, кечки овқатга ёзилган дастурхон атрофига ўтирди. Набиралари унга эркаланиб тиззасига бош қўйишди. Азбаройи ҳорғинлигидан уларнинг эркаликлари ҳам отага ёқмасди. Нимагадир руҳи чўккан унинг.

Шу пайт эшикдан Неъматнинг қораси кўринди. Унинг қовоғи тушган, ота билан совуққина сўрашиб укаларига ёвқараш қилди:

– Мундоқ болаларингни бошқариб турмайсанларми, ишкомдаги узум пишмасдан туриб еб битиришса, тўй ҳаражатларига нимани ишлатаман?

Укалар хотинларига хўмрайишди. Ўртанча келин бобиллаб кетди:

– Ўв, ака, болаларимиз боққа боришмаяпти-ку, қаёқдан узум ейишади? Балки кеннойим ўғринча бозорга обчиқиб сотаётгандир, ахир, бултур сиздан бекитиб роса пуллаганди-ку?

– Сенга ҳеч ким гап бергани йўқ.

Ота чидаб туролмади:

– Болам, бугун мен бир шингил узум олиб евдим, хотининг шуни назарда тутгандир, неваралар ёш, боққа боришмайди.

– Булар сизга ёлчитиб қарашмайдию, яна ёнларини оласиз, ота. Бу текинхўрларнинг ҳаммасини кетига тепинг.

Шавкат акасини боплаб таъзирини берардию, укаси ушлаб қолди. Келинлар бўлса тўнғиллашиб турибкетишди. Иссиқ овқат ейилмасдан совуди.

–Болам, – тилга кирди ота. – Бир-икки бош ейилгани билан камайиб қолмайди. Айт, хотининг феълини кенг қилсин. – Бу билан ота сен ҳам, дегандек бўлди. – Худо берган ризқни ошаймиз барибир. Қолаверса, узум экиб бели оғримаган.

Неъматнинг қовоғи тушиб кетди. Овқатга ҳам қарамасдан ўрнидан қўзғалди. У кетгач, отанинг ҳам иштаҳаси бўлинди. Кечаси билан бедор тўлғонди. Тавба, шунча узум экиб, бир шингилни олиб ейишга ҳадди сиғмаса-я? Наҳотки, бора-бора фарзандлари бир-бирлари билан бегоналардай бўлиб кетишса? Ўзининг биттагина укаси доим уни кўролмасди, бундан отанинг юраги тирналар, дардини бировга айтолмасди. Бунга келини сабабчи бўлган. Энди-чи, бу одатни ўғиллари такрорлашаяпти. Ота ўткинчи дунёга берилиб, бир-бирларининг кўзларига чўп суқаётган ўғилларидан хафа бўлиб кетди. Уларни эгри ниҳолдай ўстирдими ё? Мен ўлсам, оғир тин олди у, ўғилларим билан келинларим бир-бирлари билан ёвлашишлари тайин. Шармандаликдан уларни Худо асрасин.

Ота эртасига боққа борганида ишкомга яқинлашмади. Орадан бир ҳафта ўтгач, Неъматжон отасига икки бош узум кўтариб келди. Ота уларни набираларига берди. Унинг узумдан эмас, ўғли билан келинидан кўнгли қолганди, холос.

Ирода ШОЁҚУБОВА.

Бош муҳаррир подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ: Х. ЗАЙНИЛОВ, А. САФАРОВ, Ё. ҲАКИМОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар: Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили: 100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Александр Смотриков ва Содиржон Масимов томонидан саҳифаланди. Дизайн ва рассом – Наталья Лаптева.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 Буюртма № G-3285. Адади 28000.